

*Азамат ҚОРЖОВОВ*

# ГҮР ҚИЗИ

*Биринчи китоб*

*Қисса*

ТОШКЕНТ  
«DAVR PRESS»  
2011

Азамат Қоржовов ўз устида тинимсиз ишлайдиган, толмас ижодкор. У беш йил ичида ўттизга яқин қисса ёзиб қўйди. «Гўр қизи» навбатдаги интилишлар сифатида майдонга келган ижод намунаси дир.

«Гўр қизи». Номиданоқ қандайдир сирли ва афсонавий воқеаларни эслатиб юборади. Бироқ қиссани ўқиш жараёнида у афсонага эмас, реал воқеалик заминига қурилганига гувоҳ бўлади киши. Қисса қизиқарли ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асар дир. Ёзувчи унда афсонавий об-ҳаво муҳитини ҳис этади, миллий манзараларга сингиб кетади, унинг ҳар бир саҳифасида сирлилик уфуриб туради. Асар тили оддий, халқ тушунадиган содда ва равон, ҳикоя қилиш услубининг қулайлиги катта ютуқ дир.

Китоб кенг оммага мўлжалланган.

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.  
Китобдан кўчириб босиш наприётнинг ёзма рухсати билан  
амалга оширилиши лозим.

**ISBN 978-9943-393-44-8**

© Азамат ҚОРЖОВОВ, 2011  
© «DAVR PRESS» наприёти, 2011

*“Унинг қизи гурда тугилди. Шундай қилиб дунёга Гурқиз келди. Елкасида катта холи борлиги учун Гурхол деб исм қўйилган. Баъзилар “одам ҳам гурда тугиладими?” деб ишонмаганларида, шундай жавоб беришди: “Онаси кўп инграйвергач, Бузим деган тентак гурни очади, лаҳаддан тортиб олаётганда қиз тугилади...”*

**Адибнинг даҳшат дарасидаги дафтаридан**

## **I ҚИСМ**

### **ЗУЛМАТ КЕЧАСИ**

Хуфтон намозини ўқиб бўлгач, Бузим ҳар кеч такрорлайдиган дуоларидан сўнг Худога узоқ илтижо қилди. Бироқ бутун овга эртароқ чиқиш кераклигини эслаб, хотима ясади. Дунё моддийлик деб аталадиган ўткинчи унсурлар устига қурилган, ким ҳаёт экан, моддийликка ҳам сажда қилишга мажбур эди.

Юзига фотиҳа тортиб ўрнидан тураркан, кўзгуни кўриб тўхтади. Негадир у тескари қаратиб қўйилмаган эди ва унда соқоли ўсган бадбуруш кимса — йигирма йилдан зиёдки одамлардан яшириниб яшаётган Баҳодирхон мулла тикилиб турарди. Кўзгуни дарров тескари қўйгич эди, ҳозир биринчи марта ўзига бегона кўз билан қизиқсиниб қарай бошлади. У кўп йиллар давомида шундан, ўзига четдан ачиниб қарашдан қўрқарди. Ким эди у? Ким бўлиб қолди? Шу юришлари билан нимага эришмоқчи? Қачонгача узлатда яшайди? Бир бадқирдор ўч олиб, мажруҳ қилган экан, ўзиям омон қолмади-ку. Қизи келган эди. Қизигаям қарғиш нуқси урганлигини бир қарашда

пайқади. Юраги жизиллаб кетган бўлса-да, қарғишни қайтариқ қилолмади. Қарғиш — кимдир томонидан ёқиладиган олов. Бу олов бир кун келиб ўзи ўчади, қурбонларини ямлаб-ямлаб ўчади-қолади.

Кўзгуни оҳиста буриб қўйди. Бир муддат ҳоргин чўкиб ўтирди. Шу ўтиришида ҳақиқатан телбани эслатарди.

– Мен... – дедю қолган гапини ичига ютди.

У «мен адоий тамом бўлганман, қариндош-уруғларимнинг, мени аввалдан танийдиганларнинг, дўст-душманларнинг кўзига тик қараёлмайман» демоқчи эдими ё «мен хато қилдим, афсус» дейишга уриндими, ўзи ҳам билмади. Балки у отаси каби мулмалик йўлини танлаб, охиригача илоҳий ишқдан бошқасини билмаганида бу кунлар бошига тушмасмиди? Динга тош отилиб турган шўро замонида ҳам комил инсон бўла олиш мумкинлиги Баҳодирхон мисолида исботланганида не ажаб эди. Бироқ гўзал қизга ишқи тупди. Бу қизнинг ошиқлари кўп эди, ошиқларга сардорликни эса раиснинг ўғли қўлга киритди. У «ҳеч қачон ҳеч нимадан қайтма» шиорига амал қилувчи кас эди, кўрган одам юзини четга буриб кетарди. Сурбетлик ҳар қандай одамни шу қадар хунук кўрсатар эди-да ахир.

Баҳодирхон эса барно йигит эди. Одми кийинса-да, тоза-озода бўлиб, қоматига ярашарди; юзидан нур ёгилиб тургандай туюларди. Намозини қанда қилмаслиги, огир-босиқлиги ва диндан қайтган улуг империянинг улуг одамлари ҳам алланечук ҳайиқиб туриши унинг ҳурматини йигирма ёшидаёқ машҳурларникидан кам қилмаганди. Отасидан кучли мулла бўлиб етишишига ҳеч кимнинг шубҳаси йўқ эди. Аммо ҳеч ким билмайдиган бир хатога йўл қўйган бўлиб, кейинги ҳаёти шу хатога жазо сифатида қоронғи сўқмоқларга бурилиб кетганди, эҳтимол. Ҳаммаси огир, лекин шарафли йўлни танлаганидан бошланган. Бу йўл игнанинг тешигидек хатодан ҳам туядай гуноҳ утиб кетиши мумкин бўлган илоҳийлик йўли эди. Оддийлар ўз йўлига, шайтон уларни

истаган вақтда йўлдан уриб қониқиши мумкин, лекин Баҳодирхондай йигит покликка юз тутиши шайтонни ҳар сонияда безовта қилиб турарди. Бир куни мулавачча кўнглининг сарҳадларидан минг чақирим олисда бир ўй лип этиб ўтди: «Биз чиндан ҳам эволюция оқибатида миллён йиллар ичида табиатнинг кучи билангина вужудга келган биологик мавжудот бўлиб чиқсак ва ўлгандан кейин ҳаёт тугаса, шунча ибодатларим, маишатлардан, ўйин-кулгилардан тийишим қаён кетади?»

Дарҳол бу шаккоклик учун тавба қилиб, Олоҳга илтижо этди. Гузал қизга бўлган ишқи эса борган сайин оловланиб борарди. Йигитнинг қони гупириб, чидаёлмай кетар, бир бора бўса олиш, бир бора тўйиб тикилиш учун дунёсини алмашиб юборишга тайёр эди. Шу тариқа мулавачча йил ўтган сайин қизга нисбатан уйғонган ишққа таслим бўла бошлади. Уйланишга қарор қилди. Шундоқ ҳам отаси эртами, кечми барибир уйлантирар эди, аммо бу йўсинда, яъниким кечалари қизни пойла, тўйдан олдин висол шарбатини симир, деб эмас. Қайси ишқ учун курашишни билмай қолди. Иккисини айро-айро кўрди: уйдан майхўрлик аримайдиган қизга ва шу вақтгача топиниб келгани Илоҳга ишқи.

Кейин фалокат юз берди. Муллани шармандаларча калтаклаб, бичиб ташладилар. Буни кимлардир синов деб атади. Агар синов десак, жазо нима эди? Ҳар қандай жазони синов дейишади, иккиси қандай фарқланади?..

Бузим шулар ҳақида ўйлаб иккисига ҳам кўнарди. Кўнглимда йилт этган шаккокликнинг жазоси, дерди у. Шунинг учун ҳам бу кунларни ўзига лойиқ кўриб яшаб келарди...

Бугун эса у тирикчилик умидида қабристонга овга отланди. Қаерга чиқса итини эргаштирар, фақат тулки овигагина олиб бормасди. Кулба эшигини ёпиб, жийдазордан чиқаётиб, итига деди:

– Уйда қол, тулки овига бораётганимни сезма-  
дингми?

Ит индамади.

– Сендан ақллилар билан учрашишга тўғри ке-  
лади.

Ит тушунди. Зим-зиё, рутубатли тун қўйнида,  
далалар ортида милт-милт этаётган чироқларга қараб  
қўйди, ҳавони искади, бирдан гингшиб олдинга юрди.  
Бузим ҳайвоннинг бу ҳаракатига ҳайрон қолди.

– Сенга нима бўлди, ит? – деб сўради қошини  
чимириб.

Ит ҳамон маъноли тикилиб турарди. Бузим кечаги  
қопқонларни эслади. Одатда Соримтепа мазорлари  
атрофига қопқон қўйса, тонгга яқин олиб келарди,  
лекин гўрлар билан банд этилмаган (одамлар иложи  
борича қиблага интилардилар) кунчиқар томонда  
иккитаси қолиб кетганди.

– Майли, юр, – деди Бузим итига, – бутун ми-  
риқиб ов қиладиганга ўхшамайман, ўтган кунги  
қопқонлардан хабар оламиз. – Сўнгра қўшиб қўйди:  
ҳеч вақо тушмаган, кўнглим сезаяпти.

Ит думини ликилатиб қўйди. Улар гўзаларнинг  
фақат чўплари қолган кенг дала ўртасида кетиб  
боришарди. Канал томондан сузиб чиққан туманнинг  
бир учи Соримтепага туташиб кетган, қабрлар узра  
туман сузиб юриши куз кечасини янада сирларга  
кўмиб ташлаган эди. Бузимдан бошқа одам бундай  
вақтда қабристонда кезиб юришни хаёлига ҳам  
келтирмасди. Одамзодга минг йиллардан бери мерос  
қолиб келаётган туйғулардан биринчиси тундан  
чўчиш эди.

Бузим калима қайтариб олгач, қабристон  
симтўсигидан ошиб ўтди. Ит қаерда ўтиш жойи  
борлигини биларди, дарҳол ўша тирқишдан ўтиб,  
эгасига етиб олди. Жимжитлик шоҳ эди уликлар  
шаҳрида.

Баъзан ойдин кечаларда Бузим ёлғиз келиб, биронта  
қабр панасида атрофни кузатиб ётарди. Тепалиқда  
пайдо бўлган биронта тулки ҳавони ҳидлаб олгач,

мозорлар оралаб кетарди. Үттиз қадам нарида тўхтаб, ит каби бир оёғини кўтариб мозорга чоптириши Бузимни даставвал ҳайрон қолдирган. Тулки одам борлигини кўрди, атайин унинг яқинига келиб қабр устини булгади. Ким билади, балки юмронқозиқ инини кавлаш баҳонасида мозорнинг бир четини очиб кўрар. Бузим тулкилар одам ўлигидан кўрқади, деб ўйласа-да, улардан ҳар нимани кутарди...

Яхши эслаб қолгани боис қопқонларни тезда топди. Бироқ қопқонлар ёпилиб қолганини, улжа йўқлигини кўриб, ерга оҳиста чўқди-да, атрофни кузатди. Қоронғилик ва туман пардасида бир нимани пайқаш қийин эди. Бузим лаш-лушини тўрвасига солиб, тўрт оёқли ҳамроҳини эркалаб қўйди. Ит кела-келгунча ҳам, мазоротда ҳам бир марта ҳурмади, гингшимади.

– Уйга кетамизми? – деди Бузим.

Ит тўхтади. У шарпа каби зўрга кўзга ташланиб турарди.

– Нима бўлди сенга? Кетдик.

Бузим уч-тўрт қадам ташлади, оёғи тагида қуриган шохлар қасир-қусур синди.

– Оббо, – деди Бузим, – келганимни сезиш учун тулкилар дала четидан қуриган шох опкелишибди-да. Хуп, ким тажрибалироқ эканлигини вақт кўрсатади.

Ит эса ҳалиям қимир этмасди. Бузим изига қайтишга мажбур бўлди. Шунда итнинг кўзлари безовта эканлигини кўрди. У гап уқтирилган бола каби жим турарди, аммо вовиллашни, вовиллаган кўйи аллақаяққа чопиб кетишни истарди.

– Тушунмадим, – деди Бузим, аммо сергак тортиб теваракни зимдан кузатди. Шубҳали бирон нимани пайқамагач, итни чақирди ва симтўсиқ томон юрди. Шундан кейин ҳам жойидан силжимаса, итнинг хоҳишига бўйсунушга мажбур эканини олдиндан кўнглига тутиб қўйди. Ортига қараганида итнинг шарпаси-да кўринмади. Бузим изига қайтиб ҳақиқатан ҳамроҳи гойиб бўлганига ишонч ҳосил қилиб,

нимадир содир бўлганини тушунди. У гўристонда ҳуштак чалишни ўзига эп кўрмас эди, бақир-чақир қилиш ҳам одобданмас албатта. Шу важдан тахмин эргаштирган тарафга секин кета бошлади:

– Ит, ҳой ит, қаердасан?

Олдинроқда нимадир шитирлади. Мана, у қаёққа кетяпти. Янги гўр қазилган шекилли, тупроқ иси келмоқда. Биронтаси бандаликни бажо келтирибди-да.

Бузим тўсатдан таққа тўхтади. Бир неча қадам нарида галати овоз эшитилди. Ит деса итникига, тулки деса тулкиникига ўхшамасди. Овоз такрорланди. Бузим на зулматдан, на табиат синоатларидан сесканарди. Бироқ ҳозир сочининг учидан тирногигача музлаб кетди. Яна калима қайтарганча олдинга юрди. Ҳақиқатан бу ерда янги гўр пайдо бўлган эди. Ит тупроқни тирнашдан тўхтаб, эгасига маъноли қараб қўйди.

– Шу ердამисан?.. Нима қиялпсан-а? – асабийлашди Бузим.

Ит машғулотини давом эттирмоқчи эди, Бузим унинг елкасига қўл ташлади.

– Ҳозир сен гингшидингми? – сўради итдан.

Ит бир-икки одим чекиниб, мозор тупроғидан кўз узмай тураверди. Шу пайт аллақаердан — ер тагидан овоз келди. Аёлнинг аянчли чинқириғи эди бу!

Бузим қулоқларига ишонмай чўк тушиб ўтирарди. Осий бандалар қабр азобига чидаёлмай қичқирганларида тирик инсон эшитмас эди-ку. Нега эшитяпти?

Мурда нажот сўраб бақирди, кейин овози ер қаърига сингиб кетгандай секин-аста сўнди. Ит жонжаҳди билан ерни тирнай бошлади.

– Ҳей, тирикмисиз? – Бузим ўзини қабр устига ташлади. Сўнгра ўрнидан сакраб турди-да, қаттиқ ерни гурсиллатиб тепди, қабр четига қулоқ босиб, бутун вужуди билан тинглади.



– Ұлама-а-а-ан!.. – деган нидо келди гүр ичидан.  
– Энажо-о-о-н...

– У тирик! – Бузим гүрков асбоблари сақланадиган кулба томон чоқди. – Тирик!.. Уни қутқараман, албатта қутқаришим керак... Эҳ шошқалоқлар-а, ўлди деб ўйлаб тирик одамни кумиб юборишганини!

Янги мозорга қайтаётганида ит қаттиқ вовиллади. Бузим охирги йиллар касалманда бўлиб қолганиди, ўпкаси оғзига тиқилиб зўр-базўр тепаликка шошилди. Яқин икки-уч чақиримда қишлоқ йўқ эди, кимни ёрдамга чақирсин? Йигим-терим ҳам тугаган, теварак-атрофда қоровул зоти йўқ бўлса.

Ит уни кўриб думини ликиллатмади. «Гурдаги одам ўлиб бўлибди-да», деган ўй ўтди Бузимнинг кўнглидан. Лекин у қатъият билан:

– Барибир очиб кўраман! – деб тупроққа бел солди.

Ҳаш-паш деганча гўрнинг тубига яқинлашди. Бузим совуқ кечада терлаб кетишини хаёлига келтирмаганди, халақит бераётган пўстинни ечиб, лаҳад оғзини беркитиб турган чимларни торта бошлади. Лаҳад очилдию ингроқ товуш ҳавога учди. Бузим ҳам одам, бирдан ўзини ортга ташлади, нажот кутгандай итига боқди. Гўр оғзида турган ҳамроҳи гингшиди, липанглади.

Оғзидан калима тушмаётган Бузим лаҳад айвонига энгашиб сўради:

– Тирикмисиз?.. Қурқманг, тирик бўлсангиз сизни халос этаман...

Инграш эшитилиб, нимадир қимирлагандай туюлди.

– Эсим қурсин, – дея Бузим пўстинига отилди. – Гугурт бор эди-я.

У итнинг ёнидаги пўстинни ағдар-тўнтар қилаётганда, ит вовилаб ўзини орқага олди. Жониворнинг кўзи қоп-қора гўр оғзида эди. Бузим секин бурилди. Не кўз билан кўрсинки, лаҳаддан оқиш шарпа судралиб чиқиб келмоқда эди. Одам тушунмайдиган ва ҳеч бир тирик зот эшитмаган бўғиқ, аянчли хириллаш

чиқарди шарпанинг бугзидан. Бузим шоша-пиша гугурт чақди. Оний лаҳзада «ҳозир ириган-чириган мурдани кўраман...» деб ўйлаган эди. Йўқ, Бузим бошқа манзарани кўрди. Оқ кафани йиртилиб, туфроққа қоришиб бир жувон ётарди. Юзи азобдан буришиб кетган эса-да, ёшлик ва гузаллик уфуриб турганини билиш қийин эмасди. Қаеридир таниш эди унинг.

Бузим ҳаяжон ичра иккинчи чўпни ёқди. Жувон даҳшатли азобни бошидан кечираётганди. Қорни тарс ёрилгудай дўшайган, чинқиравериб, типирчилайвериб жони қолмаган эди бояқишнинг.

– Воҳ лаънатилар! – айюҳаннос солди Бузим. – Бу дунёда яна нималарни кўрар эканман-а?.. Бу нимаси ахир!.. – У гўрдан чиқишга уринаётган жувонга деди: – Синглим...

– Ёрдам беринг, – ёлворди жувон ҳансираб.

Кафанини сидириб юборгудай қоринга беихтиёр Бузимнинг қўли тегиб кетди, сўнг дарров қўлини тортиб оларкан:

– Пустин бор, – деди. – Пустин ёпаман. Исинасиз.

Дарҳақиқат, совуқ кечада ташқаридан кура гўр ичи иссиқ эди. Гўёки ер ҳам раҳмдиллик билан бор ҳароратини бераётгандек. Бузим уни шу ерда қолдириб энг яқин қишлоққа чопишни ўйлади.

– Узоги билан ярим соатда келаман, – деди у. – Калима қайтаринг, асло қўрқманг, одамларни чақирсам касалхонага олиб боришади...

Жувон тирсакларига таяниб жон ҳолатда қичқирди. Сўнг мадори қуриб гўр ичида тойғониб лаҳад огзига бориб қолди. Бузимнинг назарида ер уни ўз қаърига тортаётгандай туюлди ва куч билан тутиб қолди. Жувон азобдан бугиларди. Шунда Бузим ҳомиладор жувон туголмай азоб чекаётганини тушунди. «Ту-гишига яқин қолганда ажал етган бу банданинг не гуноҳи бор эканки, шури қуриб қабристонда кўзи ёримоқчи?!» деб қалбида исён уйғонди. Аммо исён гугурт чўпидай бир зумда ёниб ўчди: «Худо ёрлақанган эканки, тириклай кумилса-да, ёрут оламга қайтиб чиқди ва фарзандини дунёга келтиряпти».

- Сиз Бузим мулламисиз? – тилга кирди жувон.
- Ҳа... мен – Бузимман...
- Ҳеч қаёққа... ҳеч қаёққа борманг... Мен барибир ўламан, – деди жувон.
- Умидсиз булманг, Оллоҳ сизни...
- Йўқ!.. – жувон тўлғоқ азобидан гапиролмай қолди. Қўллари Бузимнинг билагидан шундай қисдики, суяклари эзилиб кетди. – Боламни олинг... У туғилибоқ лаҳадга кирмасин... илтимос...

Бузим аёл зотининг туғишини умрида кўрмаган эди. Одамлар осонгина туғилиб қийинчилик билан жон беради, деб ўйларди, акси экан. Қуйироққа тушиб болани олишга шайланди. Қанийди бола ўзи туғилиб қолса? Латтага ўралиб қўлига тутқазилса.

Э-воҳ, Бузим эсидан айирилишга сал қолди. Ҳаммасини ўзи бажарди, тупроққа беланиб, қўллари қонга бўялиб, тор гўрга икки киши тиқилиб...

Сўнг уч вужуд!

Чақалоқ озини каппа-каппа очиб, чинқириб йиглай бошлаганда Бузим бутунлай карахт булиб қолганди. Одам боласи ҳам шунчалик митти бўладими? Мушқудай келадику бу. Воҳ, ҳозир уни совуқ уради, иссиққа ўраш керак.

Бузим пиджагини ечиб, яхшилаб ўради. Пўстин эса ҳозирча онага асқотиб турарди, аммо жувон, кутилмаганда жимиб қолди. Чақалоқни қўйиш учун қабр ичида жой йўқ эди, Бузим дўппайиб турган гўр панасига авайлаб жойлади-да, итига тайинлади:

– Тегма, бу тулки боласи эмас.

Ит гингшиб ортига чекинди. Агар жувон ўлган бўлса, Бузим бунга ажабланмайди. Аксинча, чидаб бўлмас қийноқни бошидан кечириб, қон йўқотиб, дийдираб ётган аёлнинг тирик қолиши кўпроқ ажаблантирган бўлар эди.

– Синглим, – деб елкасидан оҳиста тутди.

Ёш она ингради.

– Яна бироз чиданг, ёрдам чақираман.

– Тўхтанг, – деди жувон сўнгги кучини тўплаб,  
– мен Зебигулман... Қайнонам билан жийдазордаги  
кулбангизга борганимиз эсингиздами?.. Бир  
вақтлар отамни қаргагансиз... Отингиз Баҳодирхон,  
тўғрими?.. Авлодимиз қирилиб битди... Фақат мен  
ҳаёт эдим. Етимлик тамгаси остида шу кунгача не-не  
кўргиликларга чидаб яшадим.

– Зебигул, – деди Бузим.

– Мен ҳам ўлапман, энди қарғишингизни қайта-  
риб олинг...

– Зебигул, сен... – дедию Бузимнинг томоғига  
нимадир тикилиб қолди. – Қайтариб олдим... олдим...

– Бир илтимосим... боламга қарғишингиз урмасин...  
Уни сизга топшириб кетаман, ахир мазоротда яна  
ким ҳам бор!.. Лекин... лекин уни ҳеч қачон отасига  
кўрсатмайсиз. Мени йўқ қилган аёл бор у ерда...  
Кундошим... кундошим кувига нимадир қилаётганини  
кўрдим... Атайин тўк улади... Худога солдим уни...

– Болани қаерга олиб бораёй? – деб сўради Бузим.

– Билмайман... яшаб кетса бас... Етти ойлик у...

– Милиция изимдан топади, бефойда.

– Ўлганимни ҳамма билади-ку ахир. Мени шу ерга  
қайтадан дафн этинг, шу ерга. Ҳеч ким билмасин!..  
Тупроғимни аввалгидай уюб қўйинг... Мингдан-  
минг розиман, мулла бова... Боя... ажойиб нурни  
кўрдим. Қиёматгача шу нурга тикилиб ётаман...  
Қилган сабрларимга Оллоҳ мукофот берди... Сизгаям  
мукофот берсин...

Бузимнинг кўзларига ёш қуйилди. У жувоннинг  
бошини силаб ҳиқ-ҳиқ йиғлади.

– Қаргаган бўлсам ҳам отангни қаргагандим, –  
шивирлади у. – Қаргаб нима топдим? Зебижон, мени  
кечир... кечир... Сен жаннати аёлсан!

Шунда Зебигул кўзини ожирги марта очиб,  
сўради:

– Болам ўғилми, қизми, мулла бова?

– Ҳозир айтаман, бироз чида.

Бузим пиджакка ўралган чақалоқни олиш учун гур  
панасига ўтиб, тахтадай қотди. Ит уни меҳр билан

яламоқда эди, оғиз-бурнидан, пешонасидан, ҳатто пиджак орасига тумшуқ тиқиб бошига, қулоқларига тил югуртираяпти.

– Тур кет-е! – Бузим итига ушқириб берди.

Ит хафа бўлиб, ўзини четта олди, чақалоқ чириллаб йиғлай бошлади. Бузим шунда бир ҳақиқатни пайқаб колди: чақалоқ йигисини кимдир эшитиб қолишидан боядан бери қўрқаётган экан. Аксинча, биров келиб булардан Бузимни қутқаргани афзал эмасми?

Дарров чақалоқни текшириб кўрди, у қиз эди. «Қиз! – миясида ўт чақнади Бузимнинг. – Ҳали қиз катта қилишим керакми? Ҳечам-да! Мен... ёлғиз бошим билан чақалоқни, яна де, қиз тарбиялай олмайман!..»

Гўрда эса она кутарди. Бузим чақалоқни бағрига босиб, қабр ичига оҳиста тушди. Бироқ Зебигул қилт этмади.

– Қиз экан, – деди Бузим. – Зебигул... Зебигул!

Зебигулдан садо чиқмади. Гутурт чаққан эди, очиқ қолган кўзларини кўрди. Аёлнинг жони узилган эди. Қулидан чўп тушиб кетди, дир-дир титрарди у. Марҳуманинг устига энгашиб анча вақт туриб қолди, бир пайт ниманингдир чўпиллашидан сесканиб тушди. Гутурт чақаётганида чақалоқни ўликнинг қорнига ётқизиб, тиззаси билан бир ёнидан суяб турганди, ё тавба, гўдак ғайритабиий чаққонлик билан онасининг кўкрагини ахтариб топган, очофатлик билан эмиб ётарди. Бузимнинг назарида чақалоқ кучук каби ириллаб қўйгандай, кўзларида яшил ўт чақнагандай бўлди. Одам боласига сираям ўхшамасди у.

– Астағфурулло! – Бузим қабр деворига елкаси билан урилди. Умри бино бўлиб бунақасини кўрмаганди.

Аммо беозор чақалоқ эди. Яхшироқ эмиш учун тиззачаларига куч бериб, олдинроқ интиламан деди ва лаҳад оғзига думалаб тушди. Бузим оёғи билан тутиб қолишга улгурди. Кейин яна пиджакка ураб, юқорига чиқарди-да, қабр тупроғи панасига ётқизиб қўйди. Бундан норози бўлган қизча кучаниб типирчилар,

пиджакни бурда-бурда қилиш учун митти қўлчалари билан чираниб ёпишганча, оғиз соларди. Ҳозиргина тугилган чақалоқдан бундайин тугённи кутмаган Бузим ҳамон лол эди.

– Қиёмат, – деди у, – қиёмат қизча... Мени кечир, онангни дафн этишим керак. Уни қайтиб умрбод кўрмайсан! Онангнинг қорнида ўлиб кетмадинг — бахтинг! Сенда шайтон кучи борга ўхшайди, ишқилиб, охири бахайр бўлсин, бахайр бўлсин.

Бузим атрофга беҳуш боқди, сўнг алам ва изтиробдан бор овозича:

– Ким бо-о-р?! - деб бақирди. – Ёрдам берадиган биронта борми?.. Биламан, ҳеч ким йўқ! Дунёнинг ярми ўлган, ярми уйқуда! Буларнинг бари менинг пешонамга битилган, ме-е-нинг!.. Отасини қаргаган эдим, уругига ўт тушиб мениям куйдирди, куйдирди, куйдирди...

Ит қаттиқ-қаттиқ вовиллади, улий бошлади. Агар бирон киши келиб қолганида Бузим ҳаммасини ташларди-кетарди. Нима қилсин, тонг узоқ, кун ёришганда ҳам бу ерларга одам келадими-йўқми, аниқмас. Майитни шу ҳолда ташлаб кетишга эса виждони чидамайди. Чақалоқни-ку кулбасига олиб бориши шарт, бўлмаса совуқдан ўлиши муқаррар, ўлмасдан туриб шоқолларга ем бўлади бечора. Инсон кечмишларини ёзиб бораётган фаришталар Бузимнинг гуноҳларини битишга шунчалар шай турардики, кунглидан ҳам ўтказишга қўрқиб қолганди у.

Шу онда сеҳрли бир қуш қанот қоққандай сезилди. Қанот тафти таърифга тил ожиз даражада ҳузурбахш бўлиб, одам эсидан айирилиши ҳеч гап эмасди. Баайни у жаннат исини елпиб учган эди.

Бузимнинг кўзлари қамашиб кетди. Кўр бўлиб қолсам керак, деб ўйлади. Ер қаъриданми, самоданми, тирик одам аниқлаб бўлмайдиган томондан, денгиз шовиллашига ўхшаш сас эшитилди, қушлар сайраб, фақат севимли маҳбубаникига ўхшаш кулги жаранглади. Кулгини бир бора тинглаш учун ер

устида юрган жамики одамзод жонини беришга тайёр буларди, шубҳасиз. Улим эди бу! Бузим улимнинг нақадар гўзаллигини (агар майит жаннати бўлса) шунда билди. Нариги дунё эшиги тирикларни қурқувга соладиган гур деб аталмиш ура ва тупроқ уюмидан иборат эди. Тупроққургонга ташлаб кетиларди либос...

Бузим ўзига келди. Чақалоқни уйига элтиб, сўнг мурдани поклаб кўймоқчи бўлди, лекин Зебигул лаҳадда оққа ўралиб, оққа чулганиб, гўё муаллақ ётгандай эди. Бузимнинг тили калимага келмади. Кейин эса вужудини ишгол этган ажиб бир истак – савоб ва ижро дардида ишга шўнгиди.

Лаҳад огзини чимлар билан бекитиб, гурга тупроқ тортганда қаёқдандир жаноза овози эшитилгандай бўлди. Бузим юзига фотиҳа тортди, холос. Ва буларнинг бари тушида содир бўлгандай эди.

Жийдазордаги кулбасига етиб келганида булари бўлган эди. Боядан бери жимиб ётган гўдак пўстакка ётқизилгач, чирилаб йиглай бошлади. «Бунга сут керак, – деди Бузим итига қараб қўяркан. – Сени катта қилгунимча таъзимимни еганман. Кучуквачча эдинг, у эса одам... Одам боласи!»

Идиш-товоқларни тақир-туқур этиб алланима ахтара бошлади. Нима ахтараётганини билмаса-да, корига ярайдиган бир нима чиқишидан умидвор эди.

Итнинг кайфияти бузилиб, чақалоқдан кўз узмай ётарди. Қутилар орасидан итнинг косачаси топилиб қолди. Кучуквачча бир замонлар шундан сут ичган эди.

– Сени боқиш қанчалик осон бўлган, – деди Бузим итига косани силтаб курсатаркан. – Ит боққан одам боқолмайди, қизиг-а? Бўлмаса сен эмас, чақалоқ менинг қавмим.

Ит косани кўриб ютинди.

– Тушундим, – деди Бузим, – берсанг еяверадиган жон тирик қолади бу дунёда.

Ит ўрнидан туриб думини ликиллатди, ёшлиги эсига тушиб кетди чоғи.

Бузим ранжиб тўнгилади:

– Нега бегоналар олдида талтаясан, ит? Ахир сенга овқат бермоқчи эмасман, шунчаки косачангни кўрсатяпман.

Ит тамшанди.

– Мумкин, – деди Бузим, – бу дунёда тамшаниш белул. Фақат бир нимани ўнг қулогинг билан ҳам, чаши билан ҳам эшитиб қуй: анави чақалоқ энди шу кулбамизда яшайди. Ёши сендан кичиклигини ҳисобга олсак, у сенга ука қатори, аниқроғи, сингил...

– Бузим алмойи-алжойи гапларни сўйлаётганига ўзи ҳам ҳайрон бўлди. – Қон босимим опди шекилли, алжираяпман... Ҳа-да, одам боласи билан икки дунёдаям ака-ука тутинолмайсан, гарчи беҳад садоқатли бўлсанг ҳам.

Ит одамларнинг ақлига қойил эмасман, деган маънода дастурхон тугилган қути ёнига лўкиллаб борди. Бузим телпагини ечиб бошини қашиди. Ёзда қайсидир қишлоқдан ўтиб бораётганида бир аёл боласига чойга ивигилган нон едираётганини кўрганди. У бошмалдоқдай нон бўлагини ширин чойга ивигди. Сўнг пиёла тагидаги чойни чақалоқнинг огзига қўйди. Таажжуб! О, нақадар ёввойилик! Гўдаккина сувга пишиб олинган каби ўқчиб, типирчилаб қолди, кейин секин-аста тинчиди.

Бузим одам боласининг кўзи бир неча кундан сўнг очилишини эшитган эди, бу гўдаккина эса миттигина кўзларини йилтиллаб ниманидир, кимнидир изларди. Ахтарганини топа олмай ўхшади, бирдан оламини бузиб йиғлашга тушди. Бузим ўзи билмаган ҳолда тебраниб уни овутишга уринди. Таваккал қилиб яна чой ичирди. Ҳақиқатан чақалоқ шайтоннинг ўзгинаси эди назарида, уриниб-чираниб ярим пиёла ушоқли ширин чойни ичиб қўйди.

– Яна нима берсам экан? – деди Бузим. – Иштаҳаси карнайга ўхшайди-ку бунинг.



Бироқ қорни тўйди чоғи, гўдаккина пишиллаб ухлаб қолди. Жажжи қўлчалари мушт бўлиб тугилган, кўзлари ўрнида узун чизиқ пайдо бўлган, бурун тешикчалари тепага қарагандай яққол кўринарди. Кўкрак қисмининг бир маромда кўтарилиб-тушиши касалманд одамларнинг нафас олишини эслатарди. Илло шу нарса аниқ эдики, гўрда тугилган бу қизча бошқалардан фавқулодда хусусиятлари билан ажралиб турарди. Бсла ўлиб қолади деган хавотир сўнди. Бузим хотиржам бўлди. Тушагига чузиларкан, деди:

– Гўрда тугилган қиз... гўр қизи... Энди сен гўр қизисан...

## II ҚИСМ

### ЗУЛМАТ КЕЧАСИДАН АВВАЛ

Гўр қизи тугилмасидан бир неча йил бурун, кеч кузда мактаб ўқувчиларини пахта йигим-теримидан қайтаришди. Кечагина ёққан ёмгирдан ўнқир-чўнқир асфальт йўл қорайиб, ҳалқобларга тўлиб қолган эди. Кимдир ҳалиям аллақадан маккажўхорининг сўлиган сариқ поясини ташиб келмоқда. Ҳувиллаб қолган боғлардан қиш мўралаб тургандай туюлади. Одам ўз-ўзидан чарчаб кетади. Яккаш ўзи тушкунликка тушгандай, бошқалар эса хуш-хандон, ишчан кайфиятда юргандай кўринади. Аслида эса ҳамма ҳам сўлим ёз, тўйлар мавсуми бўлмиш эрта куз, октябрь қуёши ва албатта пишиқчилик мавсуми тугаб-битганидан эзилади.

Кечагина ёққан ёмгирдан ўнқир-чўнқир асфальт йўл қорайиб, ҳалқобларга тўлиб қолган эди. Кимдир ҳалиям аллақадан маккажўхорининг сўлиган сариқ поясини ташиб келмоқда. Ҳувиллаб қолган боғлардан қиш мўралаб тургандай туюлади. Одам ўз-ўзидан чарчаб кетади. Яккаш ўзи тушкунликка тушгандай

бошқалар эса куш-хандон, ишчан кайфиятда юргандай кўринади. Аслида эса ҳамма ҳам сулим ёз, туйлар мавсуми бўлмиш эрта куз, октябрь кўёши ва албатта пишиқчилик мавсуми тугаб-битганидан эзилади.

Табиат қишни етаклаб келишдан аввал ана шундай хафагазак кунларни бошга солади. Бунга қарши ҳеч ким курашмайди: на халқ, на давлат. Бир замонлар келиб қишлоқлар ўрни экинзорларга айланиб, дунё аҳолиси шаҳарларга қамаб қўйилгунча давом этаверади бу туйгулар. Бироқ ўша замонларгача кўп бор. Ҳозир эса ўқувчилар пахта даласидан она қишлоқларига қайтишди, бугун қайсидир дала ўртасидаги хароб кулбада ўтин ёқилди, қабристонда қаргалар гуж-гуж уйнади, бир қишлоқда туй режаси тузилди... Ёқимсиз кунлардаги туй...

Автобуслар кечки кўёшда тобланаётгандай куча бошида сарғиш биқини ва кир ойналарини гурубга қаратиб тўхтаб қолди. Бир аёл чолдевор ҳовлидан югуриб чиқди.

– Вой, Насижон! – чинқиргудай бақирди у. – Болам! Болажоним! Асал қизим!..

Кейин бошқа аёллар, қизлар етмиш кунлик айрилиқдан сўнг дийдор кўришгани шошилишди. Кўчалар гала-говур бўлиб кетди. Пахтадан қайтганлар озода кийинган бўлсалар-да кир-чир, увун-тўда кўринардилар. Йигитлар ўз йулига. Эҳтимол, қизлар ҳам эркакча эски кўйлақларни кийиб, олдини тутиб олганлари учунми, калишларидан қалин пайпоқлар чиқиб турганиданми, билмадим, шундай туюларди.

Аммо ораларидаги бир қиз ростдан ҳам хароб кийинганди. Ишлик кийинганлар ичида унинг қанақа оиладан эканлигини пайқамаслик мумкин. Оила дедикми? Йўқ, уни ҳеч ким кутиб олмади, бағрига босмади. Этак билан боғланган шалоқ йигма каравот ва тугунини кўтарганча қовоғини уюб лой кўчалардан бирига кириб кетди. Юқини инқ этмай кўтариб кетаётганига қараганда меҳнатда пишиган қиз эди.

– Зебигул! – чақирди бир эркак. – Душанба кунидан мактаб, эшитдингми?

Қиз бош силкиди ва йўлида давом этди. Темир дарвоза олдида тўхтаб йигма каравотдан этакни ечиб ола бошлади. Шу пайт ит ҳурди ва бир қаримсиқ киши бўй кўрсатди.

– С... салом... – деди қиз юмушида давом этаркан.

Эркақдан садо чиқмади, гайирлик билан қизни кузатиб тураверди. Қиз йигма каравотни бушатиб, дарвозага суяб қўйди.

– Раҳмат, – дея бош эгди.

Эркақни четга суриб, хунук бир хотин чиқди-да, алжишга тушиб кетди:

– Қандайсан, Зеби? Пахтани яхши тугатдингми? Раскаладўшкамизни йиртиб қўймадингми? Менга ёрдам берсанг сенга бошқа нарсаларниям бериб тураман. Янгилликни эшитдингми ўзи? Тоганларникига ҳали борганинг йўғ-а? Сенга совчи келди! Вой, нега анқаясан? Совчи деяшман, совчи! Тоганлар сени узатишмоқчи, тоғнинг орқасидаги қишлоққа, ҳмм!..

– Узатишмоқчи? Мен... – дедию Зебигулнинг қул-оёғидан мадор кетди. Етмиш кун ичида бир марта ҳам чарчамаган эди қиз бояқиш.

– Эрга тегиб кетаверганинг маъқул. – Хотин Зебигулнинг ортидан эргашиб қулогига гап қўйишда давом этди. – Нима қиласан бировларникида миннатли ош ичиб?! Эрниг уйи ўз уйинг, ҳеч ким бегона қилмайди. Мана, бошқалардан мисол... Масалан, мендан! Қаердан келин бўлиб тушганман, биласанми? Қушқовутдан! Қушқовут қаерда, бу ерлар қайда?! Эҳ-ҳе! Ҳозир шу уй меники! Қишлоқ меники! Сен ҳам кўникиб кетасан. Эрингнинг уйи ҳам, қишлоғиям сеники бўлиб қолади. Энг муҳими, қариндошларингнинг миннатидан қутуласан. Қариндош тўйда керак, жанозада керак. Лекин уларникида бир умр яшаб бўлмайди. Менинг энг ёмон кўрганим қариндошнинг миннати. Шунинг учун доим масофа сақлаб юраман...

– Улар миннат қилишган эмас, – деди қиз паст овозда.

Зебигул оёгини судраб босар, дуч келган ҳалқобларни кечиб ўтар, хотин эса эчкидай сакраб калишини асрар, қиздан кўз узмай қўлмак ва лойларга ботмай кетаётганига қойил қолса бўларди. Кўзлари ёнарди бу хотиннинг.

– Энди-и... сен шундай дейсан-да, Зеби. Ким ҳам туз еган жойига тупуради?! Билсанг... сени совчиларга жуда мақтадим. Ота-онаси ўлиб кетган, туғишган тогалари авария бўлиб, жанозалари бир кунда бўлган, қизни янгалари сиғдиришмагач, онасининг амакиваччалариникида катта бўлган, роса қийинчилик кўрган қиз, дедим.

– Нима кераги бор эди бу гапларнинг, – астойдил оғринди қиз.

– Эсим қурсин, Зебижон, мақтайман деб ёмонлаб қўйибман-а?! Лекин барибир оилаларининг бошига тушган фожиани эшитарди, ҳа, эшитарди. Олдинроқ билгани яхши... Лекин сенга жуда қизиқиб қолишди. Уларга меҳнаткаш келин керак, ишлари кўпга ўхшайди. Зеби, лекин сенга иш дегани нима? Тушгача тинчитиб ташлайсан...

– Эрга тегмоқчимасман.

– Нима дейсан? Жийда-пийданинг тагидан ўтган-мисан? Вой, эрга тегмай нима қиласан?

– Мактабда ўқияпман-ку. Кейин... худо пошшо, пешонамда нима ёзилган бўлса шу!

– Юрагимни ёриб юбординг-е, шундайдемайсанми? Ҳозир унаштириб қўйиласан, баҳорга томон ёки мактабни тугатган кунинг опкеташади. Ёмонми?

– Уларни танимасам, – таслим бўла бошлади қиз.

Дарҳақиқат, таслим бўлмасликдан-да ўзга чораси йўқ эди. Бу хотин ким? Ҳар кимнинг хонадонига бош суқиб юрадиган тетикгул бир банда. Айниқса, тақдир савдосини қийворади. Аммо-лекин у ҳозир Зебигулга меъёрдан ошириб парвона бўлмоқда. Шундан далолатки, тоға зотининг хотини “шу етимчани тезроқ кўндириш, кетсин эр-перга тегиб” деган. Деганми, тамом. Зебигулга қаттиқ гапириб юбормайин,

гапирсам ҳам, гапирмасам ҳам совчиларнинг раъйини қайтармайман, мендан аввалроқ ўзига тушунтириб қўйинглар, қабилида буйруқнамо гап қилинган.

Зебигул ҳаммасини тушунди. Агар шу кўчага кирмаганимда ҳеч гап бўлмасмиди, деб ортига алам билан қараб қўйди. “Нега ҳеч гап бўлмас экан? - деди ўзига-ўзи. – Мендан сўраб ўтирармиди улар? Охирги вақтларда тоғам кунини зўрға кўрадиган ҳолга тушди. Болалари катта бўлмоқда, ҳақиқатан мен ортиқчаман... Лекин куёв томон қанақа оила экан? Нега олис бир қишлоқлик танимаган-билмаган етим қизни келин қилиш ташвишига тушиб қолишди? Куёвнинг етти мучаси соғмикан? Ё... ё мен иккинчи хотин бўлармиканман?..”

– Танимасанг танишасан! Мен эримни танибмидим? Кўриб маймун деганман. Маймунлигиям билинмай кетаркан. Сеники эса ойдайга ухшайди, совчилар менгаям расмини кўрсатишди.

– Тоғам нима деса шу, – иложсиз қолган Зебигул бошқа ҳеч нарса деёлмади.

Шу кунийёқ қизлар орасида дув-дув гап тарқалди: Зебига тоғнинг сиртидаги бир эркақдан совчи келганмиш, тоғасининг хотинига узоқроқ қариндош эмиш, уша одамнинг биринчи хотини ўқиган қиз экан, бунақа қолоқ қишлоқда яшамайман, деб кетиб қолганмиш, тўй янги йилдан кейин булармиш ва ҳоказо...

Зебигул кўп маълумотларни синфдош қизлардан эшитди. Ичимдагини топ, писмиқ янгаси унга миқ этиб огиз очмасди. “Зеби, сизга одам келди, тоғангиз бермоқчи”, деди, холос.

Кўп ўтмай совчилар иккинчи бор қадам ранжида қилишди. Куёвни ҳам етаклаб келишган экан, иккиси чеккадаги хонада учрашдилар.

– Яхшимисан? – деди бўлажак куёв алақандай ҳиссиз оҳангда.

Зебигул бошини кўтарди. Қаршисида сочлари тўкила бошлаган ўттиз ёшдан ошган дўнғпешона эркак

турарди. Яноқ суяклари туртиб чиққан, кенг елкали, худди ҳозир ўн тонна тошни ташиб келтиргандай ҳорғин қиёфада.

– Менинг отим Аҳмар, – таништирди ўзини, – деҳқончилик қиламан... ерим бор... уй-жойим... Сен ҳақингда кўп нарса эшитдим. Бахтли бўласан... тегсанг...

– Нега айнан менга совчи юбордингиз? – сурашга журъат этди қиз, аммо кўзларини ердан ололмади. Савол хайрихоҳликдан анчайин йироқ бўлиб, кўнгидаги алам ва изтиробларни чангитиб ташқарига чиққан эди.

– Энам сени танлади, ўзингга менга ёқдинг.

– Мақтабда ўқишимни билмасмидингиз?

– Биламан.

Зебигул бошқа гапиришни истамади. Назарида бу одамга гап уқтириб бўлмасди; ўзининг истаklarидан бошқа ҳеч нимани кўрмаётгани аниқ эди.

– Мен борай, – деб қиз эшик сари юрганди, эркак жундор қўлини шарт узатиб билагидан тутди. Зебигул умрида бу қадар даҳшатга тушмаган эди. Яхшиям, қичқириб юборишдан номус кучи сақлаб қола олди.

– Қўйворинг, – юлқинди қиз.

– Нега бунча ҳуркасан? Қўлингни тут, узук тақмоқчиман.

– Сизга тегмайман... – Қиз унинг кўзларига газаб билан нигоҳ ташлаган эди, ҳирсни кўриб, баттар қўрқиб кетди.

Аҳмар куч билан узукни тақди. Бу — катта кўзли рус тилла узуги эди.

– Тоғаннинг раъйига қарши борасанми? – қизнинг қўлини бўшатди у. – Шунча йил боққан, кийинтирган, катта қилган...

Аччиқ-аччиқ гаплар гапирди. Зебигулнинг кўзларига ёш қуйилиб келди. Чиндан миннат оши оғудан ёмон эди. Ҳамма миннат ҳақида гапирди. Улар сени гўдаклигингдан боқиб олишди, энди истаklarига қарши борасанми, дейишади. Нега қисмати бунчалик аччиқ? Лоақал онаси тирик қолса бўлмасмиди? Бутун

бошли сулолани қарғаб, ҳалокатта гирифтор этган муллавачча ким экан? Қачонлардир учратармикан дуоибад қилган ўша кимсани?

– Сиз... уйланган экансиз-ку, – деди Зебигул.

– Улай агар, унга тегинмаганман, – Аҳмарнинг кўзлари совуқ йилтиради, оғзининг икки чети нам-ланиб, пахта ташлади. – Қўлимни теккизмаганман!.. Иккинчи хотин қилиб олаяпти, деб қўрқаяпсанми? Тўйдан кейин дарров кетиб қолган у. Ўқишда юриб қўйган экан. Қайрилиб ҳам қараганим йўқ бузуқига!.. Шундан сўнг шаҳарга бормаган, ҳатто мактабни битирмаган келин топамиз, деб энам ҳоли-жонимга қўймади.

– Лекин мендан бошқалар ҳам бор-ку.

– Лекин фақат сен топилиб қолдинг, – гапга нуқта қўйди куёв.

Зебигулнинг нидосига ҳеч ким қулоқ солмади. Синфдош қизлар ичида биринчи бўлиб турмушга чиқиш унинг чекига тушганди. Ҳадемай қиш келди. Гушилаб қор ёққан кунларнинг бирида фотиҳа тўй бўлиб ўтди. Қиз бечора бўлажак куёвнинг қорасини ушандан сўнг қайтиб кўрмаган бўлса-да, гоҳо кечалари алаҳсираб чиқарди. Ўзидан ўн беш ёш катта, аввал уйланган, бутунлай нотаниш бир одамга хотин бўлишни тасаввур ҳам қилолмасди. Пешонам бунчалар шўр бўлмаса, деб юрган кунлари йигма каравот бериб турган тетикгул келиб қолди.

– Қалайсан, Зеби? – деди у очилиб-яшнаб. – Ярашибдими?

– Нима?

– Вой-ей, хаёл қурғур қаёқда? – Хотин устки кийимини ечиб, янги кўйлагини кўз-кўз қилаётганди. – Қудалар мениям мато билан сийлашди, қўшни қишлоқдаги тикувчига тиктириб олдим. Зўр-а?.. Нега қайси қуда деб сўрамайсан? Сенинг қайнонанглр-да, ахир. Шу қизни битириб берсанг кўйлак деганди, мана, ваъдасида туришди, жуда лафзли одамлар экан. Тоғаннинг хотинигаям зўр нарсалар беришгандир?

Зебигул ҳафсаласиз қўл силкиди. Буни елпатак хотин “ушайм одамми?” мазмунида тушунди.

– Тоғаннинг хотини бўлсаям, эна вазифасини бажарди-ку, қўл силтаганинг нимаси?! Энди, эна бўлмагандан кейин...

– Ҳали унақа деганим йўқ-ку, янга.

– Нима, бизларни ёмон кўрасанми?

Зебигул турли мақомга йўргалайдиган хотинга қаттиқ тикилди.

– Мақсадларингизга эришдиларингиз, яна нима керак мендан? – деди илк бор дадил овозда. – Ҳар гапда берган нонини миннат қиласизлар... Тўғри, ҳеч кими йўқ етимман, лекин одам эмасан деганимас-ку. Шу қишлоқдан ёки отамнинг қишлоғидан тенгим топиларди, подачи бўлсаям...

Хотин илжайиб, қўлини куксига қўйди. Кузлари уйноқлаб узр сўради.

– Ўл-а, шунча дардинг ичингда экан, аввалроқ ёрилмайсанми? – деди журтгага.

– Боринг, гапирманг менг, – терс ўтирилди қиз.

– Сенга яхшилик қилганимни кейинроқ тушуниб етасан.

– Илтимос, кўнглимга қил сигмайди ҳозир...

Бу кун гап урчидиган кун эди. Узунқулоқ гап-сўзлар етиб келди: куёвнинг энаси жуда бадфеъл экан, келинларига умуман кун бермасмиш, ҳозир ҳовлида кенжа ўгли билан қолган бўлиб, биров қадам босмасмиш, ҳеч ким қизини бермагани учун узоқдан келин ахтаришга тўғри келган...

Бироқ Зебигулнинг дардини эшитадиган онаси бормиди? Ё бирон меҳрибони “аввал мактабни тугат, ўқишга кир, турмушга кейин ҳам чиқаверасан” дермиди? Далда бериб, шу далданинг бир четини суярдими бирон киши?

Қизнинг юзидан кулги йўқолди, кўзларига ҳасрат булути соя солди. У ҳақиқий бахтсизликнинг таъмини энди кўраётгандай карахт бўлиб қолганди. Кечқурун тоғасининг хотини секин гап очди:



– Зеби, сени қизим ўрнида катта қилсам орқамдан гапирибсанми?

Қиз ялт этиб янғасига қаради. Сўнг нигоҳи тоғасига, тоғаваччаларига ва ахийри бўсағага қаратилди ва тўхтади. Буни кўзини олиб қочиш деб атаб бўлмасди, албатта.

– Орқангиздан кимга гапирибман, янга?

– Кимга гапирганингни сен билсанда. Лекин мен чуқалаб ўтирмайман. Фақат... одамга алам қиларкан, шунинг учун бетингга айтдим... Тоғаннинг сенда гапи борийди. – Бека шундай деб эрига юзланди. – Гапиринг.

Тоғаннинг қовоғи очилмади.

– Зеби, гапимнинг бошида айтиб қўяй, биз сени ортиқ сақлаб ўтиролмаганимиз учун совчи келганида рози бўлдик. Бу лекин куёв ёмон деганимас. Тоғамлар мендан қутулибди-да, деган хулосагаям келма. Бошида сени боқиб олишга бекорга рози бўлмаганман. Индамасам болалар уйидаям катта булардинг. Лекин шу қизни ўзим тарбиялайман, ўраб-чирмаб эгасига топшираман, деганман. Жойи жаннатда булгур амакиваччалар яхши одамлар эди. Афсус, тақдирлари шундай экан, нимаям қилардик. Айтмоқчи бўлганим, пешонангга ёзилганини кўравер, биз ҳам, бошқалар ҳам шундай, игнадай ишниям пешонадан кўрамиз... Норози бўп кетиш... билмадим...

Зебигул ҳадеб чайналаётган тоғасининг дардини энди тушунди.

– Норозимасман, – деди мунгайиб.

– Яна бир гапим... тагин тоғам майда гап дема, – манглайини ишқади эркак, – чиққан қиз чиғириқдан ташқари дейдилар. Туй бўп кетдингми, ўша ёқликсан, ўша уй сеники! Туй-пуйга айтсақ, кеп турасан. Бу ерга жанжал кўтариб келмайсан, бу ерга... қисқаси, қайтмайсан...

Зебигулнинг юраги увишди. Гуё уни борса келмас маконга жўнатишаётгандек даҳшатли бир қўрқув остида қолди. Худо бор-ку, деб бироз юпанди, паноҳ

тилади. Аҳмарга қаттиқ гапирмадиммикан, деб ўзидан қўрқа бошлади. Зеро энди унинг эгаси Аҳмар эди.

Кунлар исий бошлаган эрта баҳорда қуда томон тўйни тезлатди. Зебигул бир нотинчликни сезиб мактабдан қайтдию айвон устунига суяниб қолди. Шунча йил яшаган уйдан айирилиш, бегона жойга кетиш... Йўқ, буларни эмас, у энди мактабга умрбод қайтиб боролмасликни ўйлади. Мактаб умр чорраҳасидаги шундай бир иншоот эдики, ундан бош олиб чиқиш, олислаб кетиш инсонга ҳаёт ҳақидаги энг гамгин қўшиқларни армуғон этарди. Ҳечқурмаса бир марта булсаям ачинарди инсон ўтиб бораётган гулдай умрига.

\* \* \*

Тўйга бир кун қолганда тоғанинг хотинига қаринош бўлмиш саксон ёшли бир кампир эшак миниб келди. Зебигул пешвоз чиқди, тушишига кумақлашди. Кампир қават-қават алламбалолар кийиб олган эса-да, баҳор совуғида музлаб қолаёзганди. Қоқсуяк қўллари-ла қизга осилганда қалтираб кетди. Кейин "иҳ-ҳиҳ-ҳи" деб кулган бўлди-да, Зебигулнинг пешонасидан ўтди. Лабларининг музлиги иссиқ вужудни сескантириб юборди. Одат шунақа деб ўзини меҳрибон кўрсатгандан нима фойда: эринмасдан тоғанинг ҳамма боласини ўпиб чиқди. Сўнг:

– Айланайин қўзиларимдан, – деди-да, атрофга кўз югуртирди, аммо пешонасига лаб босилмаган бошқа ҳеч ким қолмаган эди.

У тоғага ҳам, хотинига ҳам ёқмади. Нима қилсин, балки умрининг охирида зериккани учун келгандир, балки дунёда ҳали ҳам бурунги меҳр-оқибат ҳукм сураяпти, деб ўйлагандир.

Зебигулнинг-да меҳмон ўтирган хонага оёғи тортмади. Бироқ ул-бул юмуш билан кириб-чиқаркан, кампирнинг бир нималарни вайсашидан қутулганига ҳар сафар шукр қиларди.

Кечки овқатдан сал олдинроқ қўшнилари чақиришди, эртанги тўй учун сабзи тўграш керак эди. Аёллар кампир ўтирган хонага кириб, қиз узатиш икир-чикирларидан гаплаша бошлашди, келинчакка янга тайинланди. Сеп, сарпо, қалин пули ҳақида гап-сўз бўлаётганини Зебигул у ёқ-бу ёққа ўтганда эшитиб қолар, ўзи ҳам бир буюм қатори тилга олинаётгандай туюларди.

Кейинги гал кирганида кампир галати тикилиб қолганини сезди. Зебигулни биринчи бор кўраётгандай анграйди, митти кўзларини ўқдай қадаб олди.

Бир гал қиз ёнидан утаётганида этагидан секин тортиди.

– Чечанг билан тоганг жуда савобга қолди, – деди у. – Сени бир парчалигингдан катта қилиб, мана энди куёвга бераяпти. Уларга раҳмат айт.

Зебигул бу кампир ҳам эски гапни чайнаяпти, деб хаёлидан ўтказди. Аммо кампир кутилмаганда кўзларини уйнатиб шивирлади:

– Булар кетсин, болажоним, сенга бир воқеа айтиб бераман. Отанг, энанг, туғишган тоганлар ҳақида, хўпми? Сен парво қилма буларга. Қари момонг ўлимидан олдин бир яхшилик қилсин-а, бир яхшилик, айланай...

Қиз энгашганча сеҳрлангандай қотиб турарди. Кейин этагини бўшатиб, эшик сари юрди. Қақир-қуқир юмушлар тиниб, чироқлар ўчирилгунча қулоғи тагида кампир қайта-қайта шивирлаб турди гўё.

– Момом ётган хонага тўшак соволаман, ўзимга, – деди тоғанинг хотинига Зебигул.

Сабри чидамаётган бўлса-да, негадир Зебигул шошилмади, қўлини чўққа тутиб, бироз исинди. Вақт ярим кечадан оққан. Бедор юлдузлар дунёда фақат одамзод ўткинчи, демоқчидай катта-катта, сирли жимирлайди. Аксига олиб баргсиз дарахтлар шамолда гувилаб, қиз кўнглига қўрқинч сола бошлади.

– Кимсан? – сўради кампир эшик очилган заҳоти.  
– Зебимисан?

– Ҳа, момо, менман.

– Худой сени сийласин, болам, бу уйда охирги марта ётаяпсан, – деди кампир. – Балки адашаётгандирман, ҳадемай болаларинг билан келиб кетарсан... Лекин мени тополмайсан, оёқ узатиб ётадиган вақтим келди, болажоним.

Зебигул уни юпатишни истамасди. Ким унга ўлим мавзусида гапирсин дебди. Ваъда берган воқеасини сўзласин, қиз қанчалик интиқ бўлиб кутаяпти, ахир.

– Отанг, энанг ҳақида гапираман, дедим, нимага сўрамайсан, эшитганмисан?

– Мулла қаргаган деган гапни эшитганман, лекин ишонгим келмай юрарди.

– Биров айтиб берган бўлсаям менчалик билмайди, болам. Ке, бутун ҳаммасини билиб қўя қол. Эрта-индин узоқларга келин бўп кетасан, қайтиб кўришмаймиз...

– Уларнинг фожиа билан ўлганлиги ростми?

– Рост. Боя хотинлар “Зеби куёвга дарров кўнди, тушунган қиз экан” деганда, бирдан энанг кўз олдимга кеп кетди, айланай. У жуда чиройли қиз эди, сенга ҳуснидан бир мисқол ўтган. Тагин бу кампир қариндошимиз бўлмаса, оиламизни қаёқдан билади, дема. Мен билмаган битта нарса қолди, уям бўлса нариги дунё. – Кампир тили тагига нос ташлади ва деворга ёстиқ суяб, ўтириб олди. – Уй-жойлари Байроқлида эди. Мактабни битирган йили Баҳодирхон деган мулла йигитдан совчи келди. Мулла йигит анча узоқдан, лекин қишлоққа тез-тез келиб тургани учун энангга ошиқ бўп қолган экан. Бир йил эмас, беш йилдан бери яхши кўраркан мулласи тушмагур. Ўша пайтда муллалар кам эди, айниқса, ёш-яланглар орасида. Тақдир тақозосини қараки, энангга энг донгдор раиснинг эркатой ўғлиям ошиқу беқарор бўлган. Тагин раиснинг ўғлини ичингда қаргаб ўтирма, у сенинг отанг, падарижонинг... Қараса, муллавачча чаққонлик қилиб қизни илиб кетгудай шашти бор. Бир куни отанг ўртоқларини тўплаб, зиёфат беради. Йигитларнинг кайфи ошгач, душманини шарманда

қилиш режасини сўзлаб беради. Қўпол бўлсаям айтай, бечорани шир ялангоч қилиб, пичоқ билан ҳалиги жойини кесиб ташлаш кераклигини гапиреди. Шундай ҳам қилишади. Мулла йигит ўлмади, отангнинг ўртоқларидан биттаси раис бова қамоқдан чиқариб олади, деган ишонч билан айбни бўйнига олади-да, қамалиб кетади. Орадан уч йил ўтади. Мулла йигит ҳамон қорасини кўрсатмайди. Кимдир у олис вилоятлардаги тоғларда чўпонлик қилиб юрганмиш дейди, кимдир Бухорода ҳамон таҳсил олаётганмиш, деб гап тарқатади. Ишқилиб, нима бўлганини ҳеч ким аниқ айтолмайди-да, болам. Энг ёмони кейин маълум бўлади. Бечора муллаваччанинг отаси вафот этишдан аввал атрофидагиларга шундай дейди: “Ўғлимни бахтиқаро қилган ўша ҳаромзодаларга мен индамадим, чироғим ҳам ал-қасос деб пичоқ кўтармади. Лекин биз уларни қаргадик, етти пушугига етадиган қилиб қаргадик. Болажонимнинг ноласи умр бўйи уларга қарғиш бўлиб ёғилиб туради. Ўша бадқирдорлар ўлганларидан сўнг ҳам қабрига қарғиш ёғилишдан тўхтамайди...”

Момонинг ҳикоясини тинглаб эртага тўйи бўладиган қизнинг тирногидан сочигача музлаб кетди. Кўрпани бўйни қадар тортиб, хунук кампирнинг хунук ҳикоясини тингламоқликдан ўзга чора тополмади. Бегона одамларнинг эмас, ўз ота-онасининг ачинарли қисматномаси эди бу.

– Байроқли билан мулланинг қишлоғи яқин эмас, шундаям бир зумда мишмиш етиб келади, – давом этди момо. – Раис бова, яъни отангнинг отаси ҳам мишмишни эшитади. Шу ро одами нима дерди? “Энангни палон қилай, эчки соқол” деб бир сўкадию унутиб юборади. Айбни бўйнига олиб қамалиб кетган йигитни ростдан ҳам қамоқдан чиқариб олишга бел боғлайди. Мулла йигитни бичган раиснинг ўгли, яъни отанг эса ялло қилиб тўрарди.

Момо носини туфлаш учун ўтирган жойидан оғир кўзгалди. Гилямни кўтариб тагига туфлаб юбориш

одатидан Зебигул яхши хабардор эди, дарров туфдонни олиб узатди. Парданинг очиқ жойидан сирли туннинг бир бўлаги кўришиб турар, шамол ҳалиям гувиллаб ётар, ташқарига қараган одам негадир гўристонни эсларди. Зебигулнинг юраги зил-замбил қайғу тошлари орасида эзилди. Эртага тўйи! Аммо ота-онаси Байроқли қабристонига совуқ гўрда ётибди, ҳеч қачон қайтмайдилар, ҳеч қачон яккаю ёлғиз қизларининг дардига дармон бўлолмайдилар. Эртага никоҳ тўйи. Ҳали ақиқалар, бешик тўйлар, хатна тўйлар, ўғил уйлантириш, қиз узатиш, эҳ-ҳе, қанча-қанча тутилган кунлар бор. Ўликлар ҳаммасидан жудо қилинган. Қизнинг ҳаёти сўниб-битгунча улар йўқ... йўқ... Етмиш йил, саксон йил — яна қанча яшар экан бу қиз?

– Энам уша воқеадан сўнг турмушга чиққанми? – сўради Зебигул.

– Қайси воқеадан сўнг?

– Муллавачча шарманда қилинганч...

– Ҳа, бир йил ўтиб раиснинг ўғли билан дабдабали тўйи бўлди. Ошиқ мулланинг падари вафот этаётганда сен бир ёшлардаги жимитдеккина қизча эдинг.

– Энам... энам уша мулла йигитни яхши кўрганми?

– Ҳамма гап шунда-да, болам. Энанг раиснинг ўғлига ҳечам руйхушлик бермаган, кўнгли мулла йигитда бўлган. Мулла йигит деганда чопон кийган, салла ураган мутаассиб бир одамни тушунма. У доим костюм-шимда юрадиган, бошидан ўзбеккона дуппи тушмайдиган уктам йигит эди. Қадди-қоматига, юришига кўзинг тушса ҳавас қиласан. Намозни қанда қилмасди. Қуръон ўқиганини эшитганимда йиғлаганман, айланай. Кўзларидан меҳр-муҳаббат аримагани учун аёллар “вой-ей, анави мулла йигитнинг кўзига қарашга одам қўрқади” дейишарди. Шўринг қўрғур аёллар жигардан ўриб қолишдан қўрққан-да! – ҳи-ҳилаб кулди кампир.

Зебигул тобора гамли бир тарихга фарқ бўлиб борарди. Бу кунларни кўрмаслиги мумкин эди,

агар онаси мулла йигитга турмушга чиққанда, эҳ!.. Балки ҳозир бир этак бола кўрган бахтли ота-онанинг тўнғичи бўлиб, севган йигитига турмушга узатилаётган бўлармиди. Шу билан бирга ўйлаб қоларди: “Бир одам ёмонлик қилган бўлса нега мени ҳам, менинг авлодларимни ҳам қаргади экан? Қарғиш айбдорнинг ўзини ургани етмагандай... Умрим армон ранги билан бўялди. Энди мен ҳам бахт нималигини билмай ўтаманми?.. Мана, беш-бегона эракка хотин бўлаяпман, ҳали олдинда нималар кутиб турибди, билмайман, билмайман...”

У муллавачча ҳақида момонинг ҳикоясидан аввалроқ эшитганида негадир келажақда учрашиб қоладигандек ҳис қиларди ўзини. Мен ҳам қарғайман, дерди. Ҳозир эса мулла йигитга бирдан ҳурмати тошиб келди. “Агар учратсам кечирим сўрайман, қарғишини қайтариб олмагунча пойида тиз чўкиб ялиниб-ёлворавераман, – деди ичида. – Энамга бўлган муҳаббати ҳаққи кечиради... Ахир, бизда нима айб? Бировларнинг қилган гуноҳи учун нега мен, болаларим жавоб беришимиз керак? Етимликда кўрган азобларим камми? Бироқ орадан йигирма йил ўтган. Йигирма йилдирки, дом-дараксиз муллани топишнинг ўзи амримаҳол. Тасодифан учраб қолиш эса хомхаёлдан бошқа нарса эмас...”

– Кейин нима бўлди? – деди Зебигул ота-онаси, бобоси фожиасини олдинроқ эшитган бўлсаям.

– Қарғиш ўз ишини бошлади, болам. Жиноятни бўйнига олиб кесилиб кетган йигитга қарғишнинг биринчи ўқи тегди. Уни қариндошлари “Москвич”да қамоқдан олиб келишгаётганда гилдирак ишдан чиқиб, мошин рўпарадан келаётган самосвалга урилади. Айнан ўша йигит ўтирган томондан зарб кучли бўлганидан мажақланиб кетади бояқиш. Кейин раис бовангнинг уйини Москвадан келган журналист расмга олади. Катта машмаша бошланади. Бованг қамаладиган бўлгач, томирини кесиб, ўзини-ўзи ўлдиради. Биз билмайдиган кўп ишлар бўлган-да, бекорга ўзини

Ўлдириб, тўнғиз қавмида кетармиди. Шундан сўнг отанг билан энанг кунига жанжаллашадиган одат чиқаради. Уртада ҳеч нима қолмаган: на бойлик, на меҳр-муҳаббат. Ҳатто энангни шумқадам деб ҳаммасига сабабчи қилишган. Энангни охирги марта кўрганымда сени кўтариб йиглаб кетаёттанди. Бир аҳволда қадам ташлайди, кўзлари кўкарган, юзи тирналган. Менга салом ҳам бერмади. Ишонасанми, уч кундан сўнг ўз-ўзидан ўлиб қолди. Эшитишимча, қоқ туш пайти экан. Эшик-дерзани ёпиб, қора парда тутиб, синиқ ойнани палос устига қўйибди-да, энкайиб соч тарайверибди, тарайверибди. Ўлигини кўрганлар камида бир сутка соч тараган дейишган. Сочлари юлиниб-юлиниб ойна устида ётганмиш. Ўзи эса худди намоздагидай сажда қилиб жон берганмиш. Астаффурулло дейиш керак, қизгинам. Буларнинг бари мулларнинг қарғишига бориб тақалади. Ишқилиб, сени худойим ўз паноҳида асрасин. Қарғиши ўзларига қайтиб кетсин. Озмунча одамни қон қақшатдими?!

– Отамни пичоқлаб ўлдирган, деб эшитманман, сизнингча, ким ўлдирган бўлиши мумкин? Қотил топилмаган-а?

– Ҳа, топилмаган. Лекин бегона одам ўлдирмагани аниқ. Қотил унинг жўралари орасида бўлган. Жўрабозлик шу даражага етганки, ахийри, бир каср чиққан-да, болам. Мелиса ур-сур қилиб жўраларини қамоққа тикади, айбдор топилмайди. Иннайкейин улфатлар балодан қутулганларини ювиш учун базму жамшид уюштирадилар. Мол, қўй, эчки, товуқ гўшти турганда ит сўйиб ейди шўринг қурғурлар. Зах камерада ўтириб маза қочди, деганми, бизга маълум эмас... Кўп ўтмай ҳаммалари қутуриб ўлишади. Сен тоғанларнинг қўлида қолгансан. Кунглинга олмаку-я, тоғанлар ҳам яхши одамлар эмасди. Баъзилар мақтайди, лекин мен ишонмайман. Яхши бўлса, нега сени мол-мулксиз боқиб олишга рози бўлишмади? Дарров пулнинг жанжалини бошлашди. Отангнинг қолган-қутган нарсаларини ўзлаштириб олишга қасд



қилдилар. Оқибати нима бўлди? Яна ўлим. Жаҳл устида ичиб олишиб мошинда авария бўлди икковиям. Уша кунлари тогаларингнинг хотинлари сени бурда-бурда қилиб ташлашга рози эди. Яхшиям, булар сени асраб олди. Шунинг учун айтаман-да, Зеби, раҳмат айт буларга. Мана, катта қилди, эрга беришяпти. Куёв нотаниш бўлса, тўйдан сўнг танишиб оласан. Энг муҳими, мулланинг қарғиши даф бўлсин, илойим, даф бўлсин.

Кампир Зебигулга тикилиб қолди. Нимқоронги хонада кўзлари мушукникидай ёниб кетди. Қиз кўрпани маҳкам қучоқлаб олгани учун худди ялмоғиз олдида кўрқувдан дир-дир титраб ўтиргандай эди.

– Уша мулла ҳозиргача тирик, – деди кампир. – Қаерлардадир сангиб юрганга ўхшайди. Бечора нима қилсин? Энди умрбод уйланомайди. Отанг ҳам шу даражада шафқатсизлик қиладими? Келиб-келиб мулла йигитни ҳайвон ўрнида бичиш, эҳ, зўравонлиқлари қандай қимматга тушишини билганларида эди! Йигит бечора одамларнинг кўзига тик қараёлмай узоқ-узоқларга бош олиб кетган. Мени айтди дерсан, у биронта горда умргузаронлик қилиб ўтирибди.

– Нега уни тирик деяпсиз? – қизиқиши ортди Зебигулнинг. – Шунча йилдан буён, балки аллақачон улиб кетгандир? Йигитлик номусига чидаёлмай ўзини улдирган бўлса-чи?

– Йўқ, у имони кучли йигит эди, динга кирган, Худони таниган одам ҳеч қачон ўзини улдирмайди. Агар ажали етиб улган бўлса, уйига албатта, хабари етадиган қилиб ўлади. Хат-пат қолдирадими, ишқилиб бир йўлини қилади, чунки у ўз қишлоғининг қабристонига мозори бўлишни хоҳлайдиган мулла эди. – Кампир башоратгўйлардай такрорлади: – У тирик! Уни топиш асида қийин ишмас. Оиласи йўқ, эскичадан хабари бор элик ёшлардаги эркакни ахтариш керак, тамом...

– Мен ахтармоқчимасман, – деди Зебигул.

– Сенми?.. Сенга ахтар деганим йўқ, болажоним. Хотинлар “Зеби куёвга дарров кўнди” деганда энангни

эслаб, шуларни гапириб бериш кўнглимга келди-да, айланай. Энанг ҳеч қачон кўнмасди...

– Нимага кўнмасди?

– Шундай яшашга, эртан келадиган куёвингга ўхшаш одам билан турмуш қуришга.

– Тушунмадим, момо, мен кўнмаслигим керакмиди?

– Зебигул жойидан туриб кетаёзди.

Оёқ тагига тушган чўғдан кўра юрак тагига тушгани даҳшатли эди.

– Йўқ, сен нотўғри иш қилолмадинг, шўрликкинам. Оилаларингга теккан қарғиш балки шунинг учун сени четлаб утар. Мен фолчи эмасман, бахтли бўл кетишингга умид қиламан, Худодан сўрайман... Лекин бир нарса айтсам, чучимайсанми, қизим?

Зебигул секин утирилиб ётди. Кампирга кўз қадаб утириш азоб эди, бардоши ҳам етмасди ортиқ.

– Йўқ, – деган заиф товуш чиқди қиздан.

– Сенга қарасам, кўзимга нуқул гўр кўринади, очиқ гўр... Қўрқма, у меники бўлса керак... Қулогимга чақалоқ йигисиям эшитилгандай бўладими-ей... Уям мен бўлсам керак... Бир вақтлар чақалоқ бўлганман, улганимдан кейин ҳам чақалоқдай булиб қоламан-да, Зебижон...

Орага жимлик чўқди. Бироқ табиат ҳамон безовта эди. Огирлигига инсон ақли бовар қилмайдиган кучоққа сигмас она сайёра абадий само кўйнида яна бироз айланса тонг отади. Бу тонг Зебигулга никоҳ тўйини, никоҳ тўйи билан бирга қўрқинчга қорилган янги ҳаёт олиб келади. Мавҳум келажак эшиги очилади ва қиз унинг бағрига сингиб кетади.

– Момо, – чақирди Зебигул бошини хиёл буриб.

– Сениям безовта қилиб қўйдими бу тентак момонг, – деди кампир.

– Энди нима қиламан, моможон?

– Калима қайтаришни биласанми? Билмасанг ургатай.

– Биламан. Лекин дунёда фақат мен етимманми? Ҳар бир етим қарғишга қолгани учун ота-онасиз

улгайдими?.. Нега ҳеч қандай айбсиз ҳолда қарғишга қолади? Ишонгим келмаяпти. Ҳаётни жудаям қурқинчли кўрсатиб қўйдингиз. Энам бечорани мулла йигит севиб қолган, отам уни жўралари билан ногирон қилиб қўйган... кейин барига ажал теккан... Булар тасодиф бўлишиям мумкин-ку. Воқеаларнинг қандай тугашига қараб қарғиш деган хулосага келмаяпсизмикан, момо? У қанақа қарғиш эдики, бегуноҳларниям аямаса... Ишонгим келмаяпти барибир... Раис бовам давлатнинг нимасинидир еб қўйган. Отам билан боғлиқ воқеа бўлмагандаям барибир қамаларди.

– Бунақада сен Худогаям ишонмай қўясан, қизим, – деди кампир ёзгириб.

У сўзлаб берган ҳикояси рост чиқишидан умидвор бахтсиз одамни эслатарди.

– Ҳаммаси ёлгон бўлиб чиқиши учун энг огир гуноҳга ботишгаям тайёрман, – деди жавобан қиз.

Бу гап Зебигулнинг кампирга айтган сўнгги гапи эди. Туй утгач, чиндан ҳам момо вафот этди. Бироқ у чақалоққа сираям ўхшамади. Ияги туртиб чиққан, кўз косалари ўпирилиб кетган қоқсуяк вужуд ўн йилдирки ўлим элчисининг хатоси билан бемаврид яшагани учун бадбуруш қилиб қўйилган эди.

\* \* \*

Куёвнавкарлар соат ўн бирда келишди. Машиналарнинг рақамлари қўшни вилоятники эди. Меҳмонлар ўзаро шивирлашиб олисдаги тоққа қараб-қараб қўйишди. Тоғнинг ортидан бу ерларга келиб қолганларига ўзлариям ишонмаётгандек эди гўё.

Ичкари хонада уч синфдош қиз Зебигулга тикилиб утирарди. Улар ҳам то келинчакни узатиб кетгунча дугоналик қилишга розилик билдирган, учовиям отаси бўш-баёв оилалардан эди. Қолганлари оила бошлиқлари ва мактаб маъмуриятининг тақиқидан қўрқиб, қорасиниям кўрсатишмаганди. Кўпчилик

қызларни уйдаги катталар “Мактабни битирмасдан тўйда бало борми?!” деб сукиб беришди.

Ҳақиқатан, куёвнавкарлар қандайдир оч нигоҳ билан қызларни ахтара бошлашди. Фақат келинни олиб кетишга келдик, деса биров ишонмасди. Дугоналарнинг оғзида эса дув-дув гап: Зебигул қандай қилиб ҳалитдан жувон бўларкан? Вой бечорагина, отаси тирик бўлганда сираям эрга бермасди...

Синфдош қызларнинг оталари худди қўшмачи ҳақида гапираётгандай гижинишарди. “Аблаҳ, ҳеч ким индамайди деб шу ёшда эрга бериб юборадими? Бунақаларга қарши қонун бор, жиддий олса эрга берганни қамаб юборади... Энг ёмони, қызларни бузади бунақа эрта эр кўрганлар!..”

Никоҳ ўқиш учун кекса бир муллани чақиришди. Зебигул барча қизлар мулла олдида умрларида бир марта — никоҳ ўқиладигандагина қаттиқ ҳаяжонга тушишини ҳис этди ва беихтиёр яна ошиқ мулла ҳақида уйлади. “Мен ҳали яна бир марта мулла қаршисида сушт босиб ўтираман, — хаёлидан утказди у. — Уша... энамни севиб қолган одам бўлади... Қарғишини қайтариб олади. Қайтариб олмагунча шундай ўтиравераман...”

Мулла розилигини суради, куёвдан сўнг Зебигул эшитилар-эшитилмас “ҳа” деди. Куёв билан бир косадан сув ичишди, фотиҳа қилинди. Шундан сўнг паранжига ўралган қизни янга етаклаб чиқди. Ота ўрнида тоғани қучди, тоғанинг хотини ўпишиб хайрлашди. Қишлоқ аҳли Зебигулдан кўз узмади: йиглайдими, йўқми, деб яқинроқ сурилишди, қулоқлар динг бўлди. Келинчакнинг кўнгли бузилиб, кўзлари гилт-гилт ёшга тўлди. У тоғасининг “қайтиб келмайсан” деган гапини эслаб, хўрлиги келиб кўз ёш қилмоқда эди. Шунча эркак, шунча хотин-халаж уни қурбонлиққа бериб, индамай томоша қилиб турган кинолардаги бурунги замон одамларини эслатарди.

Ҳеч ким чеҳрасини очмади. Зебигул қандайдир қайғу билан узатиб кетилди. Йўл узоқ эди. Аксига олиб, келинчакнинг кўни оғдий бошлади. Минг

истиҳола билан қимирлаб қўйди, Аҳмар қучоқлағудай суяниб ўтирган эмасми, завқи келиб секингина тиззасига қўл узатди. Зебигул лабини қонаттудай тишлаб ўлганининг кунидан чидаб ўтирарди. Ахийри бўлмади: қўлини силтаб ташлаб, нарироқ сурилган эди, куёвнинг авзойи ўзгарди. Тегманозик, калондимог ва ўлғудай мутакаббир кимса эканлигини Зебигул бошидан сезганди. Шу одам билан бир умр қандай яшайман, қандай кўникаман, деб ич-ичидан куюнди.

– Менга қара, – деди Аҳмар қулоғига, – бизда тўй куни биринчи кеча бўлади, эшитяпсанми? Бунча хуркак бўлмасанг... Бугундан бошлаб менинг тан маҳраимсан. Биласанми, тан маҳрам нима дегани?.. Висол кечасида йигламаган қиз йўқ. Йиглаш дегани оддий йиглаш эмас, бошқача... Қочиб кетмайсанми ишқилиб?

Келинчакни баттар ваҳима босди. “Вой ўлмасам, бу одам нима дейди?” деб нажот истаб атрофга ўгринча кўз югуртирди. “Газ-24” вангилаб олдинга интилар, ҳайдовчи ва куёвжўра нарх-наводан гаплашиб борар, янгаси эса (бу янгани Зебигул яхши танимас, бошқа қишлоқдаги қандайдир қариндошларининг келини эди) бурчакка тиқилиб, қовоқ солганча атрофни томоша қилиб кетарди.

Йўл азоби – гўр азоби бўлди келинчакка...

Тўй одмигина ўтди. Одамлар териб-териб айтилган, тўйга келганлари ҳам алақандай ҳиссиз, тушкун кишилар бўлиб, нари-бери ўтириб, дарров жўнаб қолишди. Албатта, бунга Аҳмарнинг аввал уйлангани важ қилиб кўрсатилаётгани Зебигулнинг қулоғига чалинди, астойдил хафа бўлди. “Аввал уйланган бўлса менга нима? – деди келинчак хаёлан. – Биринчи тўйни роса дабдабали қилиб ўтказишгандир? Мол-қўйи кўпга ўхшайди буларнинг. Бу тўйниям совиган ошга айлантиргунча салгина ҳурмат-иззатимни қилсалар булармиди?.. Майли, нима бўлгандаям кўникиб кетсам бас. Ўз уйимдай бўлиб қолса, ҳаммаси эсдан чиқиб кетади.”

Икки соат ўтиргач, келин-куёв тўй турини тарк этишди. Маст-аласт куёвнавкарлар орасида огзи катта бойвачча бор экан, бир пайт баланд овозда деди:

– Аҳмар!.. Аҳмар кал!.. Тоза-а нафсинг бузуксан-да сен бола! Келин ҳали ҳеч нарсани тушунмайдиган ёш қизча-ку! Ўл-э, одамман деб юрибсанми? Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа!..

– Сенинг хотининг энанг билан ёшли-да, шунга ичинг куйяпти, бўрдоқи! – чақиб олди Аҳмар ҳам.

Аёллардан бири тўнгилади:

– Шуям ҳазилми, тентаклар? Сал қоғозга ўраб гапиринглар, илтимос. Ким сизларни оилали кап-катта эркак дейди?! Мактаб боласининг ишини қиласизлар!

– Аҳмар кимнинг ишини қилаяпти бўлмаса! – қичқирди бир маст.

Шу билан бир амаллаб чимилдиққа етиб олишди. Ёлғиз қолган Зебигул дарров кўз ёш қилди. Йиғлаётганда йиғидан фойда йўқлигини тушуниш одамнинг улғайганидан бир белги. Зебигул эшик қоқиб турган янги ҳаёт ҳақида ўйлаш фурсати келганини, ҳатто кечикканини англаб етди. Йиғи нима? Эр уйида йиғлашга ҳақ-ҳуқуқи йўқ эди. Айниқса, қайнона кўриб қолсами! Зебигул сабаб-бесабаб йиғлаганлар кўпгина жойларда бехосият ҳисобланишини дугоналаридан эшитган, Худо кўрсатмасин, бир фалокат бўлса “қадами огир келди” деб қувиб юборишларидан қўрқа бошлаганди.

Чимилдиққа яқинлашган куёвга бадқовоқ янга шундай деди:

– Сизга бир соат вақт. Висол дейишадию, лекин висолни ошиқ-маъшуқларга чиқарган, сиз менга натижасини кўрсатсангиз бўлди, тушундингизми? Тўғрисини айтсам, йўл юриб чарчаганман, тинчгина ухлай дейман.

– Меники биринчисимас, – деди куёв.

Учрашувда қасам ичиб айтган гапини Зебигул эслади: “Ўлай агар, унга тегинмаганман... Қўлимни теккизмаганман!..”

Воҳ, сурбетлик! Ҳаёт ёлгонлардан, ишни дундиришдан, қасам деган номи улуг “кафолат”дан иборат бўлиб кўринганда одам жуда кичрайиб қоларкан, ўзига ўзи саҳродаги қум зарраларидан бири бўлиб кўринаркан.

Лекин Зебигул индамади. Уни бу ерга ҳамма нарсага кўнадиган қилиб жунатишганди.

\* \* \*

Бир ой утар-ўтмас Зебигул эрига кўникиб қолди. Энди унга ҳеч ким етимга қарагандай қарамасди. Қўшнилар учраб қолса худди уйнинг эгаси билан гаплашаётгандай ўзларига тенг кўраётгани келинчакка хуш ёқиб тушди. “Наҳотки бахтга эришган бўлсам?” деб ўзига-ўзи суюниб юраверди.

Бироқ тўйдан олдин эшитган гапларининг ярмидан кўпи чин эди. Қайнона илоннинг инида бир кеча тунаб чиққан тили заҳар экан. Гап келганда ўглини ҳам ҳаромзодага чиқариб қўяди. Қўшнилари шундай пастга уриб тилга олардики, Зебигул хижолатдан ўзини қўярга жой тополмай қоларди.

Тўйдан анча-мунча қарзга ботишган экан, бир кўни шунинг жанжали бўлди.

– Ишлаб пул топмайсан дейсиз, – гап қайтарди Аҳмар онасига, – обериб қўйган машинангиз борми? Кира қип юрганлар отасининг пулига олган машинани! Аввалги қудангизга ўчакишиб ростдан ҳам қизга уйлантирдигиз. Шохим чиқдимиз?

– Нима, сени тагли-тутли жойдан уйлантиришим керакмиди? Қайси бой қизини беради, а?!

– Айтдим-ку сизга тенг-тенги билан! – деб.

– Нафасингни ел олсин!..

Она-бола уришиб туришардию аммо бу жанжаллар шунчаки одат эди уларга. Ҳақиқий можаро тақвимдаги қайсидир санада пойлаб турганини Зебигулнинг кўнгли сезиб, ўзига омонлик тиларди. Орадан бир йил ўтгач, фарзандсизлик ташвиши ўзининг қора саҳифаларини очди. Аҳмар даладан аллақандай жиззаки бўлиб

қайтар, хотини билан деярли гаплашмас, аламини мол-қўйдан олиб, бебошларини аямай саваларди. Зебигул шу калтақларни ўзи емаганига шукр қиларди.

Кечагина эрини ёқтирмай юрган хотинга дунё вафо қилмади. Уйланган эркакка қиз ҳолида турмушга чиқиб, илтифот кўрсатгандай, бунинг учун энди эри умрбод тили қисиқ бўлиб, хушомад қилиб яшаши керакдай ҳис этарди гоҳо ўзини. Тарозининг палласи аёлнинг туғмаслиги туфайли эркак томон оғди-кетди. Зебигулдан бошқа айбдор йўқ эди энди бу хонадонда.

Бир куни қисир сигирни сўйишди. Озгин булгани учун бозорга олиб бориш бефойдалиги аниқ эди. Шундоқ қолдиришса қиш бўйи сомонга, емга шерик. Сўйишдан ҳам айтарли барака топиб бўлмайдю, ҳарҳолда оёқлай сувтекин кетганидан кўра калла-почаси, бирон кило гўшти тузламага қолади, еб ётишади.

Қассоб гўштни бозор нархидан арзонроққа олиб кетди. Ахир, у бир нима ишлаши керак-ку. Қайнона қарганиб-қарганиб гоҳ оғилга киради, гоҳ уйга. Зебигулга у ўзининг уйи қайси эканлигини унутиб қўйгандай туюлди. Бошини кўтармасдан пиқ этиб кулганча калла тозалашда давом этади. Афсуски, қайнона омадсиз кулгини пайқаб қолди. Ҳовлида ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Қайнона таққа тухтади, бир неча сонияда шундай қизариб-бўзариб кетдики, қон босими ошиб ўлиб қолмасайди деб қўрқарди одам. Келинининг бошига важоҳат билан келиб, сув аралаш қон ҳалқобчасини сачратиб юборди.

– Вой, – дея Зебигул қайнонасига ялт этиб қаради. Ҳали кулгиси ариб улгурмаган эди бечоранинг.

– Сен... тентакнинг боласи, нимага устимдан куляяпсан?! Эс-песинг жойидами ё манавининг ўрнига сен қисирни сўйиш керагидими? А?! Гапир, эшшак!

Ҳақоратлар камлиги етмагандай туртиб юборилган келин юзтубан йиқилишига сал қолди.



– Кулганим йўқ... – мингиллади Зебигул ўрнидан туриб, бир қадам ортга тисланар экан.

– Қасам ич! – ўшқирришни қўймади қайнона. – Бугундан қолмай де! Огзимдан қоним келсин де! – Кейин у энг даҳшатли, энг жирканч гапини айтди: – Ёруғ дунёда туголмай қоронги гўрда тўнгиз тугай де! Айт!.. Айтасан!..

Қутуриб кетган қайнона корсондаги ичак-чавоқларни олиб қамчи ўрнида келинини савалай бошлади. Айтарли бир фожиа бўлмаган эди. Лекин бунини энди фожиа деса бўларди.

Зебигул уч-тўрт қадам қочди. Қайнона унга етолармиди. Ичак-чавоқларни жон-жаҳди билан улоқтириб, яна қарғади:

– Қисир! Бехосият! Етимча!..

Ўрнида бошқа бўлганида ўша заҳоти ота уйига кетиб қоларди. Ёки баъзи бир келинларга ухшаб, тенг-тенг жанжаллашарди. Зебигул ушанда қайнонасига инсоф тилади, холос. Бир кулганимга шунчами, деб кечаси билан йиглаб чиқди. Кузини юмди дегунча “Қисир! Бехосият! Етимча!” деб қичқирарди қайнонаси. Яна қасам ичирмоқчи бўларди: “Ёруғ дунёда туголмай қоронги гўрда тўнгиз тугай де!.. Ёруғ дунёда туголмай...”

Сигир сўйилган кундаги жанжал қайнонанинг мутлақ ҳукмронлигини қўлга киритиб берди. Авваллари у келинини менсимасдан гапирар, койиб берар, “ҳе, ўл-э, гаяк” деб қарғар, аммо барибир “етимча”, “қисир”, “туғмас” дейишга ботинолмасди. Энди огзига бутунлай эрк бериб қўйди. Зебигул эса борган сайин қўллик занжирларига чирмалиб борарди. Четдан кузатган одам, келин бу кампирнинг камида чолини ўлдириб, боласини салкам гўрга тикқан, шунинг учун маломатга қолибди, деб ўйлаши тайин эди.

Турмушининг иккинчи йили тоға ўзи катта қилган жиянини эслаб қолди. Озиб-ёзиб бола-чақаси билан меҳмон бўлиб келди.

– Бизни унутиб юбординг, – деди у бахтиқаро келинга. – Мундоқ ҳайитлардаям бормайсан. Нима дегани бу?

Зебигул самимий оҳангларни туймаган эса-да, ич-ичидан қувониб кетди. Нон, мева-чева ташиб, оёғи олти, қули етти бўлиб чопди. Ота-онаси тирилиб келсаям бу қадар хурсанд бўлмасмиди. Шундай кунда ҳам қайнона белга тепди.

– Зеби, – деди у ошхонага чиқиб, – келин бун тушганингдан бери уйимга қанча меҳмон келди, лекин биронтасида бундай қувонмагандинг, бундай югурмагандинг. Барибир ўзингникилар-да, а?! Майли, бошимизга етимни келин қилиш ёзилган экан, қўлимиздан нимаям келарди. Бир кун келиб шу иккиюзламалигинг билан оғзи-бурнимизни қон қилмасанг гўрга эди.

Келин ерга қараб жим эшитарди. Бечора нимаям қилсин... Бахтига ана чой қайнаб қолди. Тақдирдан кўп нолимаслик керак, фурсат келганда битта чойни қайнатиб халос этиши мумкин...

Тумшайиб утирган қайнона хиёл ўтиб тоғага ёрилди:

– Қуда, гап бундай. Менинг орзу-ҳавасим кўп, сизнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам...

– Тўғри, дунёда ҳамманинг орзу-ҳаваси бор, – деди тоға совуққонлик билан.

Кампир унга олайиб қаради.

– Гапга қулоқ солинг, унақа қилманг, – деб давом этди. – Кенжа ўғлим билан қолганимдан хабарингиз бор. Ҳойнаҳой бешик тўйни сўроқлаб келгансиз, яширмай тан олаверинг. Лекин ҳали ҳеч хабар йўқ. – Тоға ўзини тушунмаганга олган эди, кампир очиқча гапирди: – Боладан хабар йўқ, боладан!.. Шу вақтгача жиянингизнинг буйида бўлиши керагиди. Нима қилсам экан деб бошим қотиб юрибди. Ким ўйлабди дейсиз унинг бунақа касали борлигини.

– Дўхтирга курсатинг, айб кимдалигини айтишади. Бефарзаңдликнинг давоси топилган-ку, қуда хола.

– Шу кетишда кетса ажрашади-ёв.

Тоға хотинига қаради, хотини тоғага. Болалар ҳам дастурхондан олганларини емай ҳаракатсиз жим қолишди.

– Қани, ҳаммаларинг Зеби опангларнинг олдига, учоқбошига бориб ўйнаб келинглар-чи, – деди тоға.

Кампир асабий тебрана бошлади. Аҳмар эса ҳалиям ердан бош кўтармай алланечук кайфиятсиз ўтирарди. У ҳам чиқиб кетмоқчи бўлди, аммо миясининг бир четидаги соғлом цехлар ақл дудини пуркаганча гуриллаб ишлаб турарди.

– Ажрашса битта тўйга қуясизлар, – муддаога кўчиб қўя қолди тоға. – Мен унга қайтиб келма, деганман. Бу нима дегани? Ўзимнинг муаммоларим кўп, сени ортиқ боқолмайман, мингдан минг узр, дегани. У энди сизларники! Аввал қай даражада бизники бўлган бўлса, шу даржада оилангиз аъзоси. Мен кимман? Ҳатто туғишган тоғаси ҳам эмасман. Мажбуран узатганим йўқ. Мана, хотинимнинг кўзи тирик. Уни қора тортиб бориб, келин қиламиз деб туриб олдингизлар. Тўғрисини айтсам, аслида қуда менмасман. Бир воситачидай, вакилдай, узоқроқ қариндошдайман.

– Йў-ўқ, – деди кампир чўзиб. – Ажрашиб кетса сизларга қийин...

Тоға кулиб юборди. Қиличбозликни машқ қилаётган шаҳзода тасодифан асирни ўлдириб қўйганда дийдаси қаттиқ телба ҳукмдор шундай кулиши мумкин эди.

Кампир сергак тортиди. У ютқизганини тушуниб етди.

– Шунча йил боққан қизингиз кучада қоларкан-да, – юзини терс бурди мезбон.

– Қуда хола, бу гапларни нега менга айтаяпсиз? – деди тоға. – Келин сизники, тамом! Бировларнинг келини кучада қолгани билан ишим йўқ! Бу билан мени тошбағир деб ўйламанг. Ўзимнинг муаммом ўзимга етади. Меҳмонга келиш ниятим ҳам йўғийди..

Бир ойдан бери ота-энаси тушимга киради. “Қизимдан хабар ол, қизимдан хабар ол” деб ҳоли-жонимга қўймайди... Лекин Зебини қийнаманглар! Ота-энаси катта арвоҳ! Охири яхши бўлмайди. Бундан, масалан, мен қўрққаним учун шу ерда ўтирибман. – Тога сезиларли даражада асабийлашди ва: – Сиздан шунақа гапларни эшитишга келиб зарилми? – деб лаб қимтиди.

“Омин” деб жойидан туриб кетмасайди, деб хотини юрак ҳовучлаб ўтирарди.

– Ҳеч ким уни қийнаган эмас, зўр юрибди, - ниҳоят гапга қўшилди Аҳмар.

– Айтаман-да, – чой ҳўплади тога. – Уриш-жанжалдан нима фойда?! Юраверсин хизматларингизни қилиб. Фарзанд масаласига келсак, айтадиганимни айтдим. – Тога ўзини мажбурлаб кулимсиради. – Қуда хола, ҳали икки йилам бўлгани йўқ, бунча ваҳима қилмасангиз. Худо бераман деса, қўша-қўша беради. Тагин бу одам бешик ҳам опкемас экан, деманг. Опкеламам!

Меҳмондорчилик худойидай ўтди. Йўл олислигига қарамай тоғанинг оиласи тунашни хоҳламади. Зебигул уларни қир адогигача кузатиб қўйди. Негадир ўпкаси тўлди, йиғлаб юборишдан ўзини зўрга тийиб, қилт этмай тураверди. Тоғанинг оиласи бир чақирим наридан ортга қараганида қир ёнида бир нима қорайиб кўринди. Йўл четидаги устунми, Зебигулми фарқига боришмади.

– Энасини бунақа қудаларнинг! – сўкинди тога. – Қаёқданам келдим! Сенинг уругинг-да!.. Ифлослиги бор!

– Менинг уругим? Ҳечам-да! – хотин болаларини туртиб юришга ундади. – Ҳамманг чувалашмай... Бало бормиди! – Кейин эрига газаб билан боқди. – Уруг суриштирманг, тушундингизми? Мен ҳам уруг суриштираман чидасизми? Чидайманг!

Бироз юрганларидан сўнг тога яна сўкинди.

– Язнамнинг оғайнилари! Меникимас! – қичқирди хотин.

Қоронғи тушиб, катта йўлга етиб олганларида тоға уф тортди.

– Лекин қизиқ одамлар экан, – деди хотинига. – Сенинг уруғинг эмас, тўғри айтасан.

– Зебигулнинг ота-энаси тушимга кирди, деб бирон марта гапирмадингиз-а, дадаси, – упкалади хотини.

– Бехосият туш. Нима қиласан эшитиб!

Шу куни улар уйга ярим кечаси бир амаллаб етиб келишди ва қуданикига иккинчи қадам босмасликка қарор қилишди.

\* \* \*

Ҳақ гап айтилса номард ҳам кўнглининг бир четида тан олади. Зебигулнинг қайнонаси ўғли ва келинини дўхтирга кўрсатиш ҳақида ҳали уйлаб кўрмаганди. Ичига гулгула тушиб қолди. Зебигулни ҳайдаб юборгани билан ҳеч нарсага эришолмасди. Келиннинг кими бор? Ҳатто болалиги ўтган уйга ҳам сигмайди. Даволатишга бирон яқинидан бир сўм ундириб бўлмаса.

– Етим! – деди қайнона гижиниб. – Етим! Етим! Етим-м-м...

Кейин келинини олдига солиб дўхтирга борди. Касаллик Зебигулдан чиқишига тўлиқ ишонарди. Ўғли айбдор бўлишини етти ухлаб тушида кўрмаганди.

Дўхтирлар Зебигулдан жиддийроқ бир касаллик топишолмади.

– Шамоллаш деганларинг нимаси? – қайнонанинг кўнгли тўлмади. – Келиним касалми? Очиқ айта-веринглар.

– Тугмайди дейишимизни хоҳлаяпсизми? – Ши-фокорнинг ҳам асаби чатоқ экан, дарров олов олди. – Айтаяпман-ку бўйида буп кетади деб. Эртага ўглингизниям опкелинг, қани, бир текширайлик-чи, айб кимда? Қанақа кампирсиз-а? Келин ҳам одам, ахир!

Шундан сўнг Зебигул укол ола бошлади. Бироқ узоқ кутилган хушxabардан дарак бўлмади. Дори-дармонларга пул ажратиш ҳам тўхтатилади. Ана-

мана дегунча яна бир йил утиб кетди. Қайнона қанчалик заҳар сочмасин, ҳайдаб юборишга уринмасин, Аҳмарнинг бу ерда кўп туролмаган биринчи хотини Зебигулнинг хизматкорлигини бот-бот ёдига тушириб турарди. “Майли сув ташийман, – деганди ўша келин Аҳмарнинг онасига, – сигир согаман, лекин мол боқмайман, таппи қилмайман, утин ёрмайман. Агар оғзингиздан қарғиш чиқса ёки бирон гапни саситсангиз, бир кун ҳам турмайман, тушуңдингизми?”

Зебигул ҳеч қачон шарт қўймайди, қўёлмайди. Қайнонасининг кўзига тик қаролмайди мушгипар.

– Лекин хизматимни қиляпти деб неварасиз утиролмайман, – деди бир куни қайнона қайсидир кампирга, – боламни бошқага уйлантиришим керак. Пешонам шўр экан, бу келин ҳам унгли чиқмади.

– Эскича қилдирдингизми? – сўради дугона кампир.

– Э, эскичадан мақсад нима? Пул олади бахшисиям, эшониям. Эскича рост бўлганида бовайим тирик қоларди-да. Бахшининг исириқ тутунига бўгилиб ўлиб кетгандай туюлади ҳозиргача. Тушларимдаям қув-қув йўталиб чиқади бечора.

– Ҳа, упка кетгандан кейин бовай одам бўлармиди? Сизга маслаҳатим, арзон муллага боринг. Пул бермасангиз ҳам бўлади.

– Ким экан у арзон муллasi?

– Соримтепада бир мулла бор экан-ку. Бир-иккитаси бориб боласини ўқитган экан, яхши бўп кетибди.

– Тавба денг-е. Соримтепада мазоротдан бошқа нима бор? Пахтазор, экинзор, жарлар. Одам яшайди деб эшитмаганман.

– Ким сизга одам яшайди деяпти? Соримтепа мазоротидан кейин пахта даласи Чўянгача чўзилиб кетган. Лекин Чўянга етмасдан, бир шайит жой борийди. Эшитганмисиз?

– Эсимда қоптими?

– Менга қаранг, айтгандай, Аҳмарнинг жўраси ҳар кун ирталаб Соримтепа ёнидан ўтади, шунга илашиб олингизлар.

– Қайси жўраси?

– Аптовуз ҳайдагичи. Юк ташийдиган аптовузини кўрмаганмисиз? Деразаси йўқ...

– Нимага кўрмаганман. Кўрганман.

– Ҳар кун ирталаб районга бировларнинг юкини ташиб беришга жўнайди. Соримтепага тушиб қолиб, тут ёқалаб кетаверасизлар. Аввалги еттинчи биргад. Бузимнинг уйи қаерда десангиз, пахтага сув қўйиб юрганлар кўрсатади.

– Бузим? Бузим дегани шайит жойнинг оти-ку.

– Биларкансиз-ку. Худди ўша жойда анча йилдан бери бир одам яшармиш. Мохов деб ҳеч ким яқинлашмай юрибди. Кейинчалик қарасалар ҳеч касалга ўхшамайди. Бир-иккита сувчилар танишиб ҳам олибди. Отини айтмасмиш. Умуман, жуда камгап экан. Лекин Қуръонни шунақа ўқирмишки, сувчилар “бу одам эски замонлардаги шайхларнинг авлоди” деб тўй-маъракаларда гап тарқатибди. Ҳозир ҳамма уни Бузим дермиш. Бир бола тутдан йиқилиб уладиган бўлганда, дуо ўқиб оёққа тургазиб юборибди. Шундан кейин кулбасига одамлар оқиб бораверибди. Лекин уни топиш ҳам осон эмас экан. Агар топсангиз яхшилаб илтимос қиласиз, ўқиб ташлайди келинингизни.

Қайнонанинг оёғи тортмади. Бузим деганни жулдурвоқи кийимдаги пиёниста қиёфасида тасаввур қилди. Нима каромат кўрсатоларди, деб жини суймай юрди. Аммо кунларнинг бирида қўшни қишлоқдаги опаси маърака қилдию уйига ўзгариб қайтди. Етти йилдан бери фарзанд кўрмаётган қўшни келин ҳомиладор эмиш. Бузимни роса мақтаётганмиш. Иккита муаммо ҳал қилинса бас экан. Биринчиси, Бузимни кулбасидан топиш. Иккинчиси, дуо ўқишга кўндириш. “У сал телбароқ кўринади, – деди опасининг қўшниси. – Унча-мунча гапга тушунмайди. Пулга-ку қайрилиб қарамайди...”

– Бошқа келин Зеби гарангдай ишчан чиқадими, йўқми, – деди кампир ўзига-ўзи. – Ке, шу Бузим тентакка ҳам бир обораи. Болали буп кетса бахти бор, уйимда қолади. Булмаса, мол-қўйни сотиб Аҳмаржонни яна уйлантираман. Харажатдан қочиб болам бефарзанд ўтсинми!

Эрталаб қайнона-келин йўлга отланишди. Ҳар эҳтимолга қарши қайнона таёқ ҳам оливолди. Бузимни телбароқ дейишди, айтиб бўладими.

Соримтепага яқинлашганда ўнқир-чўнқир асфалт йул ўнгга қараб кетарди. Автобусдан шу ерда тушиб қолишди.

– Эна, қишлоқ кўринмаяпти-ку, – деди Зебигул бироз юрганларидан сўнг.

– Ана, – қабристонни кўрсатди қайнона, – ўнга қишлоқнинг одами ётибди, жимгина... Қани, утир, бир омин қип қўяйлик. Қайнотанг ҳам шунда. Ҳув анави саргайиб турган дўнгликни кўраяпсанми? Ҳамманикидан баланд, бечора зур одамийди. Шу кунларни кўрмай кетди.

Зебигул қайнотасининг қабрини тусмоллаб ҳам тополмаган булса-да, ёлгондакам “ҳа” деди. Кампир узундан-узоқ дуо ўқиди, охирида ўглига бола ҳам тилади. Қадоқ қўлларини серажин юзига шундай ишқадики, шигиллаган овоз эшитилгандай бўлди.

– Муллага бораепмизми ўзи? – ям-яшил гузаларни, янтоқзор дўнгликларни ортда қолдириб бораётган қайнонасидан сўради келин.

– Ўл-а, бунча эзмаланиб сўрайвердинг! – жеркиб берди кампир. – Ол анов таёқни! Ит-пити бўлса икковлашиб қайтарамиз.

Қуриган дарахтта болта ураётган кузойнакли кишига дуч келишди.

– Ҳорма, – деди кампир.

Дарахт кесаётган киши ҳозир сукиб бермоқчидай афт-ангори буришиб қаради.

– Чуянданмисан? – сўради қайнона.

– Йўқ.

– Танимай турибман...



– Танимайсиз, – пўнгиллади у ва дарахтга болта уришда давом этади.

– Ҳов, нимага танимас эканман? Шу ерларда тугилганман, шу ерларда ўламан. Мен Қорақишлоқданман. Мозоротимиз бир ҳаммамизнинг. Соримтепа...

– Мақсадга утинг, момо, мақсадга. Бузимнинг жойини сўрамоқчимисиз?

– Ҳа... Буни қаёқдан била қолдинг? Тавба, авлиёлар кундан-кунга кўпайиб кетяпти-я!

– Авлиёлар эмас, авомлар кўпайиб кетди, – деди дарахт кесаётган киши зардаси қайнаб. – Қаерда бирон кароматнинг мишмиши чиқса, олди-орқасига қарамай чопади. Песига шифо сўраган қайси, чулогини тузатмоқчи булгани қайси! Ул бу кунингдан, ундан кўра Худодан ўз оғзинг билан сўра, нима, ихлос ўзингда йўқми, демайди ҳеч ким! Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, кечадан бери манави қуриган дарахтга болта уравериб, Бузимни сўраган хотин-халажга жавоб беравериб чарчадим.

– Айтақол, – ялинди кампир. – Суриштирса опанг буш чиқаман, айланай.

Ҳалиги киши кўзойнагининг устидан қаради. Зебигул унинг галати одам эканлигига эмас, қайнонасидан ширин сўз чиққанига лолу ҳайрон қолганди.

– Дардингиз оғирга ухшайди. Майли, боринг уша тентакнинг олдига. Ҳув ана, жийдазор ичида, – болтаси билан кўрсатди дарахт кесувчи.

Дала уртасида қалин жийдазор гуж бўлиб турарди. Жийда орасида тол ҳам кўзга ташланади. Қачонлардир бу ерлар ўзлаштирилаётганда бульдозерлар Бузим шайитини омон қолдирган эди. Зебигул овлоқ ва беҳосият маконни қароргоҳ қилиб олган мулла ҳақида билгач, оёқлари чалишиб кетди. Боягина кампирнинг имиллаб юришидан ичида нолиган эди, энди етолмай зғатда чуқкалаб қолаёзди.

– Юрсанг-чи! – дағдага қилди қайнона. – Ғузани пайҳон қиляпсан деб ҳозир биронтаси бақиради.

– Эна... қўрқяпман... – зорини айтди Зебигул.

– Нимадан қўрқасан? Куппа-кундузи-я?! Юр дейман! Сени деб келяпман ўзи бу ерларга...

Зебигул зўр-базўр қадам ташлаб борарди. “Бу ўша, – деди ичида. – Ўша мулла!.. Уруг-аймогимиз билан қарғишга гирифтор қилган, йигирма йилдирки дом-дараксиз кетган мулла! Мана, у қаерда яшаркан! Тақдирнинг ўзи бошлаб боряпти мен бояқишни! Энди нима қиламан? Таниб қолса ўқимайман дейдими? Ҳалиям қасос ўти сўнмаган бўлса-чи?.. Отам тириклайин азоб бериб мажруҳ қилган, севгилисидан айирган, умрбод қочоқ бўлиб яшашга сабабчи бўлган... Бу кунимдан баттар бўлсам керак...”

Бузимни топиш осон эмаслиги Зебигулга умид бахш этиб турарди. У титраб-қақшаб жийдазорга етиб келди. Кун ботиш томонида йўлак кўзга ташланди.

– Мулла боваю-ю! – хирқироқ товушда чақирди қайнона. – Уйдამисиз? Ҳу-ув, мулла бова-а!..

Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Лойсувоқ кулбада ит ҳам яшамайдигандек кўринарди.

– Кирайлик-чи, жин урармиди! – тетиклашди кампир. – Шунча йул юриб келдик, индамай қайтиб кетаверамизми? Кечгача бўлсаям кутамиз. Юр, Зеби! Таёгингни ташлама лекин.

Улар ҳувиллаган жийдазорга қўрқа-писа қадам босиб, кулбага бир амаллаб етдилар. Эшик ҳам алмисоқдан қолган эди. Қайнона қоқсуяк қўли билан тақиллата бошлади. Шу пайт орқа томонда итнинг ириллаши эшитилди. Қайнона-келин ўтирилиб қараганида одам бўйи келадиған, кўзлари қонга тўлган қоп-қора ит сўйлоқ тишларини кўрсатиб секин-аста яқинлашиб келмоқда эди. Зебигул итни ҳайдаш тугул бир бора силкитолмади, таёқ ўз-ўзидан сирғалиб тушиб кетди. Ит важоҳат билан кампирнинг бўғзидан тишлади-да, бир силтаб тагига босиб олди. Аҳмарнинг онаси қичқиршга-да улгуролмади. Зебигул қон сачраган қўлларнинг томирлари бўртиб чиққанини, жон талвасасида ерни тирнаётганини

кўрди. Ит эса баттар қутуриб кампирнинг томоғидан чуқурроқ тишлади, кампирнинг бўйни, ҳатто жағпаги билан итнинг тумшугига сигди. Ҳаш-паш дегунча кампирни еб қўйиши, еёлмаганда ҳам камида танасининг яримини гажиб ташлаши мумкин эди. “Одам ейдиган ит бор экан-да, – деган хаёл ўтди бошидан. – Бизнинг замонимизда... кўз унгимда... Кейин менга навбат келади! Менинг ҳам бўғзимдан олиб, типирчилатиб чайнармикан? Томоғимга тиш ботирганда ёки суякларим қисирлаб синганда ўлиб қолсам керак... Олдинроқ ўлсам яхшийди...”

Зебигул даҳшатдан қотиб турарди. Қичқиритиш тутул сичқоннинг чийиллаган овоз ҳам чиқмади ундан. Кузлари одам бўйли қора итни, қонга беланиб жон талвасасида оёқларини силтаётган қайнонасини кўриб турарди...

Ит ҳамон ириллар эди. Бироқ жа баҳайбат эмасди, тиззадан ҳам келмаслиги маълум бўлди-қолди.

Қайнонаси Зебигулни туртди. Сўнг:

– Узингни егир, шу итданам кўрқасанми? – деб қарғади.

Зебигул қайнонасига талмовсираб қаради. Ҳозиргина кўрган даҳшатли манзараси хаёлот эканига ишонмай ҳатто кампирдан ҳам нари қочди.

– Тур кет! Тур-е! – кампир итга таёқ ўқталди. Кейин аламини келиндан олиб, бор овозича қойий бошлади. Назарида келини жийдазорга киргандаёқ эси оғиб қолган эди.

Шу пайт бир кесак учиб келиб кулбанинг эшигига тарсиллаб урилди, майда бўлаклари Зебигулнинг юзига сачраб, ўтди. Ит гойиб бўлди, Зебигул ҳушига келгандай кузлари жавдираб боқди атрофга. Қайнонаси томон гандираклаб юрди.

– Эна-а... – деди ёқимсиз бўғиқ товущда.

Кампир кесак отган одамни ахтараётгани учун келинини силтаб ташлашга вақт топмади. Қалин жийдазордан кулба эшигига кесак теккизиш учун яқинроқ жойда туриш лозим эди. Шундай ҳам экан. Бир-бирига ёпишиб ўсган рўпарадаги учта жийда

ортидаги мозордай дўнгликка бир киши чиқиб келди. Қоп-қора пиджак, қора шим кийиб олганди. Яқин келган эди, кўйлагига дазмол тегмагани, анча вақтдан бери соқол олмагани, ҳаммомга ҳам тушмагани билинди. Томоғини боглаб олганми ё юзини бекитиши учун баҳонами, саллалик мато бўйин аралаш юзининг яримигача чирмалганди. Зебигул унинг кўзларига қаради. Зеро ўша мулланинг сувратини кўрмаган бўлса-да, кўзларидан кимлигини уқиб олишига ишонди. Лекин унинг кексая бошлаган киши эканлиги маълум бўлди, холос.

– Кимсизлар? – сўради у. Овозида жаҳл, чарчоқ, тушкунлик, хасталик, шулар билан бирга алақандай жозиба ҳам бор эди.

Кампир салом берган эди, ҳалиги киши ҳадик билан бош силкиб қўйди.

– Нега келдингизлар? – деди иккисига бир-бир боқиб.

– Сизни эшитиб келдик, мулла бова, – ялтоқланди кампир, – яхшилигингиз биздан қайтмаса Оллоталодан қайтсин... Мен асли шу ерданман, бир вақтлар Қорақишлоққа келин бўп тушганман. Мана энди ўзимнинг келиним бор, келинларим бор... Буниси кенжаси...

– Мен Бузимман, мулламасман, – деди у. – Нима, муллаларингиз йўқми?

– Бор, лекин биз шифо истаб келдик.

Бузимнинг оёғи остида қуриган шох қисирлаб синди. У гавдасининг оғирлигини чап оёғига солиб, оқсоқлангандек бир қадам ташлаб терс ўтирилди, жийдага қўл тиради, боши эгилди.

– Бу... келинингизми?

– Келиним, мулла бова.

– Мени мулла эмас, Бузим деяверинг! – Эркак газаб билан кулбаси томон юрди. Ҳақиқатан у оқсоқланар эди. Эшикни итариб юборганди, шарақлаб очилди.

– Лекин сизни Бузим дейишга тилим бормади, – деди кампир. – Бузим ёмон сўз. Минг марта тавба қилдим, ёмон сўз! Бизлар биламиз, ўшанда бола эдик,

эшитганмиз. Бу ерда, ҳа, айнан шу ерда Бузим деган насл-насаби, миллати номаълум бир одамни сўйишган. Халқ фатво берган, халқ сўйган ўшани. Осмондан тушган дейишадими, ердан чиққанми, анигини ҳеч ким билмаган, жуда хунук одам бўлган. Сап-сариқ!.. Илоё, бандасини кечирсин. Шундан кейин бу ерда унинг арвоҳини бир неча марта кўрганлар бор! Улдириб ҳам қутулолмаган бизнинг оталаримиз!

Бузим бўсағада миқ этмай эшитди. Кейин хиёл бурилиб, сўради:

– Бу ростданам келинингизми?

Кампир Зебигулга ажабланиб қаради.

– Буми? Бу... Зебигул, менинг келиним. Нега ҳадеб сўраяпсиз, мулла... кечирасиз, Бузим?.. Энди, ўзингиз айтдингиз, Бузим деймиз-да сизни.

– Бузим деяверинг дедим-ку. – Шундай деб у ичкарига кирди, эшикни ёпмади.

Кампир келинини ургудай судраб кулбага киритди, таёгини ташлашни эса жўрттага унутди. Кулба эгаси алақачон тўрдаги эски кўрпача устига чордона қуриб ўтиришга улгурганди. “Омадимиз келди”, деб ўйлади қайнона. Аммо кимнинг омади келди, бу ҳали қоронги эди.

– Бузим сап-сариқ бўлганми? – кампирга синчиклаб қаради кулба эгаси.

– Ҳа, шунақа деган оталаримиз.

– Кофир эдими?

– Кофирлар унинг олдида сувдай тоза.

– Мен келгинди эмасман, – деди Бузим. – Албатта, кофир ҳам эмасман.

– Шу ерликмисиз? Сизни аввал танимаганмиз-ку?

– Ўзбекистондаги ҳаммани танийсизми?

– Йўқ.

– Келинингиз гапирадими?

– Гапирмайдиганларни келин қилмайман, ўғлим соппа-соғ.

– Тилим бор деб кўп қаргар экансиз.

– А? Менми?.. Йўқ...

– Фолчи деб ўйламанг, қаргаганларингизни кўп эшитганман.

Кампирнинг туси ўзгариб кетди. Жаҳли чиқа бошлаганини Зебигул сезиб, қайнонасига сабр тилади, чунки кулда яна бироз қолишни истарди.

Бузим кампирга сўссиз тикилди, тикилиб ўтираверди. Нигоҳидан илоҳий каломлар сизиб чиқаётгандай туюларди. У неча бор “келинингиз” деб гапирган бўлса, ҳар сафар сесканиб тушган эди келин бечора. Ҳозир худди ўзининг кўзларига тикилиб тургандек қалтирай бошлади. “Ёмонликка эмас... ёмонликка эмас...” – деб такрорлади ичида Зебигул.

Кутганидай бўлди: сеҳрли нигоҳ кампирни ювош тортириб қўйди. Ёвуз қайнона Зебигулга қараб “кўрдингми, мулла рози” дегандай жилмайиб бош силкиди.

– Келинни ўқитмоқчимисиз? – сўради жимликка нуқта қўйиб Бузим.

– Худодан бола сўрадик, ҳеч боласи йўқ буларнинг... Ўғлим қирқ ёш арафасида.

– Бола бўлмаса нима қилмоқчисиз?

Кампир негадир яна Зебигулга қаради, кўзлари пирпираб мўлтиради. Бузим сабрсизлик билан жавоб кутарди.

– Ажрашиб кетмасин дейман-да, – деди қайнона.

Бузим нигоҳини секин бурди. Зебигул қоронги хонада юзига чироқ тутилгандай бирдан кўзларини олиб қочди.

– Қизим, асли қаердансиз? – саволга тутди Бузим.

Зебигулнинг юраги така-пука бўлиб ўтираркан, ростини айтсам кимнинг фарзанди эканлигимни билиб олади, деб ёлгонлади:

– Қорақишлоқнинг ўзиданман... Илтимос, бахтимга, ўқиб юборинг...

– Ўқиш менга ҳеч нарсамас, – ипақдай майин товушда сўзлай бошлади Бузим, – хоҳлаганингизча ўқийман, лекин сиз рост гапиряпсизми?

– Рост, рост! – қушилади қайнона.

Келинининг ёлғони унга маъқул тушди. Негаки Бузим ниманингдир ҳидини олганини кампир пайқаб бўлганди.

– Уртага кампир қўшиляпти, ҳаммасини ўзингиз гапириб бера олмайсизми? – бўш келмади Бузим.  
– Дуоларни ўқишимдан аввал ростингиз анча муҳим. Тўгрисини айтсам, сиз... сиз менга кимнидир эслатяпсиз. Бунинг устига сизни ёмон бир аломатлар ўраб турганини кўряпман. Агар...

Зебигул ич-ичидан музлаб, қайнонасига қаради. У ота-онамни қаргаган муллани мен ҳам қарғайман деб юрарди, кейинчалик оёғига йиқилиб, қарғишни қайтариқ қилишни ялиниб-ёлворишни кўнглига тутди. Мақсад деганлари бунчалик узгариб турмаса. Ҳозир у алдов йўли билан Бузимга ўзини танитмаслик йўлинигина уйларди.

Ва бирдан бошини осилтириб йиглаб юборди.

– Ёмон аломатларни айтманг, – бидиллади кампир,  
– ҳаммасини ўқиб ташланг. Биламиз, қўлингиздан келади.

– Чиқиб туринг, – деди Бузим.

– Менми? – кампир аразлаган каби лаби-лунжини шалвиратди. – Келинимдан бир қадам ҳам узоқлашмайман. Сиз ўқийдиганингизни ўқийверинг, бўлмаса...

– Бўлмаса ўртада бир одам пайдо бўлиши мумкин,  
– огоҳлангирди Бузим.

– Ким? – қайнона йиглаётган келинининг қорнига қаради.

– Буни вақт кўрсатади, – деди Бузим, – мен авлиё эмасман.

– Қариб қолганман, очикроқ гапирмасангиз тушунмайман.

– Сизларга фарзанд керакми? – асабийлаша бошлади Бузим.

– Шунинг учун келганмиз, дўхтириям ёрдам беролмади, фақат сиз...

– Мен ҳам ёрдам беролмаслигим мумкин, лекин дардларингизни енгиллаштиришга уриниб кўраман.

Нимангиз бўлса, чиқаринг, қаршимда бир нимани яшириб, қора ният билан утирманг. Аввало анави таёқни отиб юборинг.

Кампир таёқни эшик томонга улоқтирди, сўнг Бузимга атаган пулини кўрпача устига қўйди. Ёнида сандиқ калитлари ҳам бор эди, аммо уларни чиқаришни хоҳламади. Зебигулнинг ёнида эса туморидан бошқа ҳеч вақо йўқ эди.

– Борингизни чиқаринг, – Бузим бош эгиб қўлларига тикилиб қолди, – юрагингиздагиларни айтаяшман. Қалб тоза бўлсин.

– Боримизни чиқардик, – деди қайнона. – Келинимда ҳеч нарса йўқ.

– Майли, ичингиздагиларни секин-аста бушатиб олаверасиз. – Бузим бир муддат Зебигулга ўқрайди. – Лекин туморингиз менга халақит беряпти.

Зебигул ҳайрон қолди: либосига яширинган туморни қаёқдан билди? Кейин шошиб ортига бурилди-да, қўйнига қўл солиб туморни юлиб олди.

Бузим ўқишни бошлади. У кўзларини юмиб берилиб тиловат қилар эди. Суралар қўшиқ каби оҳанг ва ажиб куйи билан таралар, руҳларга ором бериб, жонсиз нарсаларга жон ато этарди. Қачонлардир одамзот самовотдан тушиб келганини сўйларди бу оҳанг. Ёввойи табиат, йиртқичлар, маймун шаклидаги одамсимонлар хавфи остида яшашга маҳкум этилди, аммо тавба қилди, Парвардигор кечирди. Улардан тоза қалбли муътабар авлод қолди. Бироқ то вафот этгунларича бойликларга эга бўлиб, айш-ишратда яшаш мумкинлиги айримларни қарғиш теккан йўлга бошлади. Ҳукмдорлар етишиб чиқди, қотил-каззоблар урчиди, фоҳишалик бутун дунёга тарқалди. Самовотдан тушган одам зурриёди орасида касаллар пайдо бўлди, қачонлардир қилинган гуноҳнинг маҳсуллари! Ахир, одам гўзал эди, одам ҳайвон каби йўталмасди. Аршда йўтал бор дейишга ким журъат этади, ақлга сигадами? Бўғизларигача гуноҳга ботгач, парвардигори олам уларга аслида ким эканлигини



эслатиб қўйишни жоиз топди ва пайгамбарларни юбора бошлади. Буюк сирлар дунёсига игнанинг тешигидай тирқиш очилди, холос. Қолганини билиш-англаш инсоннинг ўзига қолдирилди. Игнадай тешикни суқирлик балчиги билан чаплаб ташлаганлар қанча бўлди, санаб саноғига етишнинг иложи бормикан? Ҳар куни одам дунёга келади, ҳар куни кетади. Ҳар бири ўзини таниб олиши керак, мутлоқ ўзини таниган ҳолда ҳеч ким тугилмаган, тугилмайди ҳам. Худо “Мен борман, менга ишон, манави туйнуқдан қарасанг нариги дунёни кўрасан” демайди, бу — ўзини таниган инсон дунёга келмаслиги билан айна бир ҳақиқатдир. Одам тупроқ, дунё тупроқ. Аммо одам қалбига илоҳиётдан бир зарра ҳажмича нур инган. Шу нурни сундириб қўйма, одамзот! Сенга бошқалар ёрдам бериши мумкин. Хусусан, дуосираб қолганингда ўзинг ўқиёлмасанг, бошқаларга ўқит! Сенга бағишланган муқаддас каломлар оз-моз бўлса-да, ботинингни ювиб, оғирликлардан фориғ этиб туради. Бироқ қалбингда бизга ёт нимадир бор экан, ундан қутулолмай яна нима истайсан? Сени мен эмас, Яратган кечирсин! Мени ҳам сен эмас, Яратган кечиради...

Илоҳий қушиқ тутади. Зебиғул кўз ёшларини сидириб ташлади.

– Энди нима қилайлик? – сўради қайнона.

– Кетинг, – деди Бузим ҳорғин товушда. – Келинингизни авайланг, озгина бўлсаям сабр қилинг.

– Ишқилиб мушкуллари осон бўлсин, – кампир юзига фотиҳа тортди.

Бунга жавобан Бузим кулгандай бўлди. Зебиғул кампирдан олдин чиққан бўлса-да, қандайдир кўринмас қўл этагидан тортганини сезди. Шу аснода жийдазорга шамол урилиб, кишини элитувчи сархушлик таралди. Кўм-кўк осмон шамол сеҳрига сеҳр қўшиб сукут билан кузатарди.

– Осонгина топдик, – мингиллади қайнона икки йилдирки Зебиғулга таниш оҳангда, – тезроқ юр

судралмай! Бутун унги томоним билан турган эканман...  
Айтгандай кучукни кўриб нега ўлик бўл қолдинг?

– Бошқача бўлиб кетяпман, – нолиди Зебигул.  
Ҳақиқатан унинг ранг-рўйига қараб бўлмасди.

– Уқитиш қийин деганди, дарров ўқиди-қўйди.  
Жуда бушангсан, озроқ пиёда юрганга мазанг қочиб ўтирибди. Қадамнингни катта-катта бос, Соримтепада мошин кутишни ўйла.

Кўз олди қоронғилашган келин йиқилиб қолмаслик учун сўнгги кучини тўшлаб олға интилди. Дала четида қуриган дарахт қулаб ётарди. Кўзойнакли киши эса ҳеч қаерда кўринмасди. Зебигул амаллаб дарахтга етди ва кема ҳалокатидан сўнг уммонда бир парча тахтани учратгандай осилиб олди.

– Юр-е, шарманда! – қистади қайнонаси. – Вой, нима қиляяпсан? Қучоқлама дарахтни, гаяк!

Зебигул ниҳоят уввос солиб йиғлаб юборди.

– Ота-энамни гўр қилган шу мулла!.. Мени етим қилганам шу мулла!.. Болта беринг, чопиб ташлаб қутуламан ундан!.. Сўйиб ташлаб қутуламан ундан!

Кампир бақа бўлиб қолди. У келинидан қанчалик ирганмасин, мияси суюлиб гап-сўз бўлишини асло истамасди. Қути учиб ёнига лўкиллаб борди-да, суяб олди. Улар худди ёқалашгандай судрашиб ариққа етишди. Зебигулни энгаштириб юзига сув сепа бошлади. Келини қургур тинчиб қолгач, қаргади:

– Сени келин қилган менинг пешонам қурсин! Ҳали шу ҳунаринг ҳам бормиди! Вой, энди дардимни кимга айтаман, кимга-а!.. Келини тентак бўл қопти деб одамларнинг кулгисига қолганимдан кўра ажалим етса бўлмасмиди!.. Ажалим етса бўлмасмиди!..

Орадан кўп ўтмай қайнона хасталикка чалинди. У Бузимнинг кулбасидан қайтаётиб ўз ажалини чин дилдан чақирган эди. Тушакда анчайин азоб чекиб ётди. Жони узиладиган фурсат келганда ой юзини булут қоплаб олисларда бўри улиди.

– Бўри? – саволомуз тикилди Аҳмарга катта акаси.

– Мол-қўйни опкеганман, ака, ҳаммаси қамовда.

– Тунов куни келин даладан ёлгиз қайтаётган экан, – деди ўртанча акаси Аҳмарга ёвқараш қилиб. – Бурилар бурдалаб кетишини хоҳлаяпсанми? Қиш келмасдан улар овга чиққан, уқдингми? Шолғом билан турпинг чириб кетсаям ёлгиз жўнатма! Жарликдан ўтиши, тутзор оралаши керак. Кеч тушса мен ўтолмайману у ерлардан!

– Жин ҳам урмайди, – тўнғиллади Зебигулнинг эри.

– Айтмоқчи, эсимдан чиқаёзганини қара, – катта ака пешонасига енгил муштлади, – келинни мен ҳам кўргандим. Аввалига уни эркак деб ўйлабман. Нега деганда кўприқда қора кийимли чўлоқ кимса куригандай туюлди. Тракторда эдик. Тутзордан чиқишини кутдик. Кўприқдан ўтган одам тутзор ўртасидаги йўлдан келади-ку, тўғрими?

– Тўғри, – деди Аҳмар.

– Лекин тутзордан Зебигул чиқиб келди...

Кампир ўлим дардида инграрди. Қўлоғи том битиб қолгани ўтилларига аён эди. Не ажабки, суҳбатни эшитгандай келинини тилга олди:

– Зеби... Зебигулни... қайдаб юборинглар... Аҳмар-жонни бошқага... бошқага ўйлантиринглар... Ҳаммаси уни деб бўлди!.. Вой, жоним...

Шундай қилиб, қайнона вафот этди. Одам ёмондан қутулганида елкасига кун теккандай туюлади, лекин қисматига ёмонликлар кўп ёзилган бўлса, ўрнига дарров бошқаси келар экан. Жанозадан сўнг Зебигул турмушида нимадир йўқолганини сезди. Бу ҳечам қайнона эмасди, Зебигул ҳар қадамда уни ҳис этиб турарди. Вақт ўтган сайин маъракалар ниҳоясига етди, таъзия билдириб келувчиларнинг қораси ўчди. Ҳаёт узилган жойидан давом этиши керакдай эди гўё. Шундагина Зебигул эрини йўқотганини тушуниб етди. Кенг ҳовлининг қўтир босган ерида бир эркак ва бир жувон бегонадай яшар эди. Мана энди айтса буларди ўртада фарзанд бўлмайди деб.

Қиш бўйи Зебигулнинг ранги чиқмади. Қўшнилари унинг жилмайишини, очилиб гапиришини, жонини

жабборга бериб юмуш бажаришини унутиб юборишди. Зебигул деганда кўз олдиларига эзилган, тунд қиёфали, кимсасиз, ҳорғин бир келин келарди. Қиш бўйи ўн ёшга қариди у.

Агар уртада яна бир аёл пайдо бўлмаганида икковининг ҳаёти бинойидай изга тушиб кетармиди, ким билсин.

\* \* \*

Аслида у мол-қўй сотиб яқин йилларда бойиб кетган хонадоннинг Зебигулдан ўн ёш катта қари қизи эди. Гиёҳ битмайдиган тап-тақир қишлоқдаги сариқ тупроқли пастак уйларда яшашса-да, ўзларини осмон чоғлайдиган тоифа эмасми, тоғдаги сурувлари уч йил қаторасига мисли кўрилмаган даражада қузилаб, тумшуқлари янада кўтарилиб қолди. Хонадон эркаклари бозорга қўй олиб чиқавериб чарчашди, сурув эса камаймади. Машинали бўлишди, томи конверт қилиб ёпилган, пойдеворига мармар ёпиштирилган дангиллама уй қуришди. Молхонадаги новвослар тез-тез семирар, гоҳ оёқлай, гоҳ сўйиб сотиларди. Мебеллару чўғдай гиламлар эски калишга янги патакдай алланечук ярашмай турса-да, хонадон эгалари азалдан шундай шароитда яшаётгандай тутарди ўзларини.

Улар бошқа бир нарса ахтара бошлашди. Ва ахийри топишди: кўнгил батамом жойига тушиши учун оғилдан бери келмайдиган Чехрани шоҳона узатишлари керак эди. Мол билан бўлиб яккаю ёлғиз қиз ота-онаси томонидан ҳам, акалари томонидан ҳам унутиб юборилган эди.

– Чехра ўттизга кирди бу йил, – деди отаси. – Совчи келса қалиниям керакмас, шундай бервораман. Камига ўзим қўшаман.

– Ҳа, қараб турармидик, – эрининг гапини маъқуллади қора хотин. – Ҳайла, ҳеч балоси йўқ

ҳамсоиянинг қизи ойдайд жойга тушиб кетди, куёвлари яқинда “Жигули” олганмиш.

Шу оиланинг учинчи ўгли билан Аҳмар армиядош ўртоқ эди. Бир вақтлар иккови Москвадаги қурилиш батальонида икки йил тер тукиб келганди. Аммо хизматдан сунг куп ўтмай борди-келдилари йўқолган, ҳар ким ўз ташвишига кўмилиб қолган эди. Бир куни у тракторида Аҳмарнинг ҳамқишлогининг қўларини тоққа, чўпонга қўшишга олиб борадиган бўлди. Айни шу дамда Аҳмар ҳам трактор ахтариб юрганди, ўртоғига дуч келиб қолди. Чеҳранинг акаси охирги пайтларда ҳаётдан мамнун эди, Аҳмар эса эзилиб юрарди. Мамнунлик ва эзилиш гоқо бир-бирига эҳтиёжманд бўлади, улар қучоқлашиб кўришдилар.

– Қўларимни тоққа қўшмоқчийдим. – деди Аҳмар.

– Юзта борми ишқилиб? – гердаиб сўради Чеҳранинг акаси.

– Қаёқда! Ун битга.

– Қани? Тележканинг бир бурчагига ортиб кетаверамиз.

Улар шу куни икки тележкали тракторда тог ичкарисига қўй олиб боришди. Қайтишда Аҳмарнинг ҳамқишлоғи тракторни бир уйда тухтатиб, флягада ўттиз литрча вино олиб чиқди. Аҳмарга ҳам икки бутилка берди.

– Уйга ўт ҳам демайсан-ей, жура, – упкалади Чеҳранинг акаси. – Мамашкадан айирилдим деб бунча чукиб қолмасанг? Кетдикми?

Зебигул дарров дастурхон ёзди. Бир зумда тухум қовуриб келди.

– Ишингни қип юравер, ҳадеб кириб чиқаверма, – Аҳмар меҳмон олдида хотинини жеркиб берди. Зебигул миқ этмай чиқиб кетди.

– Нега аччиқ қиласан? – сўради дўсти.

– Қўйиб юборсамми деяпман. Ифлоснинг қадами ёқмади.

– Бунақа дема, жура, ҳаммаси яхши буп кетади.

– Энди ўйлаб кўрсам, энам шунинг касрига ўлган. Асли буларнинг оиласига қарғиш теккан, доим бир

касофатга йўлиқиб юради. Неварали бўлиш умидида бир муллага олиб борганди, шундан мазаси бўлмади энам бояқишнинг. Шу касофат билан яшасам тирноққа зор бўп ажалимдан беш кун бурун ўлиб кетаман. Охирги пайтларда бир нарсани ўйлайман: ўлиб қолсам у арвоҳга ўхшаб шу ерда яшайверармикан? Жонидан тўйган қайси аҳмоқ хотин қип оларди уни! Ажрашиб кетсам борадиган жойиям йўқ энағарнинг.

Чехранинг акаси кулимсираб, ўртогининг елкасига қўл ташлади.

– Ўлсанг у эмас, сен арвоҳ бўласан. Ке, яхши гаплардан гаплашиб, шу бутилкани бушатайлик.

– Сен бойсан, жура, – Аҳмарнинг кўзларига ёш қуйилди. – Болаларинг ҳам бор, ота-энанг ҳам!.. Лекин мен ҳам сендай бўп кетишим мумкин! Бунинг учун бошқа хотин оламан, ўлай агар шу йил уйланаман! Энамнинг ўлиmidан олдинги васиятиям шу!.. Лекин хотин топиб бериш сенинг бўйинингга! Қишлоқларингдан битта есир чиқар? Чиқса, уша куниёқ Зебининг жавобини бериб юбораман, йигитча гапим! Болали бўлсам, суннат тўйида елканга зар чопон ёпаман! Буям қасам, жура! Қасам, қасам, қасам!..

Чехранинг акаси ўйга толди. Аҳмар эса устма-уст кутарилган қадаҳдан алжиб қолганга ўхшаса-да, чин гапни гапираётгани сезилиб турарди.

– Тагин учинчи хотин буларканман, деб чўчимасин! – давом этди Аҳмар. – Уй-жойим, мол-қўйим, ерим бор. Хотиним яхши чиқса, рўзгорга барака киради, шундай бойиб кетаманки, ҳамма Аҳмарбой деб оёғим тагида чувалашиб қолади. Шунақа бўлмайди дейсанми, жура?

– Худо хоҳласа...

– Қара лекин! Кейинги шанба қишлоқларингга ўтаман, хушxabар билан кутасан. Келишдикми?

Фитнага уланган винохўрлик анчага чўзилди. Зебигул бадбўйга тулган хонада тақдири ҳал бўлаётганидан беxabар қўйхонани тозалаш билан овора эди. Бир пайт ширакайф меҳмон тракторига

осилаётганини кўрди. Кўз кўзга тушди, ammo меҳмон бир оғиз “яхши қолинг” демади, кўзларини олиб қочди.

Чеҳранинг акаси шу куниёқ онасига Аҳмар ҳақида гапирди. Сўнг:

– Чеҳрани журамга узатсак нима дейсиз? – деди.

– Ҳовли-жой, мол-ҳол, гектар бор. Уйда жанжал қиладиган қайнсингил, қайнона, қайнота йўқ. Ҳзи яхши йигит. Битта айби — икки марта уйланган. Тақдир-да, нима қилсин журам бечора...

– Қуй, унингга Чеҳра ўлсаям рози бўлмайди.

– Энди... Чеҳранинг ёши ўтди, келган совчига рози бўлиши керак.

– Келсин, Чеҳра рози бўласа майли, – деди онаси қуй юнгини куч билан титар экан.

– Эна-а, – деди ўғил овозини чўзиб, – бу ерни Осиё деб қўйибди, Европа эмас.

– Унақа гапларни гапирма, барибир тушунмайман.

– Нега тушунмайсиз? Европада ўттиз ёшли қизларнинг эрга тегиши оддий гап, бизда эса ўттиз ёшлига уйланадиган бўйдоқ йўқ. Чеҳрага ўжшаганларга бўйдоқлар эмас, уйланганлар совчи қўяди, бошқа иложингиз йўқ, эна.

– Иложим бор деяпманми?! Ҳзи рудда нимага ичдинг? Отанг билса тракторни опқўяди.

– Э, рудда ичиб, нима, мошин миниб кетибмидим! Даштнинг йулида юз йил юрсам ҳам тракторимни биронта “ГАИ” тўхтатмайди.

– “ГАИ” йўқ деб ичайверасанми? Бор, дамингни ол.

– Совчи келса берасизми?.. Айтгандай, энг муҳими – унинг боласи йўқ.

– Лекин хотини бор деяпсан-ку. Ҳозир бирга яшаётганмиш. Тўғрими?

– Тўғри.

– Унда нимага бошимни қотирасан? Чеҳра хотин устига хотин бўп тушмайди. Майли, уйлангандан келсин, лекин уйи қуйгандан, билдингми?

– Уйи қуйган?.. Тавба, нима деганингиз?

– Ажрашган дегани, хотини ўлган дегани!

– У хотини билан ажрашмоқчи, хотин топилган куни уйдагини ҳайдаб юборади.

Шундан сўнг қари қизнинг онаси дилидагиларни айтди:

– Улим, Чеҳрага бўйдоқдан совчи келишига менам ишонмайман. Уйланган эркакка узатишга мажбурмиз. Лекин совчи қўймиш бефарзанд, бехотин бўлиши керак. Аҳмар журанг менга маъқул. Билсанг агар, у сенданам бой, фақат билинмас бой. Агар яна уйланаман деб хотин излаётган булса, Чеҳрани кундир, розиман. Нияти қатъий булса барибир бошқа хотин топади-ку... Уни отангам танийди, беради Чеҳрани. Лекин ажрашмасларидан туриб бир ишқал чиқарма.

Аҳмар ваъдасига биноан шанба куни Чеҳранинг қишлоғига келди. Сафдошининг уйини куриб танимади. Ҳарқалай у булутга қараб жойни аниқлайдиганлардан эмасди, йул четидаги харсанг тошни кўргач, ишончи комил бўлиб дарвозани тақиллатди. Ҳовлида бир неча ит вовиллади.

Аҳмарнинг қаршисида кир-чир кийимдаги бир қиз турарди. Даставвал уни аёл деб ўйлади.

– Янга, яхшимисиз? Жўрам уйдаими? Мен Қорақишлоқданман...

– Ассалому алайкум. – У бирдан салом бериб, бурнигача ёпиб турган оқиш рўмолини янада юқорироқ кўтарди. – Уйга кириб, акам ҳозир келадилар. Кириб, вой...

У галати мулозамат қилганча бирдан ортига бурилиб кўздан йўқолди.

– Қизиқ... – деди Аҳмар.

Дарвозадан мўралаганида антиқа мезбон молхона томонда лапанглаб қочиб борарди.

Ҳа, у Чеҳра эди, ҳамма гапдан хабари бор эди. Фақат Аҳмаргина беҳабар эди бу хонадондаги умр савдосидан.

Бўлажак қайнота илиқ кутиб олди. Барча оталардек узини вазмин ва жиддий тутиб ичкарига таклиф этди.



Ошхона томондан келаётган ҳид қуюқ зиёфатдан дарак берарди.

– Мени танидингизми? – сўради Аҳмар иззатли меҳмон бўлиш умидида.

– Қорақишлоқлик Аҳмармисан? Бизнинг уғил билан бирга хизмат қилгансан-а? Ана кўрдингми, танидим. Кўринмай кетган бўлсанг ҳам кўзимда суратинг қолган.

Улар кулишган бўлди. Аҳмар оила ҳақида суриштиришларини, ҳол-аҳвол сўрашларини ёқтирмасди. Дўстининг отаси бу мавзуда оғиз очмаганига суюнди.

– Жўрамни бир кўрай деб келдим, – деди Аҳмар бир тишлам нонни чайнар экан. – Меҳр-оқибат узилмасин дейман-да, ака.

Мезбон боши билан тасдиқлади. Гапирсаям Аҳмарнинг юзига қарамасликка тиришарди. Шу пайт трактор овози эшитилди.

– Келди, – деди ота мамнун бўлиб.

Аҳмар ошнаси билан қучоқлашиб кўришди. Келин патнисда уч коса қайнатма шўрва келтирган эди, чол юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди.

– Мен у ёқда кампирим билан ичаман. Сизлар эса бемалол гурунглашиб ўтираверинглар.

Айни муддао эди. Овқат ичаётганларида ҳўриллашдан бошқа барча шовқин бир лаҳза тинди. Ёгли шўрва дўрдоқ лабларни ёққа бўктирганча оғиз деб аталмиш жонли горга сўрилиб кирар ва ҳалқумдан сўлакка аралашиб одамнинг тўлмас тубига тушиб кетарди. Шу пайт Аҳмарнинг қулоқлари ҳовлидан келган товушни илғаб қолди:

– Жувонмарг булгур, сенга айтмабмидим молхонага энди яқинлашма деб!..

Чеҳранинг акаси ўрнидан туриб деразадан мўралади. Кейин кулганча қайтиб ўтирди.

– Энам қизиқ-да! Синглимни уришиб ётибди.

– Нега? – деди Аҳмар шунчаки.

– Молларга қарама дейди... Боя сенга Чехра дарвоза очдимми?

– Танимадим, синглингми?

– Ҳа. Молни бошлаб семиртиради, – кулимсиради мезбон, – профессионал бун кетган. Очигини айтганда, новвосларимизни ундан бошқа ҳеч ким томдай қилолмайди.

Аҳмар ўзига хуш ёққан алланимани сизди. Лекин ишонч водийсини ҳали туман қоплаб ётарди. Милт этиб кўринган чироққа умид боглаб сўради:

– Тўй бўлганми?

– Ким? Синглимми? Йўқ... Э, нега олмаяпсан овқатдан, ол катта-катта.

Улар бошқа мавзуга чалгиган бўлишди. Бироқ Аҳмарнинг хаёли Чехрада эканлигини ака сезиб турарди.

Чойга навбат келди. Аҳмар пиёлани кўтариб, шу билан юзини яшираётгандай, деди:

– Бизнинг иш нима бўлди, жўра?

– Қишлоқда, ундан наридаям есир йўқ, – деди Чехранинг акаси. – Қирнинг этагидаги бир чўпоннинг қизи ажрашиб келган, икки боласи билан. Барибир уни олмайсан, тўғрими?

– Ишни пишитгансан деб умид қилувдим. Хотиним билан бугун-эрта ажрашмоқчи эдим-а, эсиз. Наҳотки уша тагсиз-тутсиз махлуқдан мени қутқармасанг. Аёллардан ҳам сўрадингми ўзи?

– Бу ишни аёлларсиз битириб бўладими, Аҳмар! Энамнинг ўзи бош-қош бўлди. Лекин эридан ажрашган ёки эри улган келинчак ҳеч қаерда топилмади.

– Бунақа бўлмайди-да... – Аҳмар бояги ширин туйғуси ҳам алдамчи бўлиб чиқишидан кўрқиб бошлади. – Энди нима қилсам экан?

Чехранинг акаси бош эгди. Аҳмар ундан садо чиқишини сонияма-сония кутар эди. Ахийри, мезбон хиёл қизариб:

– Умидсиз бўлма, – деди. – Энам сенга биттасини мўлжаллаган лекин гап шу ерда қолсин, мен ҳам йигитман, сен ҳам.

– Сирми бу?

– Умуман олганда... сир эмас... – деди Чехранинг акаси қийналиб. – Агар айниб қолсанг деяпман-да, жура... Кейин гапириб юрма... Бизнинг обрўйимизни уйла...

– Тушунтириб гапирсанг-чи. Сизларнинг обрўйларингни туширадиган иш қилиб аҳмоқманми?

– Энам сенга синглимни бермоқчи, – шартта қутулди-қўйди мезбон.

– Синглингни? – Аҳмар қувончни яшириш учун ўзини фидойи кўрсатиш йўлини танлади. – У турмушга чиқмаган дединг-ку! Мен эса икки марта уйланганман. Ёшим ҳам қирққа қараб кетаяпти.

– Чехра сендан бор-йўги беш ёш кичик. Бошида бир-икки жойдан совчи келганди, бермадик. Бировида қиз узатишга тайёр эмасдик, бировининг оиласи ёқмади, хуллас, синглим ўттизни қоралаб қўйди. Лекин уйланмайман десанг гап шу ерда қолсин, – такрорлади мезбон. – Жўрасининг хотинини ажраштириб, сингисини уртага тиқибди, дейди оғзи ёмонлар, биласан-ку ўзинг.

Аҳмар учинчи гал ҳам пешонасига қиз ёзилганидан ўзида йуқ хурсанд эди. Қолаверса, биринчи бор дидига мос хотин топилди ҳисоб. Мол-ҳолга яхши қарайди, ота-онаси бой, ўзиям насрдор хотин чиқса ажабмас.

– Мен нима дейман? – Аҳмар отини қамчилади. – Синглинг рози бўлса бас... Рози бўлмаса, аксинча, менинг обрўйим бир пул бўлмасин.

– Бу ёгини энамга қўйиб бер, – деди мезбон Аҳмарнинг пиёласини олиб.

– Хуп, сизлар нима десаларинг шу.

Аҳмар кетмоқчи бўлганида, дўсти деди:

– Яна ўн минут қол, энамнинг сенда гапи бор, мен эса ўтинга кетишим керак, анча одам трактор қараб ўтирибди.

Ноилож хонада ёлғиз қолди. Тракторнинг овози кўча томонга сингиб кетганида, эшик очилиб, Чехранинг онаси кириб келди.

– Ассалому алайкум – Аҳмар шошиб салом берди.

– Яхшимисан, болам? – сурашди булажак қайнона.

Булар ичмаганмикан, чекмаганмикан деб дастурхонга зимдан қараб қўйди.

– Ҳаммасини эшитдим, – деди аёл, – уттан ҳафта улим гапириб берди. Бизам энди савоб иш қилайлик деяпмиз. Лекин иложи бўлса хотининг билан ажрашма... – синовчан боқди дўстнинг онаси. – Балки болали бўп кетарсан.

– Йўқ, уни деб знам ўлди, у... касал, қисқаси, болали бўлолмайди, дўхтирларгаям кўрсатганмиз.

– Майли, майли, ўзинг биласан, – деди аёл. – Бахтингни излаётганингни эшитиб, ўзимизнинг Чехрани берсакми деб ўйлаб қолдик. У тирикчиликдан қочмайди, тани-жони соғ.

“Бунинг устига эр кўрмаган, – деди Аҳмарнинг ички овози, – ота-онаси бой, акаларининг тракторлари хизматимда, бой эрга бой хотин!”

– Қариндошларингта бугун айтиб кўр, маслаҳатлаш, – деди аёл, – бизнинг қаршиликимиз йўқ, уларам бир нима десин.

“Нима ҳам дерди? Мен билан ҳеч қайсининг иши йўқ, – деди яна ички овози. – Ўзимга хон, ўзимга бекман”.

Одамзод фақатгина маънавият аталмиш жавоҳирдан жудо бўлгандагина ўзига хон, ўзига бек бўлишини Аҳмар англаб етиши учун бу дашт урмонга айланиши керак эди. Сўнги янтоқ шамолда баттар хунук кўринган бефайз кун бўлди.

\* \* \*

Бу кун Зебигулга оғир келди. Эри уйга қовоғи солиқ қайтган бўлса-да, бир ишни дўндирганини, аслида хурсанд эканлигини пайқади, юраги увишиб кайфияти тушгандан тушаверди. Ҳаётда одамни хурсанд қиладиган сабаблар шу қадар кўпки, бахтиқаро хотин эрининг ичидагини қаёқданам билсин. То ўзи ёрилмагунча нималигига ақли етмади.

– Зеби, – деди Аҳмар кечки овқатдан кейин хотинини учоқбошидан ахтариб топаркан, – шу юриш билан умрни ўтказмоқчимисан?

– Пешонада бори, – товоқ ювишда давом этди Зебигул.

– Менга қара, уриш-жанжал қилиб ўтирмайлик, тинчгина ажрашайлик...

Зебигул ҳаммасини тушунди. “Ниҳоят, хотин топибди-да”, деди ичида.

– Уриш-жанжал қилмаймиз, қўрқманг, – зарда билан юваверди у.

– Гапиргани ҳам қўймайсан-а?!

– Гапираверинг.

– Гапираверинг эмиш! Уйдан кетасан! Тамом!

– Зебигул бир муддат тўхтади, аммо коса-товоқ ювишдан яна давом этди.

– Тогангникига кетасан. Ўзим мошин гаплашиб бераман, эшигининг олдигача ташлаб қўяди.

– Қайтиб борганимдан кўра ўлганим яхши.

– Менга қара! – Аҳмар товоқни юлиб олди. – Битта гапга келишиб олайлик.

Зебигул урнидан секин турди. Оёғи остида ер, боши устида осмон бор эди ва шу оралиқда Аҳмардан бошқа ҳеч кимни кўрмаётганди.

– Қайси гапга? – мунгайди у.

– Сени урмайман, сўкмайман, индамай кетасан, – товоқни силтади Аҳмар. – Мен уйланмоқчиман! Бошқа хотин оляпман, эшитдингми, бошқа хотин! Ахир, мен ҳам тўй қилишим керак боламга! Мени акаларимнинг фарзандлари эмас, ўзимнинг ўғилларим кўмсин дейман! Сени деб бефарзанд ўтмайман, тушундингми?!

Зебигулнинг кўзига милт-милт ёш келди. Аҳмар кўз ёшини кўргач, хотинини ургудай силтаб ташлади.

– Нега йиглайсан?! Бўлмаса айт, нима қилай? Шунча нарсамни кимга ташлаб кетаман? Ким мени ота дейди? Шармандам чиқиб бола асраб олайми? Агар бепошт бўлганимда асраб ҳам олардим, ҳеч ким

кулмасди!.. Лекин сени деб бeфapзaндa ўтсам, энам ҳам қабрида тик туради!..

– Улган одамни қўшманг, майли, розиман, – деди Зебигул.

– Қачон кетасан? – сўради Аҳмар.

– Кетаман, демадим, уйланишингизга розиман.

– Ие, калланг жойидами! Сен шу ерда юрсанг...

Йўқ, гап битта! Кетасан!

Зебигул бошини эгиб тураверди. У қайнонасининг вафот этганига мана энди астойдил аза тутиб йиглади. Эҳ, ҳаёт бўлганида хизматини қилиш баҳонасида шу уйда қоларди. Ялиниб-ёлворса аёл аёлни тушунарди, Аҳмарга эса гапиришдан фойда йўқ. Кўзлари айтиб турибди.

– Эртага мошин гаплашаман, – тўнгиллаб, уйга кириб кетди эр.

Зебигул товоқни лойга беланган ҳолда топди. Ич-ичидан рашки тошиб келаркан, аламини забонсиз идиш-товоқларга сочди: жон-жаҳди билан ишқаб юва бошлади. Эртақлардагидек биронтасидан жин чиқиб қолгандами, албатта фарзанд тиларди.

Сунгра ҳамма ишини чала ташлаганча учоқдаги чўққа тикилиб узоқ ўтирди. Рашк тўфони тиниб қолгани ва кўз ўнгида бепоён ёлғизлик ҳувиллаб ётарди.

– Қаерга бораман? – сўради узидан. – Пешонам бунча шўр бўлмаса?! Одамлар туққиз ойга қолмай болали бун кетишади, менга нима жин урди? Ё ота-онамга теккан қарғишнинг касофатимикан бу? Наҳотки етти пуштимизни қўшиб қаргаган уша мулла... Бузим?

Зебигул жийдазор ичидаги кулбани, тиловат қилаётган сирли эркакни эслади. “Ўзиниям қарғиш урибди-ку, – деди хаёлан. – Мана, йигирма йилдирки, моховга ухшаб якка-ёлғиз яшайпти. Кўрган кун қурсин. Ўлиб қолса ким кўмади? Ким ҳолидан хабар оларди? Кулбасида чириб битади ҳали”.

Ота-онаси Зебигулга бурунги хаёлларидагиданда чиройли, ёқимли, истарали кўринди. Улар неки

гуноҳ қилган бўлса, аллақачон жазосини олишган, кечирилган, ҳозир нурга йўғрилиб аллақердан кузатиб туришарди. Сен ҳам азобланасан, сунг биз каби кечириласан, бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ, қарагин, азоб бир мерос, дейишаётгандай эди.

– Эри бошқа хотин олибди, бу бояқишни ҳайдаб юборибди, деб биринчи навбатда тоғамнинг хотини гапиради, – Зебигул ўзига ўзи сўзлади. – Гапирмагандаям қандай шармандалик! Бунгаям қарғиш тегибди, дейди одамлар... Нега бахтим очилмади-я!.. Ё ростданам ўзимни ўлдирсаммикан? Қазноқда анчадан бери битта канистр турибди, бензин сасигандай бўлувди... Йўқ, ўзимни ўлдирсам кимга фойда?! Ўзимни ўлдиришим — қарғиш.

Чўғ эса сўниб борарди. Зебигул тўсатдан бир нима кашф этгандай бўлди: «Чўғ қувватини ўтаб бўлгани боис сўнади, қарғиш теккани учунмас; менга ҳам ҳеч қандай қарғиш тегмаган, балки ҳаракат қилсам қачонлардир бахтли буларман...»

Эрталаб Аҳмар уни ҳовли-жой тозалаётган ҳолда кўрди. Бундан “тўйингизга тайёрланаяпман” деган маъно зоҳир бўлиб, жон-пони чиқиб кетди.

– Энди тегма супургига! – бақирди у. – Кеча ўйин учун айтганим йўқ! Кетасан дедимми кетасан! Тоғанникига сигмасанг, ана, катта кўча! Қишлоққа сигмасанг, шаҳар кўп. Борсанг эр ҳам топилади. Фоҳишалик қилсанг ҳам ишим йўқ. Бугундан бошлаб бу ерда яшамайсан!

– Тўйгача молларингизга ким қарайди? – деди Зебигул. – Ким овқатингизни қилиб беради? Ҳеч ким сизга қайишмаслигини биламан. Кейин билиб қўйинг, мен бузуқчилик қилмайман. Эркакка ярашмайдиган гап айтманг, уят эмасми!

– Ўлиб кетмайсанми! – Аҳмар шундан бўлак ҳеч нима деёлмади.

Зебигул юмушида давом этди. Супургининг шипиллаши қулоғига “яхшиямки талоқ айтмади” деб шивирлагандай бўлди. Бироқ ҳафта охирида тўйга тадорик ваҳима билан тезлашди. Аҳмар бир талай

қўйини, ҳали етилмаган новвосни бозорга олиб чиқди. Ола новвоснинг кунлик емини кўпайтирди, тўйга сўяман деган-да.

Опалар келди, акалар нос отиб, эснаб ўтиришди. Зебигул уларнинг олдига чой ташиб турди, лекин ўтирмади. Меҳмонлар ҳам ўтир демади, ўқрайиб-ўқрайиб қарашди.

Бир гал эшик тагида беихтиёр кичик қайнопанинг гапини эшитиб қолди:

– Аҳмар, айтганларинг тўғри, лекин Зеби кетмайман деса уриб кеткизасанми? Унинг ҳам ҳурматини қил, иложини топ.

– Кетади, – деди Аҳмар.

– Яшайверсин уям. Ота-бовамизнинг замонида икки хотинлилик айб бўлмаган. Ҳозир ҳам икки хотинлилар бор.

– Икки хотинлилар бор? Гапимни келтирманг, опа!..

Келин томон тўйга таппа-тахт эди. Бир куни туш чоғи кичик қайнопа келди.

– Уч кун қолди, Зеби, бизникига бориб турақол, – деди у. – Тагин Аҳмар талоқ айтиб юбормасин.

Бир парча меҳр Зебигулни эритиб юборди.

– Кетаман, опа, – деб кўз ёш қилди.

– Қаерга кетасан? – аччиқланди қайнопа.

– Бошим оққан томонга.

– Ҳозир ёмон кўп. Биронта ёмоннинг қулига тушсанг, шарманда бўласан. Менгаям гап тегади, келини бузилиб кетибди деса!..

– Кетмасам-чи, – Зебигул умид билан кўзларини пирпиратди.

– Аҳмарни биласан-ку, еб қўяди сени. Қўй, тинчгина бизникида яшаб тур, болаларга қарайсан.

– Кейин-чи? Сизникида туравераманми?

– Барибир борадиган жойинг йўқ. Аҳмарга инсоф кириб қолса қайтиб келасан бу ерга. Балки янги хотини унинг феълига чидалмай кетиб қолар, қаёқдан биламиз келажақни.

Зебигул алмаштириб кийишга бор-йўғи битта ортиқча кўйлак билан чиқиб кетди. Унинг кўрпа-



тушаги, кийимлари, ҳатто пайпоқлари ҳам шкафу сандиқларда қолди.

Чеҳранинг тўйи тўрт йил аввалги тўйдан анча қизиди. Аҳмарнинг ташаббусими ё Чеҳранинг акасиникими, армиядош ўртоқлардан ҳам иккитаси келди. Буткул маст бўлиб қолгани важдан ўша куни куёв чимилдиққа киролмади. Биров у деди, биров бу, энг кўп тарқалган гап Зебигулнинг кўрпа-тушагию кийим-кечаги ҳақидагиси эди. Келин билан келганлар сепни ёйиш учун уйга кириб анг-танг бўлди-қолди: гўё аввалги хотин сигир соғишга чиққандек бирон нарсага тегинилмаганди.

– Чеҳранинг шўри курсин, хотини кеп қолса нима қилади энди? – пичирлашди қуда хотинлар.

– Чеҳраям анойимас, кўрасиз, эрини минади ҳали! Кундошга йўл қўядими!

Биринчи кеча Зебигул уйқу нима, билмади. Кўрпани бошидан ошириб ёпди, ўликка ёпилган мато эди у. Қани кўзи юмилса. Ўзида бу қадар рашк, эрини қизганиш борлигини, азобларига чидаб булмаслигини тасаввур қилмаганди.

Эрталаб қайнопа чимилдиқ олишга кетди, тушдан сўнг асабийлашиб қайтди.

-Ичиб олиб, опхонада ухлаб қопти, алкаш! - деди у Чеҳрага эшиттириб. - Борсам бош оғриқ қип ўтирибди. Чимилдиқда келинчак кутаётганда испиртга бало борми?!

Зебигул ич-ичидан қувониб, ичкари кирди. Бузимнинг қироати қулоғи тагида жаранглаб кетди. Мулла мени чин дилдан ўқиди, голиб бўлишим аниқ деб умидвор бўлди у. Бироқ бу умидворлик узоққа чўзилмади. Эртасига кимдир қайнопага тунги воқеанинг дарагини етказди: келинни кечаси туман касалхонасига олиб боришга тўғри келибди, бироз қон йўқотганмиш.

Йигирма-ўттиз кун Зебигулнинг юрагини кесиб-кесиб, тилиб-тилиб ўтди. Ҳар бир тун пичоқлари қайралган сон-саноқсиз босқинчи эди. Зебигул

ҳаммасидан омон қолди. Биргина юпанч — эрининг асал ойи ниҳоясига етиши эди. Энди у билан учрашишни ўйлай бошлади. "Қандай кўринаман, қандай қарайман кўзига?" — деб сўрарди ўзидан. Аҳмарни бир кун ҳам бегона санамади бечора.

— Қийналяпсанми, Зеби? — деди қайнопаси. — Сенга осон эмас, тушунаман.

— Хотин кишининг қўлидан нимаям келарди. Икки хотинли эрлар кўп-ку. Лекин ҳеч қачон икки эрли хотин бўлмайди.

— Эркак ҳамма нарсага чидасаям, хотинининг яна бир эри борлигига чидолмайди-да. Аҳмар ҳам тоза рашкчи, ҳеч сезганмисан?

— Билмасам.

— У сени Соримтепадаги Бузим тентақдан рашк қилганини эшитувдим, ҳайрон бўлдим, кейин... — айёрона кулимсиради қайнопа. — Зеби, тўгрисини айт, даладан қайтаётганинда у сени қувганми?..

— Мени Бузимдан рашк қилган?! — Кутилмаган гапдан Зебигулнинг кўзлари чақнади. — Биринчи эшитишим бунини... Ёлгон...

Нега ёлгон бўлади? — айёрона кулимсирашини қўймасди қайнопа. — Бу бор гап-ку.

Зебигулнинг ранги оқарди. Эрининг совиб кетишига бир фитна ҳам сабаб эканини тушунди.

— Мени у қувмаган. Тухмат, опа!

— Қувганми, йўқми, анигини сўрадим сендан, Зеби. "Бор гап" деб Аҳмарнинг рашк қилганини айтяпман.

— Менга бирон марта бу ҳақда гапирмаган, — деди Зебигул бошини ҳам қилиб.

Хаёли Бузим томон учди. "У мени таниган... — деди ичида. — Демак, изимдан тушгани рост экан-да! Сезгандим-а!.. Лекин мени кузатиб юргандан нима фойда? Ё отам қилган жиноят учун ҳалиям ўч олиб тўймадимми? Бахтиқаро эканимни ўз кўзи билан кўрди-ку... Воҳ!.." Зебигул кўнглидан ўтган даҳшатли ўйдан тахтадай қотди: Бузим севиб қолган бўлса-чи?! Ахир, севгилисига эришолмади. Бир умрлик армон

баъзан бошқа бир орзуларни — кирлаган орзуларни етаклаб келиши мумкин.

Бироқ шу заҳоти фикрнинг ишончсизлигини тан олди. Бузим ростдан ўша Баҳодирхон мулла бўлса, мажруҳ қилингани важдан уйланомайди. Шундай экан, ўзини шарманда қилиб ёш келиннинг кетидан чопишидан не маъни?

Лекин уйланиш истагисиз ҳам муҳаббат уйғониши мумкин-ку, Зебигулнинг бадани жимирлаб кетди. Бузим гўёки жирканч калтакесак эди, ота-онасининг бахтига зомин бўлган бадбашара махлуқ.

– Гап бекорга чиқмайди, – деди қайнопа.

– Тўғри, қўшни хотинлар бир куни мендан сурагандай бўлувдилар. Эркаклар уч-тўрт марта кечқурунлари изимдан келаётган галати бир одамни кўрган эканлар. Тутзоргача келиб, кейин йўқолиб қолганмиш. Кўчадан юрганимда биров чақирмаса орқамга қарамайман. Ким билибди, биронтаси тасодифан мен билан олдинма-кетин уйига қайтгандир. Ўша одамнинг Соримтепадаги Бузим эканлигини айтишгач, бўлмагур мишмиш болалаганини тушунгандим. У биз томонларда нима қилади? Мулла одам бўлса...

– Укам нега ўзингдан сурамаган?

Зебигул ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди:

– Опа, энам ўлгандан кейин биз бегонадай бўлиб қолгандик, битта хонада ётмасдик, гаплашмасдик.

Зебигулнинг сабр-тоқати ўз умрини еб битирган эди. У охирги икки кеча мижжа қоқмади.

– Нима, мазанг йўқми? – қўрқиб кетди қайинопаси. “Ўлиб қолса мен кумаманми?” деган уй яшиндай чақнади.

– Яхшиман... Уйга кетсам деяпман... – Ерга қаради Зебигул.

– Бизникигами? Аҳмарнинг олдига?..

– Ҳа.

– Аввал ўзим тушунтириб келишим керак.

– Гапингизни олмайди, биламан. Опа, бирга борсак дегандим, – илтижоли нигоҳ ташлади Зебигул.

Қайнопа уф тортди. Зебигулни деб ортиқча бошоғриқ орттириб олганини энди тушунди.

– Опаси аввалги келинни эргаштириб келиб жанжалга сабабчи бўлибди, деган гапга қоламан шекилли. Ундан кўра ўзинг бор, Зеби.

Зебигул олдида енгиб бўлмас туйгулар тўсиғи турганлигини кўрди. Лекин ўтиравериш ҳам мумкин эмасди. Ахийри таваккал қилиб Қорқишлоққа жўнади. Баҳор беармон безаган дунёнинг фақат шу нуқтаси қорайиб кўринарди. Қоралик нима эканлигини ҳеч ким тузукроқ айтиб беролмаган. Кимлардир кўчаларга қорамтир тош ётқизилганидан, кимлардир буготлардаги ёғочлар қорайиб кетганидан дейди. Зебигул эса қисматига йўяди. У келин бўлиб тушиб, қора кунларни кўриш учун қишлоқ номи азадан Қорақишлоқ деб аталган эди.

Учраган киши ажабланиб кузатиб қолаётгани Зебигулнинг бир чимдим журъатига ҳам гўр қазиди. Ҳеч кимнинг унга далда бергиси йўқ эди. “Ҳой, эрнинг уйида сенинг ҳам ҳаққинг бор, – демасди биров, – кет деса индамай кетаверасанми? Ажрашмоқчи бўлса сенга уй олиб берсин, қонуний ажрашсин. Иккинчи, э-э, учинчи хотинга никоҳ ўқитиб, тўй қилиб яшаётгани билан “ЗАГС”дан ўтмаган, сен ҳозирча қонуний хотинисан. Бундай пайтда бир четда ётган қонунни чақир, у оч итдай югуриб келмаса бизни айт!..”

Уйи кўринганда Зебигулнинг юраги қафасдаги қушдай типирчилаб қолди. Во ажаб, уй чинни мисоли ярақлаб турарди. Ҳовлининг топ-тозаллигини олисдан ҳам пайқаш мумкин. Дорга осилган кийимларнинг саноғи йўқ ва ҳар бири ҳафсала билан соатлаб ювилганига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Ит ҳурди. Шу ит ҳам менга ҳурияптими, деб Зебигулнинг бағри куйиб кетди.

Йўл четига чиқишини сўраб бир машина сигнал берганида Зебигул чўчиб тушди. Шалоғи чиққан “Москвич”дагилар ҳам ажабланиб қараб ўтишди.

У ҳовлига етиб келганида анча ҳолдан тойганди. Бахтга қарши илк қадамданоқ кундоши билан тўқнаш келди. Келинчак эшак турадиган айвонни супураётган эди, одам келганини пайқаб, илкис бош кўтардию “келинг”, деди. Зебигул унинг ҳусн-малоҳатдан кейин туғилган қари қиз эканлигини, ҳатто келинлик ҳам ярашмай турганини кўриб ичидан кулимсиради.

– Мен... – деди Зебигул, аммо қолганини гапи-ролмади.

Чеҳра қаршисида ўзидан хийла ёш жувон турганлигини кўриб турар, қайси қўшнининг келини экан, нега галати қараб турибди, деб уйларди.

– Мен... уйга кирсам бўладими? – суради Зебигул ниҳоят.

– Сиз ким бўласиз? – Чеҳранинг ичи шув этиб кетди, кундоши келганини сезгилари айтиб бўлганди.

– Кимсиз?

– Зебигулман... Оиласиман...

Зебигул кўзлар жангига ўзиям, кундошиям бардош беролмаслигини англаб, уй сари таваккал юрди.

– Қўрқманг, жанжал қилишга келганим йўқ, – деди сал нарида тўхтаб. – Хўжайинимга фарзанд керак эди, уйланишига қаршилиқ қилганим йўқ, қаршиям эмасман. Тўғриси айтсам, сизниям душман санамайман, опа... Мен сизларга халақит бермайман... Аслида анча вақтдан бери у киши билан битта хонада ётмай қўйгандим... Сингил ўрнида кўрсангиз ҳам майли...

Чеҳра жойида қотди-қолди. Аламдан бўғриқиб келаётганини, чинқириб юбормаслик учун лабларини тишлаб қонатиб юборганини Зебигул кўриб чўғ устида юриб борарди. Эшикка етганида кундоши ундан узиб кетди. Эшикни шарақлатиб очиб, келинлик уйига кирди-да, ўкириб йиглаб юборди. Йиги орасида “огзингдан қонинг келсин”, “акамлар эшитса сўйиб кетади ҳали”, “эш-шаклар... итлар...” яна алламбалолар деб қарганар эди.

Зебигулнинг ҳам худди шундай гавго кўтаргиси келди. Лекин у етим эди, ҳайдалган эди, инсон ҳурмат-

иззати деган ҳуқуқларнинг анчасидан жудо этилган эди. Хонасига кириб йигига қулоқ солиб, тахмонга суянганча уйга толди. Йўқ, бу уйга толиш ҳам эмас, мияси чўлдай ҳувиллаб ётарди.

Кейин ихтиёрсиз равишда кундошининг хонасига кирди. (Эрининг кичик хотини бўлса ҳам Зебигулдан ун ёш катта эди у!) Келинчак ёстиқни ҳул қилганча эркақдай букиряпти. Қулочга сигмас елкаларидан, новвоснинг оёқларидай болдирларидан Зебигул ҳуржиб кетди. Агар ташланиб қолса борми, сочини юлиб қулига берар, гарданига мушт солиб оғзидан упкасини чиқариб юборарди.

– Қуйинг... нега йиглайсиз? – ёнига чўқди Зебигул ноилож. – Мен ҳеч нарсага даъво қилмайман... Ҳеч кимим йўқ. Борадиган жойим бўлганида кетиб қолардим... Йигламанг! Нима қилай, айтинг унда...

– Кет! Кет деяпман! Иккинчи қадам босма!

– Айланай, опажон, қаерга кетаман? – деди Зебигул зорланиб.

– Нима ишим бор?! – Чеҳра алам билан ёстиқдан бош кутарди. – Узингни етим қилиб кўрсатиб раҳмимни келтирмоқчимисан? Шарманда қилмоқчимисан? Миянгни ишлатиб, уйлаб кўр мундай!..

Зебигул тўзгиган сочлар орасидаги товоқдай юзга қараб қўрқа-писа сўради:

– Нимани уйлаб кўраман?

– Чиқ! Чиқ уйимдан! – Чеҳра жойидан сакраб туриб Зебигулни эшикка томон тортқилади. – Кундош билан яшагандан кўра бўғиб ўлдириб қамоқда чириганим минг марта яхши!

Улар гавго-тўполон билан бўсагага етдилар. Эшик ланг очиқ турар, иккисининг овози етти уй нарига эшитиларди. “Зебигул ўтиб кетувди, иккови юлишяпти, ажратиб қўяйлик” деб ҳамсоя хотинлар йиғилишиб келиб қолдилар. Уларни кўриб Чеҳра ҳайиқди шекилли, Зебигулни қўйиб юбориб, уйига кириб кетди. Хотинлар ранги мурдадай оқарган Зебигулга сув ичиришди. Воқеа тафсилотини сўраб билгач, бири Чеҳрани чақириб чиқди.

– Чеҳра келин, – деди туладан келган, шаддотгина қорача хотин, – Зеби бизга қизимиздай бўп қолган, бечоранинг сағир қолганиниям яхши биламиз, раҳмимиз келиб доим яхши гапириб юрамиз. Унинг бошига тушган кўргиликларни душманзимизгаям раво кўрмаймиз. Бечоранинг кўнгли яримталигиниям ҳисобга олиши керак-да одам деган! Ўрнида бошқа бўлганида, аксинча, сизнинг ўзингизни юмдаларди.

– Нега келади? Билади-ку! – йигламсиради Чеҳра.

– Қонуний эри! – бўш келмади хотин. – Нега келмас экан?! Унга шу ердан бошқа уй йўқ! Хотин устига хотин бўп тушаётганингизни билмасмидингиз?

– Билмасдим!

– Вой, нима бало бўлди билмай! Аҳмар ўзини буйдоқ қилиб курсатмагандир? Аввалдан танигансизлар, акангиз билан жура-ку...

– Икки марта уйланган, иккови билан ҳам ажрашган, – деганди.

– Лекин ажрашмаган! – қулини пахса қилди хотин.

– Ажрашмаганини билмайман дейсиз, нега билмас экансиз? Биласиз!

– Билмайман! – гапдан қолмади Чеҳра.

– Кўрпа-тушаги, кийим-кечаги, сандигию чойнак-пиёласи шундайлигича турибди. Ажрашмаганини тўйга келган аҳмоқ хотин ҳам бир қарашдан билди, сиз эса бир ойдан бери яшаб билмайсизми? Фақат улган хотингина ҳамма нарсасини ташлаб кетади. Келин, тагин Зебининг тарафини оляпти деманг. Икковингиз ҳам менга тенг. Ҳайла, қишлоқда икки хотиндилар нақ иккита, сизлар билан учта бўлди. Одам иложсиз қолганда бунинг айби йўқ!

– Айби бўлмаса эрингизга хотин қип опкетинг!

– Нима дедингиз, келин? Вой тавба, тилингиз заҳарлигини ҳали келмасингиздан, утириб қолганингиздан сезувдим, рост чиққанини қаранг!

Чеҳра тумшайиб олди. Нима деб гапирса гапирсинлар, ишқилиб кундошини олиб кетишса бас.

– Эрларингизнинг яна битта хотини пайдо бўлса кейин биласизлар, – деди Чехра.

– Ҳа, мана Зебигул ҳам билиб ўтирибди-ку бунинг азоблигини, – чақиб олди қўлига пес тушган хотин.

Чехра унга алам билан кўз ташлади. Сўнг яққаланиб қолганини тушунди. Энди унга Аҳмар ҳам ёвқараш қилгандай йиглаб юборди.

– У кетмаса, мен кетаман! – дея уйига кирди. Ичкаридан йиғи аралаш овози эшитилди: – Буни шундай қолдириб қўймайман! Ҳозир уйга бориб...

Аёллар бир-бирига қараб елка қисиди. Зебигул эса ҳамон улардан нажот сўраб мўлтирарди.

– Кетса кетаверсин, – деди қорача хотин, – Аҳмар даладан қайтса ўзим тушунтираман. Келганида менга айтинг, Зеби, хўшми?

Зебигул дам қўшниларига, дам эшикка қараркан, келинчак кетиб қолса ёлғиз ўзи айбдор бўлишини тушунди. Бунинг учун баджаҳл Аҳмар кечирармикан? Ахир, у Зебигулга бошқа бу ерга қадам босмасликни буюрганди.

Хотинлар секин тарқалиша бошлади. Қорача хотин деди:

– Бемалол яшайверинг, Зеби. Хоналардан биттасини эмас, иккитасини эгалланг. Хотин устига хотин бўп тушишга чидаса рози бўлсин эди. Билмабман деганини қаранг. Неча кундан бери идиш-товогингизда овқат еб ўтирибди-ку.

Зебигул нимадир демоқчи эди, тили айланмади. Бирпасдан сўнг ҳовлида ёлғиз қолди. Хотинлар ҳув нарида, йўл устида Зебигулни кўрсатиб ўзларича аланималарни гапиришган бўлди, бир қараса, уй-уйига тарқаб кетибди.

– Ув, бу ёққа ке, – имлаб чақирди Чехра.

Зебигул остона ҳатламасданоқ:

– Бундай бўлсин демагандим, опа, – деб узрхоҳ оҳангда кундошига тикилди. – Кетманг, янги келин-чаксиз... Гап-сўз бўлиб...



– Учир, писмиқ! Қилар ишни қилиб юпатма, тушундингми?!

Зебигул келинчакнинг йигидан қизарган кўзларига ҳадик аралаш ачиниш билан боқди. Савлатидан от хуркарди. Ҳойнаҳой бундай савлат ичидан камида бир шокоса кўз ёш бўлиши тайин.

– Менинг аҳволимни тушунмаяпсиз! – йиглади Зебигул.

– Аҳмар ака қайтгунча қорангни учирасан, – шарт қўйди Чехра. – Майли, истаган нарсангни олиб кет. Биронтаси керак эмас, бошимга ураманми!

– Нарсага келмаганман... – уввос тортди Зебигул. – Қаерда яшайман? Ким деган одам бўлдим? Эримнинг уйида яшолмасам... Шунча йил азоб чекканим камми? Йўқ, ҳеч қаёққа кетмайман, кетмайман...

– Чиллам чиқар-чиқмас бошимга кундошлик балосини солдинг-а! Йўқол, ҳайвон!.. Йўқол деяпман!..

Чехранинг кўёнчиги тутди. Зебигулнинг сочидан тутамлаб полга отиб урди. Кўзларидан ўт чақнаб кетди Зебигул бечоранинг.

Шу кўйи оламини зулмат қоплаб, сукунат домига гарқ бўлди.

\* \* \*

У ҳушига келганида қоронги уйда эди. Боши лўқ-лўқ этади, гўёки бир тахта устида ётибдию, тахта ҳавода чирпирак бўлиб учаётгандай.

Томоғи қақраб сув сўради. Ташқарида ит вовиллади. Нима воқеа бўлганини эслаган Зебигул сесканиб тушди: “Қаердаман? Вой ўлмасам, бу Бузимнинг кулбаси-ку! Вовиллаган ҳам унинг ити!.. Ким мени Соримтепага ташлаб кетди?..”

Эшиқда басавлат бир одам кўринди. Зебигул овози борича чинқириб бурчак томон судралиб қоча бошлади. Бироқ эркак қувмади. Бўсагада ҳайрон-ҳайрон қолганча, изига қайтиб кетди. Кечаси билан

ит бўридай улиб чиқди. Зебигул минг азобда алаҳсиб ётарди. Иситмада ёнаётганини билар, тез орада жон таслим қилсам керак, деб огзини қапа-қапа очарди. Назарида жони бўғзига тиқилиб қолган, ҳализамон қушдай учиб, самовот сари равона бўладигандай эди.

...Ит улиса эгаси ўлади, деган мақолни эслади. Сўнгра “Бузимнинг ити улиса, нега мен ўларканман?” деди. Мияси тиниқлашган кезларда уй ўзиники бўлиб туюлар, бегона хотин дидсизлик билан кўрпа-тўшак ва шкафларни қалаштириб тахлаб ташлаганини фаҳмлар, “нокаслар, мени етти боларли четдаги хонага ётқизиб қўйишибди-ку” деб туриб кетмоқчи буларди.

Афсуски, у майиб бўлган эди. Нечанчидир кун гўнғир-гўнғир овозлар эшикка ваҳм билан яқинлашиб келди. Сўнг эшик ланг очилиб, қизарган осмон кўринди.

– Зеби! – деди таниш овоз.

Зебигул саросима ичра овоз эгасига тикилди. Кўздан қолгандек шунча уринса-да, танимади.

– Зеби, нима қилди? Менга қара!.. Юроласанми?.. Зеби, туроласанми? Эшитяпсанми мени? Зеби... Зеби...

Ёнидаги хотин ҳам бир нималар деди. “Тоғамнинг хотини! – қувониб кетди Зебигул. – Буниси тоғам-ку!..”

– Тоғажон!

– Худога шукр-э... Мана, гапирди-ку!

Аҳмарнинг ҳовлисига қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар тўпланишди.

– Яримжон сағирни шунча қийнадингларми?! – оломонга газаб билан кўз югуртирди тоға. – Кучларинг шунга етдимиз? Қойил сизларга, қойил!

– Икки кундошнинг жанжалига бизнинг нима алоқамиз бор?! – деди кимдир. – Аёлларни пойлаб ўтиролмаймиз-ку!

– Шундайку-я, – истеҳзо билан кулди тоға, – аммо калласига уриб тентак қилиш, қоронги томга

қамаб, олдиға нон-сув қўйиш, ұлгандан кейин “бу хотинларнинг иши” деб кўзни лўқ қилиш керак, тўғрими? Ҳа, ростдан бу хотинлар иши! Ҳозир тўғри район касалхонасига ётқизаман, экспертиза қилдираман. Аҳмарнинг ноқонуний хотини ҳам, Аҳмарнинг ўзи ҳам қамалади. Хотинларнинг иши деб қараб ўтираверинглар!

Одамлар жимиб қолишди.

– Ҳазиллашмаяпман! Қамалиши турган гап! Кимлар урганини, кимлар қамаб қўйганини, қандай азоблашганини Зебига шахсан айтиб тураман, ёзади! Ёзгандаям шундай бошлаб ёзадики!.. Қуда хола ҳаёт эканлигида бир келганимда Зебининг оиласи бузилишини писанда қилганди. Ўшанда айтадиганимни айтганман! Зеби туғишган жияним эмас, амакиваччамнинг оиласидан қолган биттаю битта зурриё! Болалар уйига беришга ор қилиб ўзим катта қилдим. Кунимни зўрга кўрган кунларим ҳам бир бурда нонимни қизганмадим, миннат қилмадим! Лекин энди уни уйга қайтиб олиб кетмайман. Бунга шароитим ҳам йўқ, иккинчи марта эрга беришни истамайман ҳам. Келин сизларники, менинг бошимни қотирманглар, деганман. Бу устига хотин олинглар, калласига уриб тентак қилинглари деганимас. Бир тола сочи сабабсиз юлинса қўймайман. Вазирликкача борсам бораман, ҳақини айирмасдан тинчимайман.

Зебигул унсиз йигларди. “Менга нима” дегандай қўл силтаб кетган одам бугун Қорақишлоқни Зеби учун зир титратиб турарди. “Меҳрибоним тоғажоним!” дея Зебигул унинг оёғи остига ўзини отмоққа тайёр эди.

Уларни машина олдидан қайтариб келишди. Кимдир қишлоқ дўхтирини чақириб келган эди, Зебигулни текширди.

– Ҳеч нарса қилмаган, ваҳиманинг нима кераги бор, – деди у. – Мия чайқалганда бунақа юролмасди, ҳозир дори ёзиб бераман, опкеп берасизлар...

Қоронги тушиши билан ёмғир ёға бошлади. Зебигул эрини, Чеҳранинг акасини, ҳатто Чеҳранинг

Ўзини ҳам кўрди. Чехранинг акаси сингиси номидан кечирим сўраган эди, оғзидан чиққан ароқ ҳиди бутун хонани тутди. Ярим тунга яқин тога ҳам кирди. Алалхусус, у ҳам анча-мунча ичган эди.

– Ҳамманг чиқиб тур, жиян билан ёлғиз гаплашаман, – деди тога.

Шу одам борлиги учун Зебигул еттинчи осмонда ҳис қилди ўзини.

– Бугундан бошлаб уйнинг ярими сеники, – қўлини шипга бигиз қилди у. – Биронтаси гинг деса судга бериб, қаматиб юбораман. Анави кундошингга кўпроқ тааллуқли бу! Урса индама, сўкса индама, секингина менга хабар етказ, қиёматни кўрасан. Айтгандай ажрашаман деса, ариза ёзма. Буниям менга етказ! Талоқ айтса, талогининг ҳақини ун баравар қилиб ўзига тўлатаман. Энг қиммат нарҳдаги муллани олиб келиб никоҳни қайтадан ўқитаман. Бизнинг ютугимиз, Зеби, у сен билан қонуний ажрашмасдан уйлангани. Улар қопқонда. Қўлларидан тиррақи бузовнинг иши ҳам келмайди. Ёмонликка олсам уйнинг ярми, мол-қўйининг ярми, гектарининг ярми кетади. Лекин бизга нима керак? Шу ерда яшаб юрганинг яхши. Чинимни айтсам, жияним, анави хотини бадбашара экан. Бир-икки ойда Аҳмарнинг кўнгли айнимаса отимни бошқа қўяман. Кафолат бераман, Зеби!.. Хўп, яхши қол. Қўшнилариинг сени оғир ётибди, деб хабар етказишди, ҳамсоянинг мошинини “заказ” қилиб, янганг билан ўқдай учиб келдик. Энди тез-тез келиб турамиз... Омон бул, Зебигул...

Тоғанинг хотини хайр-хўш қилишга кирди.

– Зеби, мабодо бўйингда йўқми? – шивирлаб сўради у.

– Йўқ, лекин тушларимга бир қизча киряпти, “мен яқинда келаман” дейди, кутар эмишман... Кейин фақат совуқ кўнларни, мозорларни кўраман...

Зебигулнинг кўзлари олайиб, қўрқувдан титраб гапирди. Унинг ҳар лаб қимирлашида одамни сес-кантирадиган ниманингдир саси эшитиларди. Янга

бош қимирлатиб, далда бергандай бўлди-да, бемордан узоқлашди.

Апрель ойининг охирларида Зебигул бутунлай соғайиб кетди. Аҳмар ва Чеҳра кўрарга кўзлари йўқлигини яшириб ўтирмас, иргангандек ўзларини четга олишар, аммо ботиниб бир сўз айтолмас эдилар. Бегоналикнинг сўнги чизиқларидан ҳам нарига суриб тапланган Зебигулга ҳаётнинг маънисини йўқдай эди. Ҳарҳолда эр уйида эканлиги, кўчада қолмагани унга бирмунча таскин бериб турарди. Нима қилсин, Аҳмарнинг уйидан булак шапалоқдай бошпанаси бўлмаса. Тоғасининг гапини ҳам ҳар куни бир эслаб оларди. Чеҳра ҳақиқатан хунук, қўпол хотин эди. Кўпчилик қизлар эрга тегиб чиройи очилиб қолади, бу эса...

Одамда ўзи билмайдиган интилишлар ҳам бош кўтариб қоларкан. Зебигул “менга бас келиб бўлсан” деб уй юмушларини Чеҳрадан ошириб бажара бошлади. Кўзгу олдида ўтириб ўзига оро бераркан, ҳуснига ҳусн қўшилиб бораётганидан суюнади. Аҳмар келинчак уйига ошкора голиблик билан кириб кетгувчи эди. Энди у худди биров мажбурлагандай бошини эгиб, судралиб ўтарди остонадан.

Бир куни Зебигул Аҳмардан пул сўради.

– Нима қиласан? – юзига қараёлмади эри.

– Кўчада савдогар қараб турибди, кўйлақлик мато оламан.

– Кўйлақларинг кўп-ку.

– Бўпти, ҳозир ҳамсоядан қарз сўрайман, эртага эрим беради дейман.

Аҳмар сўкинганча пул чиқариб берди. Тикувчиникидан қайтган куни Чеҳра Аҳмарнинг бошида ёнгоқ чақди. Зебигул хонасида магнитофон эшитиб ўтирганди, бир зум овозини пасайтириб жанжалга қулоқ солди, мийигида кулиб қўйди.

Бу енгсиз, ҳилпиракли, орқа-олди хийла очиқ бежирим кўйлақ эди. Ҳатто Чеҳранинг ҳам оғзи очилиб қолди. Ҳафта ўтмай у ҳам кўйлақ тиктирди.

Зебигулникидан уч баравар қиммат матодан тикилган эса-да, эгасига ярашмагани яққол сезилар эди. Зебигул кулиб юборишдан зўрга ўзини тийди. Турмушнинг унлаб кучаларида Зебигулнинг зафар қозонаётган орзулари байрам қилиб ётарди.

Зебигулга эркаклар зимдан қараб қўяётганини Аҳмар сезиб тишини тишига босар, гинг деёлмаганидан ўзини ўзи сўкарди. Кунларнинг бирида чидаёлмай:

– Ув, охирги пайтларда юришинг ёқмаяпти, эрсираб қолган бўлсанг, судга арз қилиб ажраш, бошқасини топиб оласан, – деди.

– Менга бошқа эр керакмас, – жавоб қилди Зебигул. – Бу уйга сизни деб келганман, кўз очиб кўрганим ҳам сизсиз. Эрсираб қолиш ҳақида яна огиз очяпсиз-а! Хиёнатчи булганимда уйланганингизданоқ кетиб қолардим сизга аччиқ қилиб! – Кейин шундай деб қўшиб қўйди: – Болта билан чопиб ташласа ҳам бошқа эркакнинг қўйнига кирмайман.

Қатъиян айтилган гапдан Аҳмар томирларида илиқлик уйгонганини туйди. Бироқ бундан кўрқиб кетди. Уруг-аймоғи ярим мингдан зиёд бўлган учинчи хотини ундан кўз узмай турарди.

Истаса-истамаса Аҳмар ўша кундан бошлаб Зебигулнинг ётоғига кириш ҳақида уйлайдиган бўлиб қолди. Икки хотин билан ҳам тенг яшайверсаммикан, деб Чеҳрага гапнинг учини чиқарганди, яна жанжал қўлди.

– Тушунмадим, жиддий гапиряпсизми? – деди Чеҳра бўздай оқариб. – Мен... қачон унинг қўйнидан чиқаркан, деб кутиб ётаманми?.. Ё тонггача ўша қанжиқнинг хонасида қоласизми?! Кейин... эрталаб чойингизни қип бераман-а? Балки чойниям у билан бирга ичишга қарор қиларсиз?

Чеҳра жирканч нарсани эслагандай афтини бужмайтирди. Сўнгра ваҳшат билан эрига қайтадан заҳар соча бошлади:

– Ўзи эркакмисиз?! Гапингизда турасизми, йўқми? Менга уйланаётганингизда эшакнинг калласидай ваъдалар берувдингиз! Қани ажрашганингиз?! Қа-

ни? Қани?! Ҳаммаси ёлгон бўл чиқди! “ЗАГС”дан утайлик деганимда, “шошмай тур, ҳозир мавриди эмас, ҳужжатларим чала” десангиз чишша-чин ишонибман!..

– Ростдан ҳужжатларим чала эди, – мингиллади Аҳмар.

– Ўзингиз чаласиз!.. – бақирди Чеҳра. – Чала эркак! Чала!.. Чала... Ахир, мен сизга — аввал икки марта уйланган эркакка — қиз бола ҳолимда тегдим. Бахтли қилай дедим, ҳурматимни билади дедим... Энамлар, отамлар, акамлар ҳам сизни ўйлади, эски танишлигингиз ҳурмати... Сиз эса нима қилдингиз? Битта етимчани уйдан кеткизишнинг, суд билан гаплашиб, ажратиб юборишнинг иложини қилолмаяпсиз. Агар бизнинг оила ҳурматингизни қилмаганида мени ҳеч қачон сизга беришмасди, эрсиз қолиб қари қиз бўлиб ўлиб кетганимдаям...

– Чеҳра, ўзингни бос. Секинроқ.

– Керак бўлса кўчага чиқиб бақираман!

– Лекин уни мен эмас, ўзинг урдинг-ку, Чеҳра. Агар салгина эҳтиёткор бўлганимда аллақачон ҳайдаб юборардим. Энди эса икковимиз ҳам судга тушиб қолишимиз мумкин. Давлат молимнинг ярмини унга олиб беради...

– Мол кетса кетсин.

– Қизиқмисан, молдан олдин сен кетасан. Тога-сининг нима дегани эсингдан чиқдимми?

– Кимни молга тенглаштиряпсиз? А?!

Чеҳра эрининг устига бостириб борди. Аҳмар унинг қўл кўтариш шашти борлигини сезди. Агар хотини тармашса, сўколмаслигини, уролмаслигини ҳам тушунарди. Зебигулнинг олдида бундан ортиқ шармандаси чиқиши мумкинми?

– Чеҳра, илтимос, тўғри тушун. Зебигул гапларимиз-ни эштитяпти, устимиздан кулади, шарманда бўламиз.

– Э-э, отасининг гўрига куладими! Қачон уям ота-энасига ўхшаб ўлибгина кетаркан? Қачон ундан қутуларканман?.. Ўзи бу уйга келиб жанжалдан бошқа нима топдим-а?! Қачон қарасам гурбат, қачон қарасам ёлгон-яшиқ ваъдалар!..

Аҳмарнинг дилига бир гап келди: “Сенга уйланишдан мақсад фарзанд кўриш эди, афсуски, сен ҳам бепушт кўринасан, гапга қилишинг ортиқча!” Бироқ тилига чиқмади. Узини-ўзи бир сония четдан кўргандай бўлди. Ношукур, шошқалоқ, калтабин кимса! Энди учинчи хотинидан ҳам кир ахтарадими? Зебигул билан тинчгина яшаса буларкан. Аттанг, ўтмиш ўлган, уни тириштириб бўлмаса.

– Бундан кейин унга гапирмайсиз, – деди Чехра. – Агар гаплашганингизни кўрсам кетаман.

Аҳмар тескари қараб ўтириб олди.

– Кетсанг уни хурсанд қиласан-да, – деди тегишиб.

– Битта туғиб олай, қандай “хурсанд” булишини кейин кўраман! Шўртумшуқ! Қисир!..

Аҳмар афсус-ла бош чайқаб қўйди. Бу Чехрани кескин танқид қилиши эди, яхшиямки учинчи хотин кўрмади, акс ҳолда жанжал янада чўзиларди.

Ўша ҳафтанинг охирида Чехранинг холаси неварасини хатна қилдирадиган бўлди. Қўни-қўшни, қариндош-уруғларни чақирди. Аксига олиб Аҳмар даласига мардикор солиб қўйганди, боролмаслигини айтди.

– Нега бормас экансиз, борасиз, – деди Чехра.

– Ишчиларга ким қарайди? Ким уларга ишни кўрсатиб туради?

– Эй, ана, Зеби бор, бир кун қараса ҳеч ким зўрлаб қўймайди, қиз бола эмас, борсин далага юраги ёрилмай.

– Унинг-ку юраги ёрилмайди, ёлғиз ўзи далага бориб юрган хотин. Лекин у ишчиларга қандай раҳбарлик қилади? Холангнинг қизи ўглига катта тўй қилар ахир, ушанда бораман, кичик чупронга боришим шартми?

– Шарт!

Аҳмар нима қиларини билмай ахйри депсинишга мажбур бўлди.

– Ўв, учир! Еб қўйдинг-ку “холамнинг қизи, холамнинг қизи” деб! Холангнинг қизининг боласидан



бошқа ишим йўқми? Борсанг ўзинг бор, бўлмаса клей тушаб ўтир ҳар кунги жойингда!

Чеҳра вазият тескари авж олиб бораётганидан қўрқиб кетди, аммо булар Аҳмарнинг далага астойдил жон куйдиришидан деб билди. Мардикорларни тўплагунча жони бўгзига тиқилганидан бохабар эди албатта.

– Хўп, – деди бироздан сўнг ичкаридан кийимларини алмаштириб чиқаркан, – вақтингиз йўқлигини ҳисобга оламан. Лекин бундан кейин холамларнинг туғилган кунлариниям қанда қилмайсиз, келишдикми?

– Келишдик, – Аҳмар гижиниб сўзлади. – Бундан кейин тўй, туғилган кун, жаноза — биронтасини қолдирмайман.

– Қанақа жаноза?! – Чеҳранинг лаби гезарди. – Кимнинг жанозаси? А? Сиздан сўраяпман!

– Тавба, қариндошларинг минг йил яшамайди-ку. Менинг ҳам қариндошларим иссиқ жон. Икки томонда ҳам эртами-кечми барибир одам ўлади. Шунга айтаман-да.

Чеҳра яна ул-булини олишга ичкари кириб, ярим соатча тўнгиллади, қарғанди. Бир пайт йўлга шай бўлиб чиқди-да, деди:

– Холамнинг уйи қаердалигини биласизми?

– Билсам худо урсин.

– Кесатманг, йўл узоқ, келолмай қолишим мумкин.

– Анигини айт, кечқурун хавотир олиб ўтирмай.

– Эртага эрталаб йўлга чиқаман. Сиз ҳам бутун уйга келмайсиз.

– Мол-қолга ким қарайди?

– Зеби бор-ку. Ҳамма ишни тайинлаб кетинг. Ўзингиз чайлада ётинг. – Чеҳра қўлини бигиз қилди. – Бир нимани сезсам уйингизга ўт қўйиб, ўзимниям ёқиб юбораман.

– Бу нима қилиқ, Чеҳра?

– Қилиқ эмас, аксинча, сизнинг қилиқсирамаслигингиз учун.

Аҳмар полни муштлашга чоғланди ва лекин худди биринчи никоҳ оқшомини кутаётган куёвдай ичидан

энтикиб қўйди-да, бушашди. Чеҳра бир муддат уқрайиб турди. Сўнг:

– Булинг, – деди. – Далага жунамайсизми?

Аҳмар ноилож ўрнидан турди. Чеҳра қутуриш арафасидаги итдай ҳамма нарсага ёвқараш қилар, ҳадиксирар, бора-бора кўзига ҳеч нима кўринмай, узини-да билмай қоладигандай эди.

Улар куча охирида икки томонга айирилишди. Аҳмар далага жунади. У ростдан ҳам бу кеч уйига қайтмаслиги мумкин эди.

\* \* \*

Бироқ кеч тушиб, ариқларда қурбақалар қуриллай бошлагач, оғир хўрсинди-да, бирин-сирин юлдуз тошиб бораётган осмон тоқига термилиб қолди. Юрагидан узи ҳам тушунмаган нимадир тошиб келди, қишдан кейинги илк илиқ оқшомларни, ёзнинг фараҳбахш кечаларини ва негадир Зебигулнинг келинлик даврини соғиниб кетди. Димогига келинчак уйида тутатилган исириқ, Зебигул фақат кечалари сепадиган ўткир атир ҳиди урилгандай бўлди. Кўзларини сархуш юмди. Солярка солинган чироқ хира нур сочаётган хона кўз олдига келди, нимқоронғида янги атласлар, зарлар нур сочади, оппоқ чойшаб оҳанрабодай тортади... Зебигул минг марта аъло кўринди кўзига. Бундан кейин бурдоқидай Чеҳра билан ўтадиган аччиқ ҳаётини охиригача тасаввур этиб, беихтиёр сўкиниб юборди.

– Қаёқданам уйландим, – деди ва жаҳл билан ўрнидан турди.

У Зебигулнинг ёнига боришга аҳд қилган эди.

– Ҳўв Аҳмар ака, – чақирди қоровул бола, – кет-япсизми?

– Ҳа.

– Қоламан девдингиз-ку.

Аҳмар жавоб бермади. Шарпаси уват томондаги толлар тагида гойиб бўлди. Ҳар бир қадами хиёнатга хизмат қилаётгандай бўларди. Гўё у қонуний хотинининг ҳузурига, ўз уйига эмас, жазманиникига

кетаётгандай эди. Ҳовлига етгач, бир нафас тўхтаб, атрофга ўтринча қараб олди. Уйининг икки хонасида чироқ ёниқ эди. Бири Зебигулнинг ётоғи, иккинчиси меҳмонхона. “Тагин Чеҳра қайтиб келган бўлса-я” – юраги така-пука бўлди Аҳмарнинг.

Кейин дангал юриб кетди. “Нима, энди ўз уйимга ҳам келолмай қолдимми? Кундошникига бораманми, уйнашникигами, бу уйда Чеҳра хўжайин эмас-ку! Қўша-қўша ўгил тутиб, элнинг олдида юзимни ёрут қилиб қўйган жойи ҳам йўқ! Келганига икки ой ҳам бўлмасдан бунча юрак олдириб қўймасам!..”

Остона ҳатлаб ойнаванд хонага кирган ҳам эдики, меҳмонхона чироғи ўчди, қия очиқ эшиқда шарпа кўринди. Қўрққанга қўш кўринар дейишади, Чеҳранинг гўрига гишт қалаб келган Аҳмар тўсатдан тахтадай қотди. Назарида у азроилдан ҳам ўтиб тушган нақ Чеҳранинг ўзгинаси эди.

– Кимсиз? – жонга оро кирадиган овоз жаранглади.

– Зеби, сенмисан? – деди Аҳмар енгил тортиб.

Зебигул меҳмонхонадан чиқиб, ойнаванд хонанинг чироқ тутмачасини босди, олам ёришиб кетди. Қиз ва буйдоқ учрашгандай бир-бирининг кўзларига қараёлмай жиддий тортиб қолишди.

– Қорин оч, – деди Аҳмар дағдага қилишга ури-ниб.

– Келмайман деганингизга, ҳалиги, овқат қилмабман.

– Тухум-пухуминг бордир?

– Бор. – Зебигул баҳона топилганидан севинди шекилли, шошилганича чиқиб кетди. Аҳмар унинг тезлигини чамалаб қўрққани ёки суюнганини билгич эди, ҳозир мияси ишламай қолди. “Йўқ, у севинди, севинди” деб ўзини ишонтира бошлади.

Бир вақтлар офтобани илиқ сувга тўлдириб, елкада сочиғи билан пешвоз чиқарди. Аҳмарнинг онаси қанча қаргаб-нетиб юрмасин, у барибир ҳар кунги юмушини бир маромда бажараверарди. Аҳмарнинг жонига тегиб, силтаб ташлаган пайтлари куп бўлган. Зебигулни бир сония ҳам ўзига тенг кўрмаган, энди

эса Чехрадан нимасидир устунлигини тан олиб,  
буйинини эгиб қолди.

Не тонгки, таом тайёр бўлганда илиқ сув аллақачон  
келтириб қўйилганди.

– Ювиниб олинг, – деди Зебигул ийманибгина.

Овқатдан сўнг Аҳмар илиқ гап гапиргиси келди,  
лекин тили айланмади. Телевизорга қараб, хўмрайиб  
ётаверди. Вақт ўтиб борарди. Шу ётиши бўлса, хотинини  
ўз хонасига кириб кетиши, эшикни оч, деб ялиниб  
қолиши турган эди.

Янада илиқроқ гапни кўнгли тусади, чўзилиб ётган  
жойида пешонаси оша ортига нигоҳ ташлаган эди,  
Зебигул этагини тортиб оёқ учларини бекитди.

– Зеби, – деди Аҳмар яна телевизорга қараб, –  
мени соғинмадингми?

Зебигулнинг қовоғи солинди. Шарт ўрнидан туриб  
дастурхонни йиғиштиришга тушди. Аҳмар биринчи  
довондан ўтиб олганди. Ёнбошлаганча хотинига  
тикилди. Чехранинг сояси тарк этган кўзларида  
одамийликка хос нимадир йилтираб турарди.

– Зеби дейман...

– Суюлманг.

– Сен... ўзимникисан-ку.

– Қочинг, коса-товоқ ювишим керак.

Зебигул идиш-товоқни кўтариб чиқиб кетди.  
Аҳмарга телевизор татирмиди. Хотинининг ошхонадан  
қайтишини интизорлик билан кута бошлади. Калака  
қилаётган соат миллари сира олдинга силжimasди.  
Бир асрга тенг вақт ўтгач, Зебигул келди. Юзида  
келинчақлик давридаги ҳаяжон қўпчиб турганини  
сезиш қийин эмасди. Хийла тез қадам олгани боис  
Аҳмар гафлатда қолди, ётоқ эшиги ҳаво қисилиши  
натижасида гуп этиб ёпиди.

Аҳмар ташқари эшикни ёпаётиб, ҳовлига яна бир  
кўз югуртирди: сўлим кеча икковининг висолига  
бирон зог халақит бермаслиги учун кўзини юмиб,  
тилини тишлаб табиатга қоришиб ётарди. Қулфнинг  
қулогини бураб, ойнаванд хона чирогини ўчирди.

Зебигулнинг ётоқ эшиги тирқишларида саргиш нур товланарди. Тортган эди, очилмади. Қулоқ солган эди, гуп-гуп этган овозлар эшитилди. Урин тўшаяпти.

– Зеби, – чақирди Аҳмар, – эшикни оч, гапим бор.

– Айтаверинг, – деди жувон.

– Ёпиқ эшикдан гапирилмайди, қизиқмисан...

– Чеҳра опа бир кун кетганига дарров...

Аҳмар жаҳл билан эшикни муштлади.

– Минг лаънат ўшанга! Исминиям эшитишни хоҳламайман! Менга бола керак эди, Зеби! У менга ҳеч нарса бергани йўқ!

Ичкари жимиб қолди. Зебигул ё тўшакни солиб бўлди, ё устундай қотиб қулоқ соларди.

– Балки мени сабрсиз, ичи тор кимсага чиқарарсан, – деди Аҳмар, – лекин қачон бахтимни топаман? Нега ҳаётим бошқаларникидай силлиқ кечмаяпти? Уйланган одам бир йилдан кейин бола кўриши, яна бир йилдан сўнг бешик тўй қилиши, бу дунёда ҳар бир одамнинг ўғил-қизи, неварачевараси бўлиши керак. Ҳаммада шундай-ку! Мен эса учинчи марта ҳам уйландим. Ҳеч нима ўзгармади! Қайтага битта бош оғриқ орттириб олдим. Душманинг бўлишини истасанг, ҳеч кимга ёмонлик қилма, хотинни иккита қил экан, тамом! Яхшиям анави биринчи хотиним қайтиб келмайди. Бўлмаса учовинг уч томонимдан ер экансанлар!

Эшик лўкидони сурилди. Зебигул бир қадам чекиниб, деворга суюнганча бошини эгиб турарди. Аҳмар ичкарига кира солиб эшикни ёпди. Бир неча ойдан бери бош суқмаган бу хона келинчакнинг уйдайд безатиб қўйилган эди. Ўша ўтқир атир ҳиди, сархушлик, ҳатто янги кўрпаларга хос ҳид.

Тўрдаги жавон устида эса иккисининг тўй куни тушган сурати.

– Мен учун шу ерда яшайсан-ку, тўғрими? – деди Аҳмар жувоннинг елкаларидан тугиб.

Айни дамда бировнинг уйда, бировнинг хотинини оғушига тортаётгандай қалтираб кетди, томоғи қақраб, аччиқ ютинди. Зебигул ҳам бегона эркакнинг

қаршисида тургандай кузларини олиб қочди, гапиролмади.

– Қўйинг, – деди йигламсираб.

Аҳмар ҳақиқатан бегона одамга айланганини тушунди. Зебигул билан ажрашиб кетганидами, шу тобда чиндан-да бу ҳурлиқонинг иккинчи эр билан никоҳ оқшоми булар эдими. О, у қандай бахтли! Худо бир сақлади, мана, хотини пок-покиза, ўзига насиб этиб турибди.

– Сени яхши кўраман, Зеби. Тугриси, Чеҳра молдай бефаросат, молнинг ичида юриб мол бўп кетган... Ҳеч кўнглим тўлмаяпти... Агар битта туғиб берганинда асло уйланмасдим унга. Энди нима қилишни билмай гарангман.

– Мени кимдан рашк қилгансиз? – пичирлади Зебигул.

– Ҳаммадан.

– Бузим мулладан рашк қилганингизни эшитдим, жиннисиз, Аҳмар ака. Ахир унинг ёнига энам кўярда-қўймай олиб борганди, қайтиб учрашмаганман... Учрашмайин ҳам!

– Тентак, нега мени Аҳмар ака деяпсан?

– У сизни шундай дейди-ку.

– "У" деб анави новвосни назарда тутяпсанми? Қўявер... Бир сирни айтайми, Зеби?

– Айтинг.

– Аввал чироқни ўчирай.

Балад бир дўнглиқда айни шу пайтда Бузим Қорақишлоқдан кўз узмай ўтирарди. Қишлоқдаги чироқлардан бири лип этиб ўчгач, ўрнидан турди. Қабристон томон йўл олар экан, ортига яна бир бор боқди. Ногаҳоний эсанг шамол унинг жанда кийимларидан гўр исини сиририб, қишлоқ устига сочди. Итлар баравар акиллай бошлади.

– Мана, ўчди, Аҳмар ака, энди айтинг, – шивирлади Зебигул.

Аҳмар ҳам, Зебигул ҳам ҳам итларнинг овозига қулоқ солмади. Қулоқлари ишқ мусиқасидан ўзга товушни эшитмас эди.

– Ким менга биринчи булиб фарзанд туғиб берса, уша қолади, – деди эр.

– Нима, олимпиада ўтказмоқчимисиз?

– Зеби, сен одаммисан ё фаришта?

– Турмушга чиқса ҳам етимлигидан қутулолмаган бахтиқароман, Аҳмар ака.

– Булди, мени Аҳмар ака дема, акс ҳолда сени Зеби опа деб чақираман, чидайсанми?

– Йўқ.

– Мени нима деб чақиритишни истайсан?

– Дадаси деб.

– Э, шаҳарликларга ўхшабми?

– Йўқ, бахтлиларга ўхшаб.

Шу кеча уларнинг ҳаётида тўрт йил ичидаги энг бахтли онлар булди. Иккиси ҳам эртақлардаги опшиқ-маъшуқларга айланиб, шоҳ саройида висол шаробини симирдилар. Одам Ато ва Момо Ҳаво давридан бери ҳеч ким эркак ва аёл санъатини бу қадар асалга қориштириб, гузаллаштириб, илоҳийлаштириб татиб кўрмаган эди.

Эртасига Чехра холаваччасиникидан кўзи кўкариб қайтди. Ҳаммасига Зебигул айбдордай ҳовлига қадам босганиданоқ қаргана бошлади. Молхона ёнидан ўтиб ҳожатхонага бориши керак эди. Тўнини тескари кийиб олган хотиндан шу ерда ҳам омад юз ўтирди: янги калиши билан гўнгни босиб олди.

– Ҳе ул-а! – чўзиб қарғади у. – Шу ергаям тезаклайсанми, гаяк, мол, ҳайвон!.. Анави шўртумшуқ молнинг тагини тозаламай номаъқул еб ўтирибдими ўзи! Оғзигинангдан қонинг келгур!

Ҳожатхонадан ҳам унинг қаргагани эшитилиб турарди. Шу яқин-атрофдан бир чол эшак миниб ўтиб қолди. Зебигул секингина салом берди, аммо чолнинг хаёли ҳожатхонадан чиқаётган қарғишларда эди, бароқ қошларини чимириб:

– Отангининг чойчўмичига сенинг!.. – деб сўкиниб кетди. Зебигулнинг кулгиси қистади.

Аҳмар тушдан сўнг даладан қайтди. Зебигул гулдай очилиб утирар, кечагидан фарқли улароқ бугун

қошларига Аҳмар ҳали кўрмаган тарзда ингичка усулда қалам тортган эди. Хумор кўзларига лаб босгиси, сочларини ҳидлаб ётгиси, ун саккиз ёшли қизларникидай ихчам вужудини ўз бағрига сингдириб юборгиси келди. Бироқ...

Чеҳра эшикни тепгандай шиддат билан очди. У газабдан ҳансираб турарди.

– Бу ёққа киринг, – деди хонасига имо қилиб.

– Ие, кўзингга нима қилди? – сўради каловланиб қолган Аҳмар.

– Йиқилдим! Ҳаммаси сизнинг дастингиздан! Чупронга борганим учун ёмон кўрдингиз, норози булдингиз! Кеча оқшом холаминикидан чиқаётиб зинада оёгим тойиб кетди...

– Кечирасану одамга туҳмат қилма.

– Майли, кўзимни қўя туринг, кеча қаерда эдингиз?

– Далада... Ўзинг тайинлагандинг, – гудранди Аҳмар.

– Унда ҳанов нима?! – Чеҳра эрининг тирсагидан тортиб дераза олдига судраб борди. – Кўряпсизми?

– Нимани?.. Э, қўлимни қўйвор-э!

– Кафанига айлансин, илойим, оқ чойшабни кўрмаяпсизми? Ана, дорда ҳилпираб турибди!

– Ҳилпираб турса нима?

– Нимага овсарликка соласиз ўзингизни?! У ифлоснинг тагига тушаб ётадиган матоси-ку! Билмайди дейсизми? Бу етимча келмасидан бурун ҳамма нарсасини титкилаб кўрганман, тушундингизми?!

– Чеҳра, гиди-бидиларинг жонимга тегди. Аканг келсин, барчасини айтаман.

– Бўпти, кечаси қанжиқнинг қўйнига кирганингизни ҳам айтасиз.

– Айтаман! Нега мени уйингдагилардан кўрқади деб ўйлайсан-а? Сени чертидимми, сўқдимми? Ўйнашга бордимми?

– Хотин устига хотин бўп тушишимни сир тутган қасамхўрсиз! Тан олинг!

Шу пайт ҳеч кутилмаганда эшик ланг очилди. Иккови ҳам ялт этиб қаради. Ё тавба, Зебигул уларга



тик қараб турарди. Кундошининг ётоқ эшигини очади, ичкарига қадам босади деб ким ўйлабди дейсиз. Ҳатто Чеҳра ҳам бирпас анграйиб қолди.

– Бунча жагингиз тинмайди?! – деди Зебигул жеркиб. – Худо-ё тавба, оғзингиздан қарғиш тушмайди-ей! Қарғиш нималигини биласизми ўзи? Ноҳақ қаргалса қаргаган одамнинг ўзини уради-ку ахир! Менга осилганингиз етмагандай нега бу кишини тинч қўймайсиз? Сизга яхши ниятлар билан ўйланганди, қишлоқчилик, ўзбекчилик, ўғил кўрай деб...

– Вой, вой, вой! Кимга гапиряпсан, ҳароми?! Қани, чиқ ташқарига!

Аҳмар иложсиз қолди. Чеҳра жаҳд билан кундошига ташланди. Зебигул бу сафар ҳам шундай бўлишини билиб чорасини кўриб қўйганди. Ойнаванд хонага чекиниб, аввалдан тайёрлаб қўйган заранг таёқни олди.

– Урмоқчимисан? Мен ҳам энди қараб турмайман! – деди Зебигул.

– Бас қилинглар! – Аҳмар вақтида ўртага тушди. – Икковинг ҳам хонанга кир! Икковинг ҳам ўчир!

У Чеҳрани итариб юбориб, Зебигулнинг таёғини тортиб олмаганида жангнинг ўртасида қоларди. Шундоқ ҳам бақир-чақир бир соат тинмади. Хайрият, Чеҳра ваъдасида туриб, уйга ҳам, ўзига ҳам ўт қўйиб юбормади.

Кундошлар ўз йўлига, Аҳмар шарманда бўлди. “Икки хотин билан яшамай ўл бу кунингдан!” дейишди одамлар.

Бироқ тинимсиз давом этаётган жанжалли кунларнинг бирида қизиқ воқеа содир бўлди. Бобосидан қолган ташқаридаги темир сандонда Аҳмар кетмонни болғаламоқда эди, Чеҳра қовоқ уйганча куви пишар, электр кувини тузатиб бермагани учун ҳар замонда эрининг шаънига ёмон гап айтиб ишида давом этарди. Ҳавода тутун ва мой иси сузиб юрар, ўтиннинг қисирлаб ёниши эшитиларди. Шунда учоқ бошида куймаланиб юрган Зебигул бўғиқ йўталганча

бирдан уватта чопди ва утириб қолди. Бечора қийналиб қайт қила бошлади. Даставвал Аҳмар ҳеч вақога тушунмади. Бунга нима бўлди ўзи, деган маънода Чеҳрага қаради. Чеҳранинг ранги мурданикидай оқариб, куви дастасини тақ этказиб ташлади-да, уйига кириб кетди. Аҳмар югуриб бориб Зебигулнинг ёнига тиз чўқди.

– Зеби!.. Зеби... сен... янгилик айтмоқчимисан?.. Хурсанд қилмоқчимисан?

– Ҳа, – деди Зебигул зўрга бош қимирлатиб, – б... буйимда бўп қолганга ўхшайди...

– Нега бунақа оҳангда гапираяпсан, тентак! Ҳозир машина топиб келаман, текширтирамыз. Бутуноқ анигини билишим керак... Қорнинг қимирляптими, Зеби?

– Йўқ, ер қимирляпти, – деди Зебигул.

Аҳмар уни ўрнидан тургазди. Она-болага, айнан ўз боласига кўмаклашгандай бир бошқача бўлиб кетди. Ота деган ном Аҳмар деган касга-да хуш ёқди. Дунё бойликлари ҳар қандай одамга берилиши мумкин. Яхши-ёмонга қараб тақсимланмас эди у. Ким бу дунёда бой бўлса, тақдир мени хуш кўрибди, деса адашади. Ахир фоҳишалар ҳам бойиб кетади-ку, гоҳо жирканч кимсага фарзанд ато этилиб, пок бир инсон бефарзанд утиши бор нарса. Аҳмар ҳам фарзандсизлик жазо эмаслигини, шунчаки бир-икки йил синалганини ҳис этди, кўзларига ёш қуйилди.

– Чеҳра! – деб бақирди Зебигулнинг олдида илк бор кенжа хотинни жеркиб. – Қаердасан? Қараб тур манавига! Мошин топиб келай!

– Нима ваҳима? Нима? Нима?! – Чеҳра бутун гавдаси силкиниб остонада кўринди. – У молмидики қараб турсам?! Туради ўзи! Бориб мошинингизни олиб келаверинг!

– Одам эмас экансан! – тишларини гижирлатди Аҳмар.

– Бир гап келдию... – деди Чеҳра.

Зебигул яна ўқчиди. Мен сабаб булар уришиб-нетиб юрмасин деб зрига ялинди:

– Қўйинг... яхшиман... Дўхтирам шартмас...

Аҳмар тентак бўлиб қолганди. Ёш боладай кўчага чошиб кетди. «Москвич»да қайтиб келганда Зебигул отдай эди, аммо Аҳмар уни орқа ўриндиққа эҳтиром билан ўтқазди, ҳатто таксичи ҳам бундай меҳрибончиликка ишонмай бош қашиб қўйди.

Машина овози тингач, Чеҳра ҳолсизланиб остонага ўтириб қолди. У даҳшатли тарзда ютқазганини ҳазм қилолмай, пешонасини эшик кесақисига урди. Кундоши ундан олдин ҳомиладор бўлишини хаёлига сиздиролмади. Бепушт эди Зебигул. Уруғ-аймоғи билан қаргигашга қолган етимча эди. Ҳеч қачон бахти очилмаслиги керак эди-ку. Бироқ нега бундай бўлди? Нега?..

Чеҳра кундошининг кунгли айниши шунчаки нагма бўлиб чиқишига умид боғлади. Ундан-да ваҳшиёна хаёллар кунглидан ўтди. Қанийди такси йўлда ҳалокатга учраса, деди. «Зебигул ўлди, Аҳмардан ҳам ажраб қолдинг» деб уввос солаётган одамлар кўзига кўринди.

Шу пайт учоқ бошида олов гурлади.

– Мой ёнди! – Чеҳра ҳаллослаб югурди. – Олов шифтга етса, уй ҳам ёнади! Эгаси улса ўлсин, уйи ёнмасин, уйи!

Кундош учоқда ёққан оловни учирриш осон эди, аммо юракда ёнадиган адоват оловини ҳеч ким учиролмасди. Чеҳра кун бўйи дунёга сизмай юрди. Аҳмар хотинчасини туман марказидаги касалхоналарга ишонмай шаҳарга олиб кетганини кунгли сезди. «Бир парча эт деб одамнинг бунчалик итлик қилишини билмабман, – деди Чеҳра ўзига-ўзи. – Ҳали кўзига кўрсатаман. Атрофимда кучуқдай айланиб, товонимни ялайди, яраман! Элга шарманда бўлиб, индамай қайтиб кетавераманми? Ўлсам ҳам кетмайман. Мен кучада қолган, ҳеч кими йўқ ташландиқ эмасман!»

Улар қайтгач, Чеҳра бир огиз ҳол сўрамади. Аҳмар дўпписини ечиб, бир четга утирди. Зебигул дарров юмушга уннаб кетди. Ҳар бир тақир-туқури Чеҳранинг миясини эговлаб ўтарди.

– Эрсираб юргандан қўрқ, деган мақол бор, дарров илинтириб олибдими бузуқи? – чақди Чехра.

Зебигулнинг эшитиб қолишидан чўчиган Аҳмар кенжа хотинига олайиб қаради.

– Шукр, мен ҳам ота буларканман, – деди у. – Нега фақат Зебига ўчакишни ўйлайсан? Сен ҳам хотиниммисан?

– Булмаса эрингизманми?! – чийиллади Чехра. – Пешонам қурсин, ҳали унинг тарафини олиб, огзимга урарсиз?! Тугиладими, йўқми, элбурутдан отаман деманг.

– Чехра!

– Нима Чехра? Ҳақ гапни гапиришга қўясизми ўзи?

– Шу ҳақ гап бўлса, тамом булибсан. Бориб ўзингни ўқит!

– Ким тамом бўлганини дўхтирга бориб текшир-тирамиз, розимисиз? Биринчи хотинингиздан бола бўлмади, иккинчисидан ҳам бўлмай келаётганди, мендан ҳам. Бир вақт лоп этиб, иккинчиси қорнини ушлаб қолди. Масалан, мен соппа-соғман, Зебининг томошасига зигирчаям ишонмайман.

Аҳмар гинекологнинг хулосасини айтганди, Чехра лаб бурди.

– Гап унинг бўйида бўлганида эмас, кимдан бўлганида!..

Аҳмар алам билан ўрнидан турди. «Қари қизга ўйландим десам, қари иблисга ўйланган эканман», деган ўй ўтди хаёлидан. Қани энди ундан қутулишнинг йули?

– Бу билан мени касал демоқчимисан? – сўради хотинидан.

– Касаллик айб эмас, – тўнгилади Чехра.

– Қўй, сенга гапиришнинг фойдаси қолмабди.

Чехра эркакчасига дўриллади:

– Бир ўқиса болали қип юборадиган Бузим муллага ухшаб қолмаса отимни бошқа қўяман. Менга «ўқит» дейсиз, сиз ҳам бориб ўқитиб келинг, кўрамиз кейин...

– Бусиз ҳам отингни бошқа қўйсанг булаверади,  
– деди Аҳмар ва эшикни зарб билан ёпмоқчи эди,  
Зебигулга кузи тушди. Агар унинг гувоҳлигида  
Чеҳранинг эшигини қаттиқ ёпса, оловга мой сепилиб  
кетарди. Аҳмарнинг қўрққани ҳам шу эди.

Қўп утмай Зебигулнинг ҳомиладорлиги хусусидаги  
миш-мишни ҳамма эшитди. Жўралари Аҳмарни  
сўкиб беришди:

– Ҳе ўл-е, шопмасанг сендан ҳам бола бўларкан-  
ку, бир бошингда икки эговни гириллатиб нима  
қилардинг!

Айниқса, кичик қайнопанинг боши кўкка етди.  
У ҳар ҳафта икки марта келадиган бўлди. Чеҳра  
уни кўрса гижинар эди. «Зебижон, далага чиқма»,  
«Зебижон, сув кечма».

– Бехосиятни бунча авайлайди, касофати ўзига  
урсин, илойим, – деб бир четда тўнгилларди.

Бир куни қараса ёнида эри йўқ. Жувонмарг  
чорпояда уклаб қолдимиз, дея деразадан мураласа,  
чорпоя ҳам бум-буш, эски шолча қайрилиб ётибди.  
Юраги аламдан зирқираб кетди: «У Зебигулнинг  
ёнида!»

Ойнаванд хона деразаларини зириллатиб ётоқ  
эшигини очди-да, катта хона ўртасида туриб қолди.  
Бу ердан бир неча хонага кирилади, хусусан,  
Зебигулнинг ётоғига ҳам. Кундошнинг эшигидай  
яқин, кундошнинг эшигидай олис эшик йўқ. Чеҳра  
Зебигулнинг ётоғига дўрсиллаб борганини билмай  
қолди. Айни дамда бир соат аввал йўлга чиққан каби  
тили осилгудай ҳансирар эди.

Бирдан у ўзини бегона ҳис этди. «Нима қиляпман?  
– деб сўради ўзидан. – Энди ярим кечада эр тала-  
шаманми? Кундошнинг қучоғидан тортиб олинган  
эрни бошимга ёстиқ қилармидим? Аввал ун марта  
ҳаммомга тушсин, кийимларини алмаштирсин... Йўқ-  
йўқ, буям кам, барибир жирканаман... Қирқ кун  
бир хонада ёлғиз ётсин, ундан Зебигулнинг сассиги  
арисин...»

Чеҳра ортига бурилди. Қўлидан ҳеч нима кел-маслигини тушунди. Қисмат битигидан бошқаси бўл-мас экан бу дунёда.

Хонага оғир уҳ тортганча кириб келди, тўшакка ағанади. Ичидан тошиб келаётган қайноқ бир нима бўғзини куйдириб юборди. Йиглади Чеҳра, кўзлари-дан қон тўқди у. Ёқтирган йигитлари уйланмади, орзусидаги шаҳзода келмади, қари қиз бўлиб эрга теккани етмагандай кундоши ҳам бор. Ва бу кундоши кўз ўнгида бир думалаб бахтли кундошга айлан-ди. Шу кетиш бўлса Чеҳрага ҳеч ким қарамай қўяди. Нафақат эрнинг уруглари, ўз ота-онаси ҳам. Ҳа, Чеҳра бунга ишонади, шоҳид бўлган ахир. Узоқ қари қизлик даврида арзимас хато учун онаси қаргарди, отаси сўкарди. Маъноси бир хил: «Сени шунинг учун эр олмайди», «Шу қилигинг билан эрга тегсанг, бир кунда ташлаб кетади».

Чеҳра йигидан тўхтаб бир нуқтага тикилиб қолди. Бурондай бостириб келган бахтсизликни даф этишнинг йўлини топган эди.

– Зебигул ўлиши керак, – пичирлади Чеҳра, – ўлиши керак. У бор экан, мен тинч яшолмайман, ҳеч қаерга сизгамайман, етимча у эмас, мен бўлиб қоламан, Лекин қачон ўлади? Мана шу муаммо... Йўқ, муаммо эмас, уни ўлдирман, ўз қўлим билан... Эртагаёқ маргимуш бераман...

Чеҳра ростдан-да тонг-саҳарда туриб сизир согди. Ширин сут тайёрлаб, сичқондори аралаштирди. Бироқ жудаям хавфли иш қилаётганини фаҳмлади. Аввало Зебигул унинг қўлидан осонгина сут ичиб қўймайди. Заҳарланиб ўлганда эса дўхтирлар саба-бини аниқлашади. Чеҳрадан бошқа кимдан ҳам гумон қилишарди?

Сутни тўкиб ташлади. Ёстиқ билан бўғиб ўлдириш ҳақида бош қотира бошлади. «Кучим етади, – деди ишонч билан. – Аҳмар далада эканлигида хонасига бостириб кириб ёстиқни юзига босаман. Ҳеч қаери тирналмай, из-пиз қолмай ўлади-қолади».

Бироқ бундан-да чўчиди. Ҳаққиға кўчганда, кун-дошини типирчилатиб бўғиб ўлдиргандан кўра кун-дошликка чидаб яшаган афзал кўринди. Қолаверса, ит билан искатишларини, экспертиза деган бало жуда синчиклаб текширишини эшитган эди. Не ажабки, қотиллик пайидаги Чеҳра ўзини кўнгли бўш деб ҳисобларди. Сездириб қўяман деб қўрқди.

Ўйлаб-ўйлаб ҳозир ўлдирмасликка қарор қилди. Бунинг учун шубҳа-гумондан ўзини ҳоли қилиб қўйиши лозим эди.

Эрталаб Зебигулнинг ёнида уйгонган Аҳмар кун бўйи бўладиган жанжални ўйлаб афтини бужмайтирди. Бироқ аллақердан эшитилган радио овозидан сергакланиб, ёстиқдан бош кўтарди. Қўшиқ бошланди. Яқинда бир кино кўрганди. Шаҳар харобалари ичида фашистлар билан қақшатғич жанг бўлади. Навбатдаги ҳужумдан аввал қаердандир қўшиқ эшитилади. Ҳозирги ҳолатни шунга менгзади. Аммо бу ажойиб кун эди. Кутилмаганда Чеҳра ҳовлида туриб қайсидир қўшнига баланд овозда жавоб берди:

– Акангиз ҳали ухлаб ётибди, келинг, келаверинг!.. Уйготинг дейсизми? Бугун Зеби янгангизнинг уйида... Тераскадан чақиринг! Чиқади!

Аҳмар Зебигулга, Зебигул Аҳмарга қаради. Иккиси тушакнинг икки томонидан сирғалиб бараварига деразадан муралашди. Ҳовлида бемалол юмуш қилиб юрган Чеҳра эди.

«Ё қудратингдан!» – деди Аҳмар.

«Тушунгани рост бўлсин», – деди Зебигул ҳам ичида.

\* \* \*

Ҳомиласи етти ойлик бўлди. Кўпчиликнинг фикрича, бола туғилишига ҳали икки ой бор эди. Ёз бўйи Чеҳра ҳам бир неча марта ўзини текширтириб келди. Бироқ кўнгли айниши ёки қорнида нимадир қимирлаши иккиқатликдан далолат бўлиб чиқмас, ҳаммаси кўп овқат ейиш асоратлари эди. Ҳадеб туман

марказига чопиши Аҳмарнинг жигига тегди. Кечалари Зебигулни эркалатиб ётиб кенжа хотинидан нолирди. Бир куни шундай гап-суз бўлиб ўтди:

– Кундошинг сенга меҳрибон бўлиб қолгани билан барибир ичида қоралиги бор, – деди Аҳмар. – Мен ҳам бўғозманмикан деб салга ўқчиса духтирга чопади. Энагарни бир тогора кулчатой билан иккита нон ўқчитади-да. Курдингми боя? Яна де, катта пиёзни қушиб еди. Устидан энам раҳматлининг чойнагида уч чойнакни бостирди-ёв.

Зебигулнинг лаблари кулгига мойиллик билдириб турарди. У ҳомиладорликнинг қийин кунларида эри инсофга кириб, ёнида эканлигидан беҳад севинар эди. Албатта, Чеҳра ҳам унга ёмон кўринмас, тинчгина яшасак бас, деб унга ҳам тугал инсоф тиларди.

– Қўйинг, егиси келса еяверсин, – деди Зебигул Аҳмарнинг пинжига тиқилиб, – кун бўйи оғир ишларни шу қилади, новвослар усиз семирмасди.

– Айтгандай ола сигирни соғяпсанларми?

– Бир ҳафтадан бери сутининг тайини йўқ, соғмай қўйдик.

– Нега унда Чеҳра «бешта сигирнинг сутини қўл кувида пишиш қийин, тўк кувини қачон тузатиб берасиз?» деб гиди-биди қилади?

– Аввал бешта эди-да, – Зебигул кундошига ён босди. – Айтган бўлса тузатиб беринг. Тўрттасининг сутиниям ёғ-қатиққа ажратиб олиш осонмас. Чеҳра опа қийналиб кетганини кўриб ёрдамлашамандейману, лекин ҳамма ишларигаям аралаштиравермайди.

– Зеби, тўғрисини айт, уни ёмон кўрасанми?

– Нима қиласиз?

– Ўзим, шунчаки сўраяпман.

– Тинч юрса, шукр қиламан. Унгаям қийин, қиз бола боши билан иккинчи хотин, йўқ, аслида учинчи хотин бўлди. Фарзанд кўргиси келади...

– Ҳайдаб юборайми?

– Ҳайдаб юборолмайсиз, энди кеч.

– Нимага асосланиб кеч деяпсан? Ўртада бола йўқ-ку.



– Уртада менинг ҳаётим бор, тугилажак боламизнинг ҳаёти бор. Чеҳра опанинг қўлидан ҳамма иш келади, биламан. Инсофга кирдими, шукр қилиб, тинчгина яшаб юраверайлик, келажақда нима бўлади, Худо пошшо.

Аҳмар шифтга тикилиб ётиб:

– Мен ҳам уйимизда бомба бордай ҳадиксираб яшайман, – деди.

Худди уларнинг суҳбатига қулоқ солгандай эртасига Чеҳра эрига чой узатаётиб қовоғини уйди-да, амр этди:

– Бой бова, тўк кувини тузатиб берасизми ё устага ўйнаб бериб тузаттириб олайми?

– Уйнаб бера қол.

– Ҳазиллашмаяпман. Тузатасизми, йўқми?

– Бир огиз гапинг! Тузатаман дедим-ку!

– Минг марта айтсанг ҳам қулогига гап кирмайди, – деди Чеҳра Зебигулга қош учуриб. – Буни ўзи қандай эр қилгансан? Латгадан ҳам баттар-ку. Эркак деганам шунча мужмал бўладими?

– Э, эрталабдан ҳанградинг-да! – Аҳмар қўлини сочиққа нари-бери артиб, юзига фотиҳа тортди. – Далага кетдим.

– Уста-чи? – нақ ушқираёзди Чеҳра.

– Йул-йўлакай кириб утаман, келиб тузатиб кетади.

Ўша кунни ростдан ҳам қўшни қишлоқдаги сариқ мўйловли метис келиб кувини тузатиб берди.

– Тук-пук урмайдими ишқилиб? – деди Чеҳра мотоциклга минаётган устага.

– Урмайди деб умид қиламан, – жавоб берди уста сиполик билан. – Боболар айтишган: «отни тепмайди дема, итни қопмайди». Сими корпусга тегмаса бас. Омон бўлинг, бека.

Чеҳра яна икки ой пайсалга солса, бу хонадонда чақалоқ йиғиси янграши аниқ эди. У ичкари уйга кириб қайсидир газетадан қирқиб олинган мақолани яна бир марта ҳижжалаб ўқиди: «...куви пишаётиб қатикқа қўл солган ва ток уриши натижасида оламдан кўз юмган...»

Имконият бир кунда келмади. Чеҳра жиноятчилик китобини ўқимаган бўлса-да, даставвал гумонни ўзидан йироқлатиш лозимлигини тушунарди. Шунинг учун кечки овқат маҳали эрига деди:

– Хайрият, кувини тузатириб бердингиз, энди ишимиз осонлашди. Нима дейсиз, бундан кейин куви пишши Зебига тошпирсам, мен эса овқат қилардим. – У кундошига юзланди. – Сенга қайси бири маъқул, Зеби?

– Майли, куви пишаман, – деди Зебигул.

Воқеа жума кунига тўғри келди. Совуқ тушиб қолган, ялангоч далаларни туман қоплайдиган ҳувиллаган фасл эди. Зебигул эрталабданоқ юраги безовта бўлаётганини ҳеч кимга айтмади. Сал нарсага инқиллайверса, кундошига оғир ботишини биларди. Шундоқ ҳам ўртадаги илиқлик йўқолмаслик учун тиришиб юрган эмасми, Чеҳра сут соғишга киришган маҳал ёнига борди.

– Кечагини пишайми? – деб сўради кундошидан.

– Пиш, пишавер, – деди Чеҳра унинг юзига қарамай, – шуниям сўрайсан-а? Ҳозир свет ўчиб қолса, қўлга қолади ҳамма иш.

Зебигул ошхонадаги қатиқларни олиб чиқиш билан овора эди. Чеҳра сут челаги яримламаган бўлса-да, четга тортиб қўйди. Ҳовлига бир қур кўз югуртириб, куви томон юрди. Бу «Киргизия» номли бочкасимон кир ювиш машинаси эди. Ҳамма қишлоқларда ундан куви сифатида фойдаланишарди.

– Опа, ўзим... – деди Зебигул куви атрофида куймаланаётган кундошига.

– Сими тегмаяпти шекилли, – деди Чеҳра сир бой бермай.

У бир зумда симнинг бир учини чиқариб, металл қопламага тиркаб қўйди. Кейин атрофга олазарак қараганча молхона томон юрди. Говмиш “яна нега келяпсан, ҳой хотин?” дегандай ёвқараш қилди. Чеҳра то кундоши жон таслим қилгунча сут соғишга мажбурлигини мол қаёқдан билсин.

Бир пайт Зебигулнинг овози эшитилди:

– Ишламаяпти-ку бу!

Чехра жойидан турди. У ток уланганини, ҳозир Зебигул кувига тегинса, ўлишини билиб беихтиёр титраб кетди. Одам ўлдиришнинг осон тури йўқ эди дунёда. “Қоч, Зеби! – деган нидо келди бўғзига. – Тўк бор! Яқинлашма!.. Зеби!.. Зебигул!..”

Буни у овоз чиқариб айтмоқчи эди, аммо ҳамон молхона оғзида мум тишлаб қотиб турарди. Қўрққанидан тили танглайига ёпишди, Зебигулдан барибир қутулишим керак, дедими, билмади. Шу пайт оламни бузган даҳшатли чинқириқ эшитилди...

– Зеби-и-и! – қичқариб юборди Чехра.

У лапанглаб чопаркан, кувига энгашган кўйи қалтираётган бояқиш кундошидан кўз узмай борарди, Зебигулнинг чинқириги ҳам энди бўғиқ хириллашга айланди.

Куви ёнидан чопиб утаётганида Чехрага ҳам чўғ сачради, куюк ҳиди димогига гуп этиб урилди. Югуриб бориб токни узди — Чехра қотил.

Бечора Зебигул куви устида яна бир лаҳза осилиб турди, сўнг бўғзида қолган охирги товуш кўпик аралаш гийқ этиб чиқди. Гуп этиб қулади у. Куйган халатидан, дўшпайиб турган қорнидан тутун кутарилди. Чехранинг назарида кундошининг қорнидаги гўдак ҳам куйиб, жизганак булиб кетгандай эди.

Куча томонда бир киши кўринди.

– Нима бўлди? – деб сўради. Ерда ётган хотинга кўзи тушгач чопқиллади. – Тўк урдими? Узинг розеткани!

Қуни-қўшнилари бир зумда туплана қолишди. Ҳаммаси Зебигулнинг атрофида парвона эди. Онда-сонда Чехрадан алланималарни сўрашар, сув ичиришар эди. Кимдир ер қазишга тушиб кетди.

– Зах тўкни тортади, – деб чувиллашди одамлар. – Жони борга ўхшайди. Тупроққа кўмамиз.

Аёллар йиги-сиги бошлашди.

– Эсизгина, қорнидагигаям жабр бўлди.

Дўхтирдан сал кейинроқ Аҳмарнинг қораси кўринди. Бошидан телпаги учиб кирза этиқда югуриб келаётган оила бошлигига йўл беришди. Шу аснода дўхтир қарорини айтди:

– Фойдаси йўқ, тупроқдан чиқаринглар, у ўлган.

Аҳмар ҳукми эшитмаган бўлса-да, уйда фожиа юз берганини, оқибати ўлим билан якунланганини англаб турарди. Ҳар қандай одам ҳам уйи олдида тупланган одамларни, йиғи-сиғи қилаётган аёлларни ва ерда чўзилиб ётган хотинини кўрганда минг умидидан биттасиям қолмайди.

– Нима бўлди?! – деб бақирди Аҳмар. – Нима қилди бунга деяпман?! – Сўнгра у чийиллаган товушда бирваракайига ҳаммага олайди – Аблаҳлар!..

Тинчлансин дея кимдир елкасига қўл ташлаб, гапиришга оғиз жуфтлаган эди, Аҳмар силтаб юборди. Одамларни туртиб-суртиб Зебигулнинг бошига тиз чўқди. Хотинининг абжағи чиқиб кетгандай туюлди, дўппайиб турган қорнига қараб даҳшатга тушди. Даҳшат Ер шарини қарсиллатиб иккига ёриб юборгандай, олам-олам чексизликни зулмат қоплагандай бўлди. Ўзбекнинг гами оғир эди, улкан эди, кичрайиб кетарди одам бу ситамлар олдида.

Қўл теккизса шилиниб тушадигандай авайлаб юзини силади. Димогига куюк ҳиди урилди, қулогига биров шишпигандай туйқус электр кувига қаради, кейин Чехрани ахтариб топди.

– Тўк уриб юборди, – деди биров.

Аҳмар энг ёмон, уят сўзлар билан сўкиниб Чехранинг устига бостириб борди. Атрофдагилар ҳозир кенжа хотинини тешиб-уриб ташласа керак деб хавотир исканжасида эди. Урмади, лекин бор кучи билан эғнидан силтаб қулоғи тагига ўшқирди:

– Кузларингга қарасаларинг бўлмайдим, ҳайвонлар!.. Итдан тарқаганлар!.. Болани увол қилдинглар! Мени единглар-ку!.. Уни қанча кутгандим... қанча кутгандим-а!

Бақир-чақир авжига чиқди, кейин секин-аста пастлай бошлади. Бу орада Зебигулни ойнаванд хонага олиб киришди, устига чойшаб ёпиб қўйишди. Уликнинг дўппайиб турган қорни ҳаммани сескантирарди. Боласи ҳали ўлмагандек, сўнгги нафасини олаётгандек.

«Чақалоқни сақлаб қолишнинг иложи йўқмикан?» – дейишарди жувонлар.

– Қандай сақлайсан? – жеркиб берди қўшни хотин.

– Ой-қуни етган бўлса экан...

– Етти ойлиқдаям бола тугилади, – шивирлади қўлига пес тушган хотин.

– Э, бўладиган гапдан гапиринглар, бу бечорани роддомга эмас, жанозага тайёрлаш керак, – деди қўшни.

Энди шу аёллар ҳамма ишга бош-қош эдилар. Ўзини йўқотиб қуйган Чехра бир четда тош қотган — кафанлик қаерда, аза кийим қаерда, билмас эди. «Аҳмарнинг келинчаги ўлиб қопти», деб (ўттиздан ошмаганлар «келинчак» дейиларди) кексалар ҳам бирин-сирин тўплана бошладилар. Мулла жанозани шу кунга, пешин намозига белгилади. Эрталаб ўлган одамни иккинчи кунга қолдириб, майитни куттириб қуйишни ҳеч ким истамасди. Ким не қилса, шуни топгай, дерди қариялар. Шундай экан, қайси довюрак дафн маросимини орқага сура оларди.

Тумонат одам тўпланди. Тобут кўтариб савобга қолиш истагидаги одамлар, мазорбошига боришни хоҳловчилар, умуман, чин дилдан куювчилар ҳам кўп эди.

Машинаси борлар Қорақишлоқда жаноза бўлиб қолгани ҳақидаги хабарни ҳамма жойга, хусусан, Зебигулнинг тоғасиникига ҳам етказгандилар. Тоға чопон кийиб, бел боглаб ўлик чиқарилишига яқин етиб келди.

Зебигулни шу атрофдагиларнинг қабристонини ҳисобланмиш Соримтепага дафн этишди.

Ҳомиладор хотин ўлганини эшитган гурков ёрдамчиси:

– Йўғ-е, – деб юборди, кейин шеригининг қулогига пичирлади: – Боядан бери қаерда пишак миёвляпти десам, чақалоқ йигиси экан-да.

– Гарангмисан?! Чақалоқ туғилмаган, туғилмаган нарса қандай ўлади? Улмагандан сўнг унда арвоқ ҳам бўлмайди-да. Арвоқ бўлгандаям сенга овози эшитилардими?

Зебигулни ёшлигидан таниганлар ўлим хабарини эшитиб, ёқаларига туфлаб, калима қайтарардилар ва: «Ё алҳазар, наҳотки Баҳодирхон мулланинг қаргиши раиснинг ўглининг охирги авлодини ҳам жувонмарг қилган бўлса?!» дердилар. Агар Зебигулнинг ўлгани рост бўлса, раиснинг ўлидан авлод қолмагани ҳам рост эди. Бой-бадавлат хонадон невараси олис Қорақишлоқда хор-зорликда ўлиб кетган ҳисобланди.

### Ш ҚИСМ

#### ЗУЛМАТ КЕЧАСИДАН СЎНГ

Шундай қилиб, Зебигул қизалогини Бузимга мерос қолдириб, яна гўрга кирди. Бузим нима еса чақалоқ ҳам шуни ейишга мажбур эди. Чайналган нон, туршак суви, бироз совитилган шўрва...

Чақалоқ латта-путталарини булгаб қўяр эди. Уни тоғорада ювинтираётган Бузим катталарнинг егуликлари огирлик қияпти, сут ичмаганидан қийналяпти, деган хаёлга борди.

– Қишлоққа бориб келсаммикан? – деди итига. – Бунга кийимчалар, болаларбоп овқатлар керак.

Кийина туриб гўдакка назар ташлади. Бир кун ичида у уч ойлик чақалоқлардай анча ўзини тутиб олганди. Валинеъматни уйдан чиқмоқчи эканлигини фаҳмлаб йигламоқдан бери бўлиб ётарди. Ит эса хафа эди, жойини эгаллаб олган одам боласига ўпкалаш билан қараб олгач, икки марта вовилади.

– Балки сен ҳақдирсан, – тўхтади Бузим, – уни биронта уй олдига ташлаб кетганим маъқулдир. Биз бола қарашни билмаймиз.

Чақалоқ ҳиқиллади, лаблари йиғилди, кўзлари қисилди. Ит аслида унинг чинқириб йиғлашидан хавотирда экан, чоғиб бориб гўдакнинг юзини ялай бошлади.

– Бас, – деди Бузим мулойимлик билан, – уни кўп ялаб-юлқайверма. Билсанг агар, бу — қиз бола. Қиз болани ит яласа, менимча, яхши бўлмайди.

Ит ортига тисарилди.

– Тушунсанг-чи, – деб Бузим яна чақалоқни кўрсатди, – уни мен катта қилишим керак. Отасига топширмаслигим шарт. Утган куни Қорақишлоқда киши билмас қотиллик юз берган... Умуман, буларнинг барига қўл силтаб воқеани меласага айтишим мумкин эди, лекин... лекин Зебигулни илк кўрганимдаёқ кимнинг қизи эканлигини сезгандим. Унинг бадқирдор отасини деб шу кўйларга тушиб юрибмиз ҳаммамиз. Отаси ўлди, қизи ўлди, мана энди невараси қўлимда. Мабодо меласа билса Зебигулнинг гурини очади, оромини бузади, гапим ростлигини текширишади-да ахир. Кейин чақалоқни отасига топширадилар. Балки қотил кундош қамалиб кетиб, гўдаккина яхшиларнинг қўлига тушар. Бироқ билишимча, мурҳума аввало угай онадан эмас, менинг қарғишимдан кўрқди, ҳа, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қарғишдан. Агар қиз менинг ҳузуримда улғайса, ҳеч нарса қилмайдигандай. Мен она васиятини бажармасамми, деб иккиланаяпман... Йўқ, иккиланмайман. Қизчани катта қиламан. Қарғишимни алақачон қайтариб олганман. Бизга ноаён, бадқирдор ота бошқа бировлардан ҳам қарғиш олиб қўйганга ўхшайди.

Эшик ёпилиб, бир неча сония лиқиллаб турди. Бузим Чўянга йўл олди. Кун анча совиб қолган эди. Бир вақтлар Зебигул ва қайнонаси Бузимни ахтариб келаётганларида қуриган дарахтни қулатаётган кўзойнакли одамни учратган жойда бола кутарган ёш эр-жотин билан учрашди.

– Саломалайкум, – деди йигит Бузимга иккала қўлини узатиб. Унинг кўзлари дунё ташвишларидан қизариб қолганди. – Сиз мулла бовамисиз?

Бузим индамади, у янги режалар устида бош қотирар эди.

– Ҳа, шу киши-ку, – деди хотини паст овозда.

– Кичкинтойимиз раддомданоқ касал бўп келди, мулла бова, шунча қаратсак ҳам барибир тузалмаяпти. Иштаҳа вошше йўқ. Сизни эпитиб умид билан келаяпмиз-да, бова. Бир ёрдам қиворинг, илтимос. Нима хизмат бўлса қиламан.

Бузимнинг режаси пишди.

– Қани, гўдакнинг юзини очинглар, – деди муғомбирлик билан. – Уҳ-ў, бу полвон бола бўлади. Бунинг учун ростдан ҳам еттилик ўқилиш керак.

Ёш она эрига хавотир билан қараб қўйиб:

– Еттилик... нима у? – деб сўради Бузимдан.

– Етти кун келасиз ҳар келганда етти хил дуо ўқитасиз. Пул олмайман, лекин етти хил бола иштони, яна шунча кўйлакчасини олиб келасиз, ҳар сафар биттадан. Ҳар куни дуоларни ўқиб бўлганимдан сўнг болани оқ матога ураб бераман, юзига қарамасдан эмизасиз. Иштаҳани ўшанда кўрасиз. Қайтишингизда кийимчалар кулбамда қолади, нима ёмонлик теккан бўлса кийимчаларга ўрнашиб, болангиздан касаллик арийди. Шунга ихлос қилсангиз бутундан келаверинглар.

– Бутундан келамиз, – деди йигит, – ҳозироқ қишлоққа қайтиб дўкончадан кийим оп қайтамиз.

– Лекин мен ҳам бир иш билан кетаётгандим-да, – Бузим чўнтагини кавлаштира бошлади. – Кунлар совияпти, адёл олишим керак, егуликларимнинг ҳам таги кўриниб қолди.

– Мулла бова, одамни хафа қияпсиз, ҳаммасини ўзим есть қиламан. Сиз бемалол уйингизга қайтиб, тайёргарлик кўриб турунг, ярим соат-қирқ минутда етиб борамиз.

Бузим нима дейишни билмади. У умрида биринчи марта одамлардан таъма қила бошлаганди. «Ноиложман, – деди ичида, – шундай қилмасам,



қизча қийналади. Бечорада нима гуноҳ? Ҳали олдинда қиличини қайраб қиш турибди».

Айтилган вақтда улар етиб келишибди. Йигит беқиёс даражада қули очиқ бўлиб, икки халта егуликлар келтирганди.

– Мана, – деб у жойлаштира бошлади.

– Тухтанг, – деди Бузим. – Анави бурчакка, парда ортига ўтманг. У ерда чилла сақлайман, сизларга ножоиз. Чақалоқни беринг. Тагин келгуси сафар ҳам бунақа тўлиб-тошиб келманг, мен қароқчи эмасман. Фақат бир идидида сут олиб келсангиз бас.

– Сигир сутими? – сўради йигит.

– Сигир сути.

– Челаги билан опкеп ташлайман, бова.

Бузим чақалоқни парда ортига ўтказиб, гўр қизи билан ёнма-ён ётқизиб қўйди. Иккови ҳам уйқуни омонатгина урарди. Бузим парда ортидан чиқди-да, йигитга гап қотди:

– Биров мулла деса жаҳлим чиқарди, негадир бугун ёқди. Одам ўзи учунгина яшамаслиги керак. Мулла «мен илоҳий илмлар билан шугулланувчиман» дегани, «му-иллоҳ», бу — арабча сўз. Мен аслида муллаглик даъво қилмайман, лекин ёрдам сўраб келганларни ранжитмайман ҳам.

– Тўғри-да, қўлдан келса яхшилик қилавериш керак, – деди йигит ўзини янада катта олиб. – Сиз аслида қишлоққа кўчиб ўтсангиз яхши бўларди. Хафа бўлмангу Робинзон Крузога ухшаб яшайсиз, диний билимингиз кучли, нафасингиз ўткир, сизга ярашмайди бу кулбада яшаш.

Бузим йигитга ажабланиб қаради. Орадан йигирма йилдан зиёд вақт ўтган, бир замонлар Робинзон Крузо ҳақидаги фильмни севиб томоша қиларди. Йигит китобхонга ўхшамасди, ҳойнаҳой киносини кўрган-ов.

Хотини «кўп гапирмасангиз-чи» деб уни яниб қўйди. Бузимнинг эса баҳри дили очилиб кетганди.

– Уша фильми ҳали ҳам қўйишяптими? – Бузим жилмайди.

– Ҳа, Франция ишлаган варианты ҳам бор, зўр.

– Бир кўрсам бўларкан.

– Дунёдан узилиб яшашга қандай кўниккансиз? Мен ўла қолсам ҳам рози бўлмасдим.

– Жим, – шивирлади қўрқиб кетган хотини уни туртиб.

Бузимнинг лабидан ҳамон қувонч аримасди.

– Биласизми, – деди у, – ёлғиз яшаш таркидунёчилик деб аталади. Мен ўзимни Робинзон Крузо демайман, қадимда горларда яшаган шайхлар бўлган. Ёлғизлик — уларнинг ибодатхонаси. Фақат шу ибодатхона орқалигина кўнгилни Оллоҳга камоли куч билан боғлаш мумкин.

– Худо меҳрибон...

– Меҳрибон, – деди Бузим ҳам.

– Отамдан эшитганман, ёлғизлик Оллоҳга ярашади, одам кўпам ёлғиз яшамаслиги керак, дейилган экан эски китобларда.

– Тўғри, ёлғизлик Оллоҳга ярашади, чунки одам аслида истаса-истамаса, ҳеч қачон ёлғиз бўлолмайди.

Йигит итга маъноли қараб қўйди, Бузим эса пардага кўз ташлади. Болалардан бирининг инқиллагани эшитилгандай туюлди.

– Бошлаймиз, – деди мулла.

У онага қарата суралар ўқиди. Билади, бу жувон касалми, соғми, суралар сеҳрига минг йил сув ичмаган каби чанқоқдир. «Билганларимни қизганмайман», дерди Бузим.

Кейин дуоларни ўқиди. Эр-хотинга поклик, бахт, хусусан, солиҳ ва солиҳа фарзандлар тилади. Марднинг топганларига барака сўраб, оилада гул мисоли очилган болага соғликни ўтинди. Ёлгон ишлатганини, аммо бу ёлғони совуқ кечада мазоротда дунёга келган бечора қизчагина учун эканлигини айтиб, тавба-тазарру қилди.

Лабларда пичирлаб айтилди булар.

– Кийимларни беринг, – деди Бузим ердан кўз узмай.

Сунгра парда ортига ўтди-да, гўр қизининг қўлоғини чирмаб, латтага ўради. Ёш онани чақирди, қоронғида қўлига тутқазди.

– Тескари қараб, лекин шу ерда ўтираман, – деди Бузим, – сиз ҳам у ёққа ўгирилиб эмизасиз. «Булди» деганимдан парда ўртасига қўясиз. Қандай келган бўлсангиз шундай юриб чиқасиз, тушундингиз-а?

– Тушундим, мулла бова.

Қизча ўгил чақалоқдан икки баравар енгил эди, бироқ ҳаяжонланган жувон сезмади чоғи, терс ўгирилиб индамай кўкрак берди.

Бузим ҳам парда ортида терс бурилиб олган, тиззасида касалманд ўгил пилладай ётарди. Ногоҳон жувон «вой» деб юборди, даҳшатли чапиллаш, ҳатто гириллаш эшитилди.

– Тинчланинг, келин, – деди Бузим – юзига қараб қўйсангиз, болангиз умрбод ўша ҳолича қолади.

Йигит дурс-дурс юриб келди, аммо журъат этолмади, изига қайтди. Бузим алдаб бошқа чақалоқни, бундан-да даҳшати, махлуқни эмизишга мажбур қилаётгани уларнинг кунглидан ўтган эди. Зеро бунчалик саросимага тушиб ўтирмасдилар.

– Ўглимиз тузалса бупти-да, – норози оҳангда пунгиллади йигит.

Парданинг нариги четидан жувоннинг, бу четидан ўзининг оёғи кўриниб тургани, ўртада анчайин буш жой борлиги албатта йигитнинг нафсонияти қўзимаслигига важ эканлигидан Бузим умид қиларди. Воҳ, гўр қизи! Бунчалик очофат бўлмаса-я! Ахир, тугилганига икки кун ҳам тўлгани йўқ-ку. Ишқилиб, бояқиш жувоннинг кўксини гажиб ташламаса эди.

– Булди, етар, – деди Бузим ортиқ чидаёлмай.

У гўр қизига кесак едирсам едираманки, бу майнавозчиликни йигиштираман, деди ўзига. Шундай деса-да, ёш эр-хотин етти кун қатнадилар. Бузим муъжиза туфайли яна шон-шуҳратга эришди. Негаки, касалманд чақалоқ соғая бошлаган эди.

Кейинчалик Бузим бу ҳақда бош қотирар экан, чақалоқни ўзи эмас, гўр қизи даволаганига ишонч

ҳосил қилди. Айб она сийнасида бўлган, эҳтимол. Гур қизи бўри боласидай гажиб, тамшаниб эмиши ва...

Буни тўла-тўқис тушунишга Бузим тиббиётни ёрдамга чақирмади. Шунча йилдан буён тиббиёт фан сифатида ўз аҳамиятини йўқотган эди.

\* \* \*

Бир куни эрталаб Бузим безовта уйгонди. Кулбада нимадир қитир-қитир қилиб юрарди. Бошини кутардию кўзларига ишонмади: гўдак эмаклай бошлаганди. Унинг кўзлари итникидай оч, итникидай чақноқ эди. Ит «кулбада кўп кезганман, менга қизиги йўқ, хоҳласам-хоҳламасам кулба фуқаросиман» деяётгандай туюларди ва албатта хато қилаётганини ҳам тушунгандек эди. Энди бегонасан, деган фармон вожиб бўлиши ҳам мумкин эди-да.

Қизча унга яқин борди. Она қорнидан тушгач, аввало шу ит меҳр берганини, ялаганини эслаёлмади, шекилли, ёқимсиз мавжудот ҳисоблаб, дарров йўлини буриб кетди.

– Бўлиши мумкин эмас, – деб анграярди Бузим.

Назарида кулба бўйлаб ажабтовур махлуқ кезиб юрарди, ҳализамон ташланиб қолмаса гўрга эди. «Улгайганда қанақа буларкан? – деди Бузим. – Валламаат булар-ов. Ақл-ҳуши соғмиқан? Тўқ уриб ўлган онадан совуқ гўрда дунёга келди, булар асоратсиз қолмас...»

– Ҳей, – чақирди Бузим.

Овози бўғзидан зўрга учиб, диққинафас ҳавода йўқолди-қолди. Шунда одам зурриёдига исм қўймаганидан ажабланди. Ит-ку бир умр исмсиз яшаяпти, «ит» деб мурожаат этади. Бу эса одам. Ҳеч замонда одамни ҳам «одам» деб чақириб бўладими?

Қизча гўдаклигига борди: егулик тополмай йиглаб юборди.

– Тўхта, – дея Бузим уни кўтариб, тўшаги четига ўтқазди. Боласига шифо истаган ёш эр-хотинлар келтирган кийимчалар уни рисоладагидай оиланинг ширинтойи қилиб кўрсатарди.

Бузимнинг қўлига намлик тегди.

– Оббо, ҳўлаб қўйибсан-ку.

У иштончалардан бирини олиб кийгизар экан, қизчанинг оёгидаги қора догга кўзи тушди. Илгари кўрмаган эди. Нимадир ёпишган деб ўйлади, илло бу оддий хол эди, аввал пайқалмаган тугма хол.

– Оёгида холи бор қиз, – Бузим кулимсиради. – Отингни нима қўйсам? Холдон десам розимисан? Ё Холбуви қўяйми? Холнисо, Норхол, ҳимм, Холиса... Йўқ. Холиса бошқа маънода... Э, бу дунёда ҳеч ким қизини Гўрқиз деб чақирмайди-да. Булмаса сенинг исминг нақд эди.

Бузим соқолини силаб қўйди. Қизча огзидан суви оқиб соқолга талпина бошлади. Индамаса соқолни ҳам огзига солиб кўрадиган.

– Бор-е, бунча қитмир бўлмасанг! Сенга исм танлаяпман, тек турсанг-чи, шўрлик қиз.

Қизча нимадандир норизо бўлиб чийиллаб юборди.

– Ужар! – деди Бузим кесиб.

Қизча узини ҳар томонга отарди, агар бир ёшли бола бўлганидами, Бузимнинг қўлидан учиб кетиши муқаррар эди. Унинг ўйинқароқлиги Бузимга биринчи марта хуш ёқди. Онг тоғининг энг пастки қатламларини хотира вулқони ёриб юборган, Бузим бир вақтлар Баҳодирхон бўлган кезлари укаларини шундай эркалатиб ўтиргани жонланарди унда.

– Гўрхол, – деди у, – сенинг исминг Гўрхол бўлсин. Қўлогингга шундай деб азон айтаман...

Қизча гапга тушунгандай Бузимнинг юз-кўзларига термилди.

– Отанг ҳам, онанг ҳам менман, – деди мулла.

У Гўрхолни «қизим» деёлмади. Бировни болам деб айтишга тили бормаслигини энди пайқади. Қачонлардир шармисорликдан қўрқиб ота-онасини қон қақшатиб кетганини юракдан туйгандай бўлди. «Болам» деб гапирарди падари, «болажоним» дерди онаси.

Бузим жилмайиб қўйди.

– Гурхол, бирон кун Қорақишлоққа боришим керак, – деди чақалоққа. – У ерда ота-онангнинг уйи бор. Қани, бир хабар олай-чи, онанг бечорани ростдан ҳам тўк билан ўлдирганмикан? Эҳ, банда уз қилмишини шайтонга тўнкаб қўйгани каби бахтиқаролик ҳам менга ағдарилди. Қаргаганим учун онанг ҳам жувонмарг бўлганмиш. Шайтон қатори бўлиб қолдимми? Бу ёмон, Гурхол.

Бузим шамол кирмаслиги учун эшик тирқишларини яхшилаб беркитди. Йўқлигида биронтаси ўзини ўқитишга келиб қолса, чақалоқ йиғисини эшитиб, гап-сўз кўпаймасмикан, деб иккиланиб қолди. Бегоналар келишини истамаган дамларда итига дам солиб қўйгувчи эди. Бир вақтлар ит Зебигулга одам бўйи бўлиб кўрингани, қайнонасини еб қўйганининг синоати ҳам шунда эди.

Эшик олдига катта жийда шохи ташлаб, йўлга тушди. Зебигулни билганидан бери Қорақишлоқ оҳанрабодай узига тортарди. Зебигул улганидан кейин ҳам қишлоққа оёғи тортиши унга муҳаббат учқунларини эслатди. Йигирма йилдирки кўрмаган севгилисининг қизини учратиб юраги жиз этган эди. Пок муҳаббат нафақат маҳбубанинг узига, ота-онасига, опа-сингисига ҳам ҳурмат-иззат уйғотишини биларди, аммо қизига нисбатан... Балки бу муҳаббат эмасдир. Шундай бўлса-да, Зебигул хотини бўлиб қолишни истганини Бузим тан оларди.

Гурхол эса ҳаммасини ағдар-тўнтар қилиб, уни отага айлантириб қўйди. Шу билан муҳаббат туйғулари ўрнини алақандай оғир ҳислар эгаллай бошлади. Бу оила қурган эркакнинг йўқолиб бораётган ёшлик кечинмаларига жуда-жуда ўхшарди.

Бузим Соримтепага етгач, туйқус янада баттарин ҳислар — беҳафсалалик, лоқайдлик исканжасида қолди. Зебигул унга биров бўлиб кўринди. Бировнинг ҳаётига кириб қолгани, бировнинг сирини яширишга ўзини мажбур санаётгани ёқмай кетди. Симтўсиққа суюниб унинг мозорига тикилди. Жанозанинг эртасига қариндош аёллар мозор бошига келиши одат

эди. «Гур очилганини биронтаси сезмабди, – деган уй ўтди кунглидан. – Сезмагани яхши, сир сирлигача қолсин».

Тиловат қилди. Қабристонни айланиб ўтиб Қорақишлоқ йўлига тушди. У Аҳмарнинг уйи қаердалигини аллақачонлар билиб олганди. Қишлоққа кираверишда сариқ лой билан сувалган шиферсиз уйчадан дарча очиб қўйилган бўлиб, «Дукон. Сартарош» деган лавҳ қийшайиб турарди. Бир неча кундан бери Бузим дайдилар салтанатидан келган ажнабий мақомидан Мосуво бўлмоқликка жазм этган эмасми, дарчага бош суқди.

– Ассалому алайкум, – деди у бинойи одамлар сингари.

Ҳамма бараварига бошини кўтарди. Аслида бу ерларда Бузимнинг башарасини танимайдиган киши йўқ эди. Умрларида бир марта бўлсаям дуч келишган ва Бузим ўла қолса ҳам ташқи кўринишини ўзгартирмаган бўларди, одамларнинг хотирасига ўша ҳолида ўрнашиб қолиб, бир неча йилдан кейин ҳам ўша ҳолида учраб турган эди.

– Келинг, бова, – деди сартарош йигит.

Бузим дукон айланиб эшиқдан келди. Бекорчиликдан вайсаб ўтирган йигитлардан бири дик этиб турдида, жой берди. Бузимнинг оёғи қақшаб оғримоқда эди, бажонидил утирди ва йигитга миннатдорчилик билдирди. Одамлар Бузимни сассиқ дейишганди. Бироқ шу тобда ундан ажабтовур ҳид келар, бу ҳеч қайси атиршунос кашф этолмаган ғалати ифोर эди.

Соқолимни қиртишлаб қўясиз, уста, – деди Бузим ва синиқ кулиб қўйди.

Ёнгинасида ўтирган бола мулланинг жағ тишига яқин жойида тилла тиш ярақлаб кетганини кўриб, кўркўв билан кўзларини пирпиратди, аммо ҳеч ким ташқарига чиқишни истамасди.

– Сиз у ёқда яшайсиз-а? – сўради сартарош йигит гўристон томон ишора қилиб.

Дукондаги йигитчалар Бузимнинг огзига тикилишди.

– Менинг ўз уйим бор, – деди сирли одам.  
– Қаерда?  
– Анигини билмайман.  
– Сизни чет элдан келган дейишади, уйингиз ўша ёқдами?

– Уй деганда мазорни назарда тутяпман, – деди Бузим. – Мазордан бошқа уй банда учун омонат.

Йигитчалар бир-бирига маъноли қараб қуйишди. Бузим уларни зимдан кузатаркан, фақат сочи олинаётган йигитгина ура қочишга тайёр эканлигини сезди. Кузлари аланг-жаланг боқиб:

– Булдингми, Асли? – деб сабрсизланди у.

Бузимнинг кулгиси қистади. Уйда дин ё бирон маънили эътиқоддан гап очилмайдиган оилаларда баъзан шунақа тоифалар шаклланади. Бундайлар улим, жаноза, тобут, қабрдан гап кетса ранг-қутлари учиб, жуфтакни ростлашадилар. «Ўлимдан қўрққан одам ватанни севолмайди, – хаёлидан утказарди Бузим. – Виринчи уқ отилгандаёқ сартарош курсисидаги шу йигитга сичқон ини минг танг бўлса керак. Ватан деганда амалдорларни тушунадиган, уларсиз ватан ўз рангини йўқотадиган тоифалар ҳам шулардан чиқади...»

– Одам ўлгандан кейин ҳам яшайдими? – сўради рангпар ўспирин. Афтидан у анча-мунча нарса биларди, буш-баёвлиги учунми, билганлари ҳақида гапиришни эмас, бошқаларнинг огзидан эшитишни маъқул кўрарди.

– Яшайди, – деди Бузим.

– Буни қаердан биласиз? Ҳеч ким бориб келмаган-ку у дунёга? – гап қотди бурчақдаги қовоқдор йигитча.

Бузим унга табассум қилди.

– У дунёни кўриш оддий одамларга тириклик чоғларида насиб этмайди. Муқаддас китобларимизни ўқисангиз, ким бориб келганини билиб оласиз.

– Йўғ-э, – деди йигитча қизариб.

Қишлоқ аҳли ичида шундай одат бор: даврага янги қўшилган одам қайси қасб, гоё, тариқат эгаси



бўлса, мавзу ушанга қаратилади. Ҳозир тракторчи келиб қолганида, шубҳасиз, трактордан гап кетарди, журналист келганида газета-телевидениядан сўз очиларди. Бузим мавзу ўзгаришини кутди. Янги одамнинг янги мавзуси ҳам муваққат эди.

Ибодат ҳам, амри маъруф ҳам Бузимнинг наздида ўз жойида бўлиши лозим ҳисобланарди. Агар шу йигитчалар уни атайин ахтариб борганларида кечаю кундуз маъруза қилган булармиди. Таассуфки, булар тасодиф болалари.

Бир пайт дарчани бир киши тўсди. Огзидан буг пуркаб, деди:

– Опанг чечам бўлади, Асли, арогинг борма?

Сартарош кўзи билан Бузимга ишора қилди чоғи, оний сукутдан сўнг унинг капалаги учиб бақирди:

– Э-э! Бузим бовам шу ерда экан-ку! Ассалому алайкум, тақсир!

Бузим алик олиб шу билан ароқ шайдосининг даф бўлмоғини кутганди, қаёқда. Анча-мунча отиб олган кимса эшиқдан кириб келди. Кирганданоқ сартарошга буюрди:

– Бовамнинг сочини яхшилаб ол, тушундингми?!

Сўнг Бузим билан қучоқлашиб кўришди. Белидан даст кўтариб қўймоқчи ҳам бўлдию, ҳарқалай қучогидаги одам армиядан қайтган аскар эмас, авлиёсифат инсон эканлигини эслаб бирдан қўйиб юборди, Бузим гандираклаб кетди.

– Узр, узр... Мен салгина... – деди у.

Бузим жой кўрсатган эди, ташқарига имлаб:

– Тракторимдан бошқа нарсага ўтиролмаيمان, – деди беўхшов кулганча.

Бу одам Чеҳранинг акаси эди.

– Қорақишлоқда ҳамма мени танийди, – деди Чеҳранинг акаси огиз купиртириб, – манавиларнинг бари братишка бўлади, тўғрими, ойналар? Аслибой зўр сартарош, мужик бола. Шаҳарга бормайман, сочим ўсса шунга келаман. Лекин ҳазиллашаман ҳам. Опанг чечам бўлади, дейман! Ҳа-ҳа-ҳа-а... Шўхмиз-да,

мулла. Қани, Аслибой, бовамнинг сочини навбатсиз ол.

– Соч оддиргани кирганим йуқ, – деди Бузим.

– Дуконга келдингизми?

– Соқолимни эпақага келтирмоқчиман, ука, жа усиб кетди. Курганлар ёввойи деб нари қочипаяпти.

Чехранинг акаси ваҳаҳалаб кулди. Зийрак одам унинг бир неча кундан бери байрам қилиб юрганини бемалол фаҳмлаши мумкин эди.

– Бунинг куладиган жойи йуқ, – деб Бузим қайрилиб қаради.

Тракторчининг дами ичига тушиб бузрайди. Аммо хурсандчиликни биргина гапга бой бергиси келмасди. Йигитларга кўз қисиб қўяркан, нигоҳи сартарошда тўхтади.

– Асли, бир минутта...

Улар ташқарига чиқишаётганда, Чехранинг акаси қўлини кўксига қўйиб Бузимга енгил таъзим қилди, «чао» дедими, «чойга ўтинг» дедими, ҳеч ким англаёлмай қолди. Сартароши тушмагур бир зумда қайтиб кирди, қутиларнинг биридан ароқ олиб, қўйнига тикди-да, бўйинини қисганча чиқиб кетди. Яширинча ароқ олгани шу эди тракторчининг.

Сартарош-дукондор ҳам, тракторчи ҳам Бузимга овсарроқ кўринди, аммо соҳиб изига қайтгач, тароқ, қайчини қўлга олиб деди:

– Одамларга ҳам ҳайронман, бова, синглисиникида таъзия бўлган, бу эса атайин келиб ичади, худди Зебигул янганинг ўлганини нишонлаётгандай.

Бузим ногаҳон ўз исми айтилгандай сергак тортди. Қовоқдор йигитча тап тортмай сўзлади:

– Байрам қилса сизга нима, тоға? Синглисининг кундоши ўлди. Кундош ўлса байрам қиладиганлар сонмингта.

– Зебигул янга яхши эди-да. Бечора яқинда болали бўлиши керагийди.

– Гап яхши ё ёмонлиги ҳақида кетмаяпти, – дея у Бузимга қаради. – Тўтрими, мулла бова? Кундош ўлса қувонадими, йуқми?

– Одам ўлганда қувониш қиёмат белгиси, – Бузим уларга гамгин кўз югуртирди. – Мен ҳар бир душманним қазо қилганида йиглаганман. Ҳа, улар ашаддий душманларим эди.

Дўкондагилар ишонқирамай қараб туришарди. Омади бир гап-да, дейишгандир, эҳтимол.

– Ашаддийдан ҳам баттар эди улар, – давом этди мулла, – ота-онамни, қариндасларимни, бўлажак хотинимни умрбод йўқ қилишган.

– Вой-буй, – дейишди йигитлар, – фашист экан-да, а?

– Мундай олиб қараганда яқинларимнинг баъзилари ҳаёт, лекин мен учун йўқ. Умрингнинг охиригача кўрмайсан, овозини эшитмайсан, хат-хабар келмайди. Бу нима? Ўлим эмасми?

Ниҳоят, мижоз сартарошдан қутулди. Пулни шоша-пиша бераркан, лом-мим демасдан чиқиб кетди.

– Утиринг, – дейишди йигитлар Бузимга.

У кўзгу қаршисига, бўёги кўчган курсига ўтирди. Гап мавзуси Аҳмар, Зебигул ва Чехра ҳақида эди. Бузим кишилик жамиятига қайтгани сайин можаролар булутти қуюқлашиб борарди. Дўкондаги ёш йигитлар шу қадар ёниб гапиришаётган экан, оғзи мишмишга, қулоғи ёлгонга ўрганиб қолган хотинлар ҳозир нималар деб вайсаётган эканлар-а?

– Мелиса келгани ростми? – ўсмоқчилаб сўради Бузим.

– Ҳа, неча марта кеп кетишди, эҳ-ҳе. Кеча прокуратурадан ҳам бировлар келиб юрувди.

– Нега? Шубҳаси бормикан?

– Ким билади, – лаб бурди қовоқдор, – қайсиям йили тоғамнинг қишлоғида бир келинчак ўзини осган экан, ўлмай қопти. Прокуратура роса тергов қипти, ундан кўра тинчгина ўлиб кетганим маъқулийди, дебди келинчак.

Йигитларнинг йўгон-ингичка, дадил-уятчан овозларидан ясалган кулги дўкончани тўлдирди, Бузим зўрга ўзини тийди. Сартарош бир муддат ишидан тўхтади, сўнг яна энгашиб, қайчисини гийқиллата бошлади.

– Бова, ароқ сотса гуноҳми? – сўради ҳалим товушда.

– Ароқ тайёрлаган, омбору дўконларга келтирган, уни қўриқлаган, сотган, олган, ичган, ичирган – ҳаммаси кетади.

– Қаёққа?

– Дузахга.

– Йеҳ! – Сартарош йигитларга қараб бош чайқади.

– Дабдала-ку!

Йигитлар бу гал қаҳқаҳ отиб кулишди.

– Мана, ҳозир милиция, прокуратура ҳақида гапирдиларинг, суд дегани ҳам бор. Билиб қўйинглар, у дунёнинг сифатлари оз-оздан бу дунёнигига берилган, одамлар билсин, сезсин, деган-да. Жиноят қилган киши жазосини олган каби гуноҳқор марҳум ҳам ҳукм этилади. Фақат барчаси юз фоиз адолатли бўлади. Ким охирги марта ич-ичдан қувонган?

Йигитлар бир-бирига саволомуз қарашди.

– Айтаверинглар, бунинг нимаси қийин? Ишим расво бўлди, деганларингда бирдан омад кулиб шапкаларингни осмонга отанмисизлар?

– Э, бу куп бўлган, – деди қовоқдор қаддини гоз тутиб.

– Қабрга қўйилган майит ўзи ҳақидаги баъзи ҳақиқатлар билан юзма-юз келади, шунда роҳат кутиб турганини билса, тириклигида қувонганидан минг, милён барабар кучли шодликни ҳис этади. Бу шодликни биронта тирик жон ҳис этса, қувончдан юраги ёрилиб ўлиб қолиши мумкин. Аксинча, қайғу ва қўрқинч ҳам шундай. Одам ҳамиша тўғри йўлдан тойинмай юриши керак. Осий бўлишдан сақланинглар, укалар.

– Қабрда ҳаёт бўлишини яқинда эшитдим, – деди ўспирин, – у «қабр ҳаёти» деб аталар экан. Лекин энг тинч жой мазорот дейишади-ку...

– У ердан чиқаётган овозларни эшитмаймиз-да, – изоҳ берди Бузим.

– Айтмоқчи бўлганим, тириклар эшитмаса, нега унда Ҳилой маст эшитади?

– Нимани эшитади?

– Зебигул янга ўлган куни қабристонда чақалоқ йигисини эшיתיбди.

– Ўша оқшом сиз қаерда эдингиз? – сўради сартарош Бузимдан.

Баданига чумоли югурди. Қорақишлоқнинг хароб сартарошхонасида эмас, осмонупар бетон деворлар билан уралган қамоқхона ичида кўрди ўзини. Ўз оёғи билан кирибди-я бу тузоққа!

– Мен... жийдазордаги кулбамда... – Бузим яна бир нималар деганди, маънисини ўзиям илғамади.

Ҳамма унга галати тикилиб қолди. Сартарош тўхтади.

– Мазангиз қочдимиди, бова?

– Мазам... Нега... Олавер соқолни...

Бузимнинг упкасидан ҳаво эмас, ҳавосиз бушлиқ гувилаб чиқиб бўғзига қадалди, нафас олиш бир лаҳза қийинлашди.

“Ўпкам қисди, – деди Бузим ичида, – анча соғлиқ олдирибман... Гўрхол учун ўзимни авайлашим керак. Кулбамда ўлиб қолсам, қизча бояқиш қишлоққача, одамлар ҳузуригача эмаклаб боролмайди-ку”.

– Бир одамдан эшитдим, – сартарош узрхоҳ оҳангда сўйлади, – сиз Соримтепа атрофида тулки овларкансиз. Шунга... мабодо сиз ҳам бирон нима эшитганмисиз, деб сўрамоқчийдим. Лекин, сабабини билмайману, мазоротда юрадиган одамдан сўрамайди дейдилар-а?

Бузим <sup>с</sup>гўрков, гассол кабилардан ҳар нима сўрайвермаслик кераклигини тушунтиргандай бўлди. Эси-дарди Ҳилой маст деган кишида эди. Демак, Зебигулни <sup>д</sup>гўрдан кавлаб чиқарган мудҳиш кунда Соримтепа ёнидан одам утган экан-да! Қип-қизил маст бўлган.

– Энди-и, укалар, ким нима деса ишонвермаслик керак. – Бузим ўзини бироз босиб олди. – Банданинг борар жойи ҳақида муқаддас китобларимизда ёзилган. Ҳилой маст деяпсиз, – мулла ўспиринни

кўзгудан ахтариб топди, – доим маст бўлиб юрадиган кишими?

– Э, ичмаган куни йўқ. Чўянда ичиб пиёда келган вақтлари бўлади.

– Бир гаплашиб қўйишим керак экан-да.

– У гапга кирмайди. Шу кунлари мелисахонада бўлса керак.

– Мелисахонада нима қилади?

– Ўша учун бўлса керак...

Аммо ёнидагилар оғзига уришди:

– Бекор айтибсан, ун беш суткага қамалган!

– Гаров уйнайсанми? Эрталаб мозор бошига борган тоғасининг хотини қонли латта кўрдим деган. Бор, Жўжидан сўра!

– Жўжи манавини билади! – қизиққон йигит бош-малдогини уятли ҳолда кўрсатди.

Бузим сабр билан кутди. Йигитчалар деярли бошқа маълумот беришмади. Суриштиравериш Бузим учун қимматли нарсага – узоқ йиллардан бери урганиб қолган тинчгина одамови умрига таҳдид солиши турган гап эди.

Сартарошга пул узатган эди, олмади. Бироқ уста ҳақи бермаган ёки олмаган одамлар барака топмаслиги айна ҳақиқат эди, Бузим утирган курсисига пул ташлаб, дўкондан чиқди. Йигитчалар жўжаҳўрозлардай чираниб, дўконни бошига кутардилар. Ҳамманинг оғзида Зебигулнинг ўлими, ўша кеча қабристондан эшитилган чақалоқ йиғиси, яна алламбало мишмишлар эди.

«Сирим очилиб қолармикан? – ўйларди Бузим Қорақишлоқ ичкарисига кириб бораркан. – Хуш, очилса нима қиламан? Қизчани олиб кетишади, менга танбеҳ беришади, сўнг яна эски тос, эски ҳаммом — яшайвераман-да ҳеч бало бўлмагандай... Йўқ, хато фикрляяпман. Ёлғизлик халқ ҳаётидан узиб ташлабди мени. Мудҳиш қотиллик ҳақида фақат икки киши билади: мен ва қотил. Шундай экан, қабристон

воқеаси маълум бўлгач, бошим терговдан чиқмай қолади. Зебигулнинг кундоши ўн йилга кетиши керак. Кимнинг дастидан? Менинг! Ахир, унинг разилона ишини очиб ташлайман-ку. Кейин булар кулда тинчгина яшашимга қўйиб беришармикан? Қўйишмайди! Чунки ёшидан қарисигача мунофиқ, гаразгўй, гина сақловчи кимсалардан иборат эмасми атрофдаги қишлоқ аҳли! Орамиздан қотил чиқибди, деб фақат қотилга куйса, майли. Уни ушлаб берган хоин деб мендан нафратланадилар... Қўрқмайман! Йўқотадиган нима бор? Бироқ Зебигул буни истамаганди, сир сирлигача қолсин деб эди. Унинг васиятини бажо келтиришим керакми? Керак. Бечора бутун умр мени лаънатлаб яшаганга ўхшайди. Отаси билан душманлигим бор эди, қизнинг айби нима? Бу саволга ҳозир у тирик бўлганида ҳам жавоб беролмасдим. Ёш, миллат, дин танламайдиган нарсалар куп, аммо авлод танламайдиган бало-қазо, бу — қарғиш. Отасини қарғандим, етти пуштини қўшмаган эдим-а. Бир вақтлар келиб Гурҳол ҳам нега бизни қарғагансиз, деб сўраса керак...»

Аҳмарнинг уйи орқасида одамлар кўзга ташланди. Маърака булаяпти шекилли. Бузим юқорироққа — ҳовли бошига синчиклаб қаради. Уша ёқдаги дунглик биқинидан юрмбди-да. Уй орқасида турган кишилар айнан бекорчиликдан безор бўлган гийбатчилар бўлиб, пиқ-пиқ кула бошладилар. Соримтепа авлиёси уларнинг наздида дарбадар, ҳатто гадоё қатори эди.

Саргайиб саргаймаган, қорайиб қораймаган малламтир томорқадан тўғрига йўл солиб, Аҳмарнинг уйига олд томондан бормоқчи эди, уй орқасидагилардан бири ҳуштак чалиб чақирди. Бузим одоб юзасидан улар томон юрди. Битта-иккитаси нос отиб, томоша илинжида интизорлик билан кутди. Яқинлашгани сайин қизил, сариқ, қора башараларда ҳайиқишга ўхшаш аломатлар зоҳир бўлиб, одамнинг ташқи кўриниши иш бериши исботини топди. Бузим озода кийимда, бошида дуппи, соқоли текисланган.

– Ассалому алайкум, – дея у ҳаммаси билан бир-бир қуришиб чиқди. Кейин шундай нигоҳ ташладики, худойига келганлар носларини ютиб юборишларига сал қолди.

– Ичкари киринг, бутун «қирқ» булаётувди, – деди биттаси.

Бузим уй ёнидан юрганди, ёшрогини йул кўрса-тишга қўшган бўлишди. Гийбатчиларнинг дами ичига тушган, шугина ҳолат Бузимга тоғдай галаба эди. Неча йилки дала-даштда устидан кулувчилар, кулбасида эса бутунлай тескариси, салкам сигинувчилар билан учраштирарди уни тақдир.

Дарров қўлига сув қуйишди. Сочиқ тутишди. Бир хуштавозе киши ойнаванд хонага йул кўрсатди. Бу уша хона эди, ҳар томонда эшиклар: бири Чехранинг ётоғи, бири марҳума Зебигулнинг. Қайси бирига кирма, бахтсизлик бисёр дегандай бефайз кўринади бу ҳаворанг жонсиз тахталар.

Тўрда оппоқ соқолли мулла утирган экан. Бузим кириши билан ҳар бир кас аввало синчиклаб, гайритабиий мавжудотни учратгандай галати-галати қараб олди, сўнг мулла зериккан товушда Қуръон тиловат қилишга тушди. Ташқарида «Тераскага битта ош! Салат!» деган хитоб эшитилди.

Бузим одамлар сафига қўшилди, ҳаётга қайтди. Одам элга эл бўлгандагина одам ҳисобланарди бу юртда.

– Меҳмон, чойдан ичинг, – деди бири қадоқ қўли билан пиёла узатаркан.

Чой ичди, таом еди. Мулла томоқ қириб, деди:

– Отам ўлган йиллари сизни Соримтепа атрофида биринчи марта учратувдим. Эҳ-ҳей, ундан кейин неча замонлар ўтиб кетди, шу атрофларда яшаб юрасиз, асли қаерликсиз?

Кўп йиллардан буён гап ололмай юрган одамлар Бузимнинг огзига маҳтал бўлиб, ёнма-ён ўтирганлар энкайиб ё қад ростлаб бир-бирининг елкасидан, ияги тагидан мўралашди. Ҳали ҳеч зог мулланинг саволини жавобсиз қолдирмаган эди.



Бузим худойига келганларга тик қаради.

– Мен ҳам сиз каби оддий одамман, – деди у. – Бир вақтлар ўз қишлоғимда, уруғдошларим орасида яшардим. Бир воқеадан хафа бўлиб кетиб қолганман. Лекин кейинги ҳаётимни узлатга чекиниш, ибодат мавсуми деб тушунишларингизни истардим.

– Худойига борсам Қорақишлоқ мулласи тергаб тинчгина ўтиргани ҳам қўймади, демасангиз бир гап сўрайман.

– Булар иш бўлган, мулла, келган жойимни айтмай қўя қолай.

– Йўқ, қишлоғингизни сўрамайман, – қишлоқ мулласи соқолини силаб, ўйга толди, сўнгра шундай деди: – Қўшни вилоятда, тоғнинг нариги томонида бир пайтлар йигирма ёшлардаги мулла йигит дом-дараксиз йўқолган деб эшитганман. Ота-онаси фарзанд доғида куйиб ўлиб кетишган. Эътиборли томони, ўша йигит билан марҳум келинимиз Зебигулнинг ота-онаси санманга бориб қолишган экан, мулла эл олдида ёмон гап айтиб юборган, дейишади, шунақа воқеани ҳеч эшитганмисиз?

– Эшитганман, – деди Бузим.

– Унинг бир белгиси бор дейишганди, худойида айтиладиган гап эмас-у, аммо...

– Мулла! – Бузим бирдан безовта бўлиб қолди. – Мол белгисини айтса гуноҳ эмас, одамникини айтманг. Ўша белгини биламан, биров сўраса айтмаган бўлардим. Чунки сиз ва мен динни яхши тушунамиз. Ҳадислардан жулоса қилинишича, пойгада ортада қолган туяни «чопагон эмас» деб айтиш ҳам гуноҳга ўтиб кетиши мумкин экан. Ҳайвонни обрусизлантириш ҳисобланади. Кимга обрў бериш, кимни уятга қолдириш бандасининг иши эмас. Боз устига ўша йигит мулла бўлган, мулла ҳақида ҳар нима дейиш ножоиз.

Чоллардан бири эчки соқолини силкитиб шангиллади:

– Қизиқяпмиз-да, Бузим жура! Мол ҳам, одам ҳам Худонинг яратгани. Нега одамнинг белгисини

айтмаслик керак экан? Эшмат сариқ, Тошмат чулоқ десак одамлар тушуниб олаверади-ку.

Қишлоқ муллеси бу чолга хайрихоҳлик қилмади, бир дегандан Соримтепа авлиёсига ён босгиси келаётгани сезилиб турарди. У Бузимни, Бузим уни тушуңди.

– Балки эл орасида айтилса айб бўладиган белгидир, – деди мулла ҳалиги чолга.

– Песи бормикан? – сўради бефаросат чол.

– Қўй-е, Мустафо гаранг, булар диндан гапираяпти, сен ҳозир ҳам намоз ўқимайсан, аралашма, – қайтариб ташлади қарияларнинг дадилроғи.

Бузим салкам қўлга тушганини англади, лекин эл айбини айтиб ташлашга, тутиб олишга, қариндошлари олдига жунатишга уринмас, Зебигулникига келишининг асл сабабини ҳам суриштирмас эди.

– Марҳума келин икки йилча аввал қайнонаси билан олдига борганди, – Бузим дастурхондан кўз узмай ҳазин товушда сўзлади, – бефарзанд экан, билганимча ўқидим. Муллаликка, азайимхонликка даъво қилмайман, ўзлари келишади атрофлардан.

– Шифо топяптими, ўқийверинг-да, – қишлоқ муллеси далда берган бўлди. – «Ихлос — халос» деган гап бор.

– Кейин эшитдимки, у яқинда кўзи ёриши керак экан, тўк уриб ўлибди. Жуда раҳмим келди, ачинарли воқеа...

Ўтирганлар орасида:

– Пешонасида бор экан-да...

– Иймонини берсин...

– Энди, бу палакат-да, – деган гап-сўзлар жонланиб қолди.

– Қаерда тўк урди? – сўради Бузим улардан.

– Анави томондаги айвонда, – деди ёнидаги киши. – Анча вақтдан бери кувиси ишламаётган экан бечоранинг. Аҳмар уста чақириб тузаттирган. Уста ичадиган бола, балки изалентани яхши богламаганмикан, шу палакат бўлди-да.

– Дарров ўлиб қолганми ё...

Киши маҳзун тортди.

– Ҳа энди, икки юз элик вольт тўк уради, одам қоладими? Заҳга қўмган, дўжтир қараган, қарияларимиз текшириб кўришган, ўлган-да бояқиш.

Мустафо гаранг дегани яна шангилаб қолди:

– Бизнинг келиннинг айтишича, эртасига мозор бошига борган хотинлар «мабодо зах тортиб тирилдимикан?» деб гўрга роса қулоқ тутишибди. Қаёқда! Жимжит эмиш. Агар тирилсаям чимни ёриб чиқолмайди, ўзи чим бўлиб ўсиб чиққунигача эса анча бор.

Ёнидагилар уни турткилаб гап уқтиришга тушдилар. Мулланинг кетадиган вақти бўлиб қолган экан, фотиҳага қўл очди. Бузим ҳам қандай турсам экан деб ташвишга тушиб қолганди, жойидан қўзгалди. Ўликнинг худойилари қишлоқ қарияларига оддий бир зиёфат қатори эди. На чин дилдан дуои фотиҳа қилади, на ачинади марҳум-у марҳумаларга. Бошқа вақт бўлганда Бузим бундай маъракага қадам босмасди.

– Насиб этса яна кўришармиз, – жилмайди қишлоқ мулласи, – тўй-маъракаларга қатнашиб туринг.

Бузим маъқул маъносида бош қимирлатди, лекин яна бурунгидай яшайверишини ҳамма билиб турарди.

Чехрани бир марта кўриб кетишни истаб қолди. Қотиллик ҳақида хабар топганидан буён Зебигулнинг кундошини учратишни кўнгли тусар, аммо қачон учрашади, нима дейди, қоронғи эди. Сал юриб ҳовлига кўз югуртирди ва ўзига ижирганиш билан қараб турган бир одамга кўзи тушди. Бу Аҳмар эди.

– Анави одам уй эгасими? – деб сўради Бузим.

– Ҳа, Аҳмар ака, – жавоб берди бир бола. – Чақирайми?

– Кучада кутаркан де.

Аҳмар дастлаб иккиланиб турди, сўнг белбогини маҳкам қисиб кўчага йўл олди. Ҳозиргина худойидан чиққан кишилар қандайдир кулгили воқеани

(эҳтимол, Бузимни масхара қилиб) сўзлашиб, кулишиб борардилар.

– Чақирган сизми? – деди Аҳмар салом-алик қилмасдан.

– Менга баъзи нарсалар маълум, – гап бошлади Бузим, – хотинингизнинг ўлими юзасидан... Бир гаплар айтмоқчиман, лекин... – У чайналиб қолди.

– Негаки, сиз уни куф-суф қилгансиз, шундайми? – Аҳмар белидаги белбогини ҳамон қўйиб юбормасди. – Ўлмаслиги керак эди! Дуоларингиз асраши шарт эди! Шуларни айтиб ўзингизни шайх қилиб кўрсатмоқчисиз! Топдимми? Раҳматли энам кулбангизга олиб бориб бир хато қилган қилганда. Куф-суфингиз шифо берса, ўшанда фарзандли булардик, ўлмас эди тутишга бир-икки кун қолганда.

– Фикримча, у шифо топганди...

– Шифо топганмиди? Э, шунинг учун даладан қайтишда узоқдан кузатиб юрадиган бўлибсиз-да? Уни мен даволадим, энди рози қилиши керак, дегансиз-да? Эй, одамсиз ўзи? Замон кўтарганда сизни уриб ўлдирардим. Мен учун авлиё йўқ, мен каромат кўрсатган одамларни кўрмаганман. Эскилар айтарди, фалон жойда бир мулла сувни тескари оқизган деб! Чувринди, анқов, гўл, саводсиз, авомлар ҳар бало деяверади. Светни шайтон чироқ деб қочган аҳмоқлардан нимани кутиш мумкин? Сизга ўхшаган телбалар ҳозирги одамларнинг ўшалардай бўлишини орзу қилади. Дуо билан иш битганда Иккинчи жаҳон уруши қирқ биринчи йилнинг ўзидаёқ тугарди, милён-милён одам дуо қилган, нега одамлар жувонмарг бўп кетди?

– Сиз айтмоқчисизки...

– Айтмоқчиманки, мен бепушт эмасман! Хотинларим ҳам соппа-соғ, тирноқдай хизматингиз йўқ, ҳеч нарсадан увидвор бўлманг. Ҳозирги хотинимнинг буйида бор, Худо хоҳласа, келгуси йил фарзанд кўраман, ота буламан.

– Ҳа, сиз отасиз...

– Менга қаранг, пичинг гапларингизни йиғиштиринг-да, Қорақишлоққа иккинчи қадам босманг. Агар андишали бўлмаганимда Зебигул билан гап бўлганингиздаёқ чолдеворингизга борардим, ўласи қилиб урардим. Ҳеч кимнинг худойисига келмай нега Зебигулни келдингиз? Боринг, йўқолинг. Агар шу гаплашганимни бирон ерда саситсангиз, соғ қўймайман. Жонимдан тўйиб юрибман.

– Фақат битта илтимосим бор, – деди Бузим.

Аҳмар тишларини гижирлатиб, кўзларини ўйнатди.

– Нима, ҳозиргина кимга гапирдим? Ҳақиқатан тентакмисиз дейман?

– Узингизни босинг, ўлик чиққан уй эгаси худойига келган одам билан ёқалашиб юрса ярашмас...

– Ув! – Аҳмар ҳезланди, аммо мушт қилинган қўлини хиёл қимирлатиб қўйди, холос.

– Ураман десангиз қаршилиқ қилмайман, – Бузимнинг афт-ангорида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. – Марҳамат... Балки уришга ҳаққингиз бордир.

– Уриш тугул улдиришгаям ҳаққим бор!

– Чеҳра билан бир огиз гаплашиб олсам...

Аҳмар тирсагидан омбурдай қисиб Бузимни дўнглик ортидаги култепага судраб борди.

– ...гаплашиб олсам дегандим, – гудранди Бузим.

Иккови ҳеч кимга кўринмасди. Аҳмарнинг кўзлари аланг-жалаңг боқди. Шунда Бузимнинг кўнглидан «Зебигулнинг ўлимида Чеҳрадан ташқари шунинг ҳам қўли йўқмикан?» деган уй лип этиб ўтди. (Кулбада қолган қизча кўз олдига келди.) Совуқ ва ўлим нафасидан дийдираб ётганида эрининг исмини тилга олиш ёдидан кутарилган бўлиши мумкин-ку.

– Қўйвор, қотил! – деди Бузим кутилмаганда.

– Нима дединг?! – Аҳмар ҳам сенсираклади.

– Зебигулни мен эмас, сен ўлдиргансан!

Аҳмар Бузимга бошдан-оёқ қараб чиқди. Сўнг:

– Ҳов тентак, – деди, – биров сени одам ўлдиргансан деяптими? Ё мен ўлдирганманми? Қани, қури бу

ердан! Зебининг изидан эргашидинг, индамадим, Чеҳрани сўраяпсан... Энди бунисига чидамайман! Кетмасанг, шу ерда бўғиб ўлдириб, кулнинг ичига тиқиб ташлайман! Йўқолиб қолганингни бир йилдан кейин ҳам биров билмайди.

– Адашаяпсан.

– Зебини ҳеч ким ўлдирмаган! Шунча йил бола кутиб, ҳомиладор бўлганида ўлдираманми? Уша куни уйда йўқ эдим. Тентак, мени қотилга чиқариб вадирама! Мишмиш чиқарсанг лекин...

Аҳмар мушт кўтарди-ю, уролмади. Шу пайт Чеҳранинг акаси изма-из келиб, таққа тўхтади. Ажойиб томошага учраб серрайиб турарди.

– Ие, Бузимми? – ҳайратдан оғзи очилиб, кўзлари чақнаб кетди. – Уни нима қиляпсан, Аҳмар? Урмоқчимисан?

Тракторчи пастликка гандираклаб тушаркан, келакелгунча «бу мулла зўр», «урсанг қўлинг ўз-ўзидан синиб тушармиш», «нафаси ўткир» деб алжиради. Етганида ишшайди.

– Нима қасдинг бор, Аҳмар? – деди у куёвига сузилиб тикиларкан.

– Чеҳрани чақариб берармишман, – ерга туфлади Аҳмар.

– Боя сартарошхонада роса узига оро берганди. Сабаби бу ёқда экан-да.

Тракторчи қизариб, кўзларини қисиб, кучаниб-кучаниб кулди, еган-ичгани оғзидан отилиб чиқиб кетмагани муъжиза эди. Тусатдан қаддини гоз тутиб, Бузимнинг афтига калла қўйди. Авлиё ортига чалакам-чатти қадамлар ташлаб, култепанинг уртасигача борди ва гуп этиб йиқилди.

Йигирманчи аср одами авлиёсифат инсонни тап тортмай бир калла уриш билан аганатди!

– Бекор урдинг, – хафа бўлди Аҳмар ва Бузимнинг туришига ёрдамлашди.

Бузим шу тариқа Қорақишлоқдан калтак еб қайтди. Гурхол иштончасини ҳуллаб қуйган, огиз-бурнидан сув оққан, чинқириб йиглаб ётарди. Багрини ерга бериб олганини-чи шайтончанинг.

Уша кундан бошлаб Бузим кулбадан узоқлашган сайин қулоғи тагида гудаккинанинг йигиси янграйдиган бўлди. Ҳолдан тойиб, жондан туйиб кетган дамларда чақалоқни болалар уйига топширгиси ёки қишлоқ аҳлига кулбада қизча борлигини айтиб, олис-олисларга бош олиб кетгиси келарди.

Чеҳранинг акасига эса ҳаддидан ошиш қимматга тушди. Бузим одам боласини қаргашдан ўзини тийган эса-да, орадан бир ой ўтиб, баайни туғилган куниде трактори кичикроқ ўнгурга ағдарилиб кетди. У тирик қолйши мумкин эди, аммо бошини чиқариб ёрдам сўраб бақирди. Мотор огирлигини кўтаролмаган кабина бир неча дақиқа утиб майиша бошлади. Одамлар етиб келганида Чеҳранинг акасининг боши мажақланиб булган эди. Кимга қарғиш, кимга бахтсиз ҳодиса эди бу. Куп ўтмай мишмиш чиқди: у Бузимни урган экан.

“Бехосиятга ҳеч ким яқинлашмасин! У ҳали куп одамнинг бошига етади!”

Чеҳра учун ҳақиқий жаноза акаси ўлган кун бўлди. Аёлларнинг айтишича, у ҳадеб ҳушидан кетиб қолаверган. Балки қайтар дунё эканлигини тушунган, балки ҳомиладорлиги важдан дармонсизланган, ким билади дейсиз.

Орадан уч йил ўтди. Соримтепа қабристони билан боғлиқ ривоятлар, Баҳодирхон, Гурхол ва ит яшайдиган кўҳна шайит жийдазори ҳақидаги афсоналар Зебигул дафн этилган кунда ростдан ҳам гурлар орасида чақалоқ йиглаганини ҳақиқатдан ажратиб, эртатка айлангирди. Бузим одамзот гафлатда қолганидан севиңди. Вақт ўтган сайин Гурхол ажабтовур қизчага айланган эди. Ота-оналар фарзандларини нечун суйиб-эркалашини энди тушунди у. О, қанчалар

масрур дамлар эди. Ҳилой мастнинг қулогига чалинган ёки “буям бир чўпчак-да” деб қўя қолинган “чақалоқ йигиси воқеаси” ёлғизликда умрбод яшашга аҳд қилган кимсани бахтли қилган эди.

Бузим кулбага одам келишига қатъиян чек қўйди. Ҳатто қўчқор сўйганларни ҳам қайтариб юборди. Кейин ҳужрасида ўқимас экан, касалларнинг уйига борармиш, деган гаплар чиқди. Йиққан пулларига яхшироқ том солди: бир уй, бир ошхона. Эшикни мустаҳкамлади. Итнинг қариб қолганини айтмаганда бу оилада ҳамма нарса рисоладагидек эди.

Кунларнинг бирида (ушанда пахта даласида ягана бошланган бўлиб, ерлар хусусийлаштирилган эди) фермер мардикор ёллади. Мардикорлар ичида бир жиннитабиатроқ йигит бўлиб, отаси гиёҳвандлик балосидан ўн йилдирки азият чекаётганди.

– Вой онангни... анави жойдан тутун чиқяпти, – деди мардикор носини тупуриб.

– Сукма, – огоҳлангирди чўянлик йигит, – у ерда Бузим деган авлиё яшайди.

– Бузим? Ие, шунақа хунук жойда яшайдими? Бир дуоси билан улаётган одамни сақлаб қолган деб эшитгандим, миллионер эмас экан-да?

– У кўп пул олмайди, атаганингни берсанг кўнади, ортиқчасини қайтаради.

– Паханни опкеп ўқитишим керак, индамасам игнага ўтириш шашти бор.

– Уқит, лекин бу ерга опкема, Бузимнинг ўзини чақириб бор.

– Нега?

– Ҳужрасида ўқимай қўйган. Сабабини эшитсанг ўлиб қоласан.

– Улсам ўламан, айт!

– Жийдазорга кирсанг сирли уйга кўзинг тушади. Бузим билан бирга жинлар ҳам яшайди, шунинг учун оддий одамларни у ерга яқин йўлатмайди. Бовамнинг айтишича, қаҳратон қишда бўрилар ҳам келармиш, ўзларини ўқитиб кетармиш.



– Бор-е! Шу гапга ишонарканман-да. – Шундай дея мардикор Бузимнинг кулбаси томон жўнади. – Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман.

– Эҳтиёт бўл, ўвв, чақалоқ йиглаганини эшитганлар кўп, бола арвоҳи деган гаплар чиққан яқинда.

Мардикор қулоқ солмай жийдазорга қараб кетаверди. Қолганлар қизиқсиниш ва қўрқув аралаш қараб туришарди. Пахта даласи тугаб жийдазорни ўраган кичик янтоқзор бошланди. У нимадандир қуруқ қоладигандай олға интиларди. Янтоқзордаги ўйдим-чуқурларга йиқилиб тушиши мумкин эди, йўқ, кесакларга суриниб юзтубан тушишдан ҳам Худо сақлади. Тақдир бу йигитни шу тентаклиги учун мардикорга айлантирган, фермер билан учраштирган, Бузимнинг қароргоҳи ёнига улоқтириб келган эди. Ҳали ҳеч зог бостириб кирмаган эди сирли жийдазорга. Бузимнинг бошига айнан шу йигит бало келтириши тақдири азалда бор экан-да.

Тарвақайлаб кетган жийда ортидаги зниш жойда кўздан йўқолди. Мардикорлар гўё шерикларидан бири ҳозир минага учраб портлаб кетадигандай ҳайиқиш билан кўз узмай турганларида ногаҳон даҳшатли қичқириқ жийдазорни титратиб юборди. Қичқириқ иккинчи бор оламини бузганида пахтазордагилар бир-бири билан кўз уриштириб, елка қисишди. Тентак мардикор жўрттага бақираётганга ўхшарди.

– Юринглар-чи, – деди чўянлик йигит, – у ҳазиллашмаяпти-ёв.

Мардикорлар кетмонларини ташлаб, Бузим жийдазори томон секин-аста яқинлаша бошладилар. Улар жийдазорга шимол томондан бораётганликлари сабаб ҳадеганда кулба кўринмасди.

– Тутун тўхтади, – деди мардикорлардан бири.

– Тўхтади, – иккинчиси негадир қўрқиб гезариб кетди.

Худди янтоқлар орасидан илон чиқиб қоладигандай аланг-жалаңг боқиб бораётганларида чўянлик йигит бир қўлини баланд кўтарди.

– Жим!

Сукунат чуқди. Дайди шамол жийда шохлари орасидан шитирлаб ўтганда, биров:

– Ана! – деди.

Шу пайт мардикорнинг елкаси, боши, сўнг тиржайган башараси кўринди. Унга жин ҳам урмаган, аҳмоқона ҳазил қилган эди.

– Боришга қўрқдим, – дея уст-бошини қоқди у, – бақирмасам келмайсанлар-да.

Мардикорлар сўкинишга тупишди. Кейин қўл силтаб ортларига бурилишди. Шу он итнинг хургани эшитилиб, ҳамма барабар қаради. Бузимнинг ити ҳақида эшитмаган одам йўқ эди. Ит булгандаям оддий қора ит. Бироқ одамлар кучук зотини кўрмагандай қизиқсиниб томоша қилишди, ҳуштак чалиб чақирган булишди. Ит бечора қариб касалманд бўлиб қолган. У тўрт оёқда базур турарди.

– Қўйинглар-е, кетдик, – деди чўянлик.

– Тўхтанг, яна биттаси борга ухшайди.

Мардикорлар «қани, қани» деб бўйинларини чўзган маҳал томошани бошлаган мардикор йигит лапанглаб қочиб қолди.

– Қизча! – дея шерикларига олайиб қаради. – У ерда қизча бор, алдасам отам улсин, жўралар.

Шерикларидан яна сўкиш эшитди. Бироқ бу гал ҳовлиқманинг гапи ёлгон эмасди. Уларнинг кўз унгида жимитдеккина қизча намоён бўлди. Итни пана қилиб одамларга еб қўйгудай тикилиб турарди. Агар у бирон зиёратчининг қизи бўлса, шу ёшида ит билан жийдазорда ёлғиз уйнагани ҳеч қачон рухсат беришмасди. Агар у ёввойи бўлса, бор-йўғи йигирма сотихча чиқадиган жийдазорда Бузим ва аҳли дунё беҳабар ҳолда бир одам боласи вояга етиши мумкин эмасди.

– Кимсан? – деди чўянлик йигит. – Мулла бованикига келдиларингми?

Қизча кўз узмасди. Мардикорларга қанчалик қизиқ бўлса, унга ҳам шунчалик ажабланарли эди одамларни учратиш. Бурнини хотиржам тортиб

қуяётгани, ширинлик берармикан дегандай умидвор боқиши, айниқса, эгнидаги ҳали эскирмаган болача либоси унинг ёввойи эмаслигидан дарак берарди.

– Юринглар, ота-онасига олиб борамиз, – деди кимдир, – менимча, бу ўзини ўқитишга келганларнинг қизи. Мулла ўқиётганда ўйнаб чиқиб кетган.

– Бузим ҳужрасида ўқимай қўйган дедим-ку, – чўянлик йигит қизча томон юрди.

– Эрталаб ўнинчи бригадда кетиб бораётганини кўргандим, Бузим бова жийдазордамас, – деди югуриб келган бир бола.

– Ушлаймиз!

– Ота-онасига топшириб, суюнчисига пул сўраймиз!

– Бери кел, эй қиз! Ма, кака!

– Макака! – кулди бошқаси.

Йигитлар ярим доира бўлиб қизчанинг устига бостириб боришди. Ит гингшиб чекинди ва жунаворди, аммо жунагандаям қизчани қоқсуяк вужуди билан яшириб чопди. Йигитлар кўз очиб юмгунча етиб олиши тайин эди. Ит билан қизча кутилмаганда буталар қалин ўсган жойга уриб қолишди. Худди тажрибали қочоқлардай алақаерга беркиниб кузатиб туришганини ҳамма сизди.

– Бу оддий қиз эмас, – дейишди мардикорлар, – кетдик, тинчгина ўз ишимиздан қолмайлик, бир касофати урмасин.

– Уни тутиб олмасам умрбод ўзимни сўкиб юраман, – деди ҳовлиқма ва буталар орасини патир-путир ёриб ўтди.

Балки у айтганини қилармиди, лекин қишлоқ томондан шошиб келаётган Бузимни кўриб барчанинг юзида ташвиш пайдо бўлди. Бузим уларни олисдан пайқаган эди, ҳаддан ташқари шошаётгани шундоқ сезиларди. Икки тарафга-да тегишли умумий нохушлик вужудларга ёпишиб олди. Мардикорлар бирин-сирин янтоқзорга чиқиб, ундан пахта даласи этагига бордилар, кесакларга орқа бериб ҳоргин чўқдилар.

– Ёмон одамми? – пичирлади биров.

– Йўқ, лекин ўзи йўқлигида биров яқинлашса жинидан ортиқ ёмон кўради. Жийдазор унинг уйи, хотини, бола-чақаси.

Бузим улардан ўттиз қадамлар наридан ўтиб кетди. Одатига килоф равишда мардикорларга шундай ўқрайиб қарадики, ораларидаги художўйлар «тамом, ҳаммамизни қаргади» деб қўрқиб кетишди.

Кўп ўтмай атрофдаги қишлоқларда Бузим шайитида яшайдиган уч ёшлар атрофидаги абжир қизча ҳақида гап тарқалди. Бахтга қарши туманда уч яшар қизалоқ йўқолган бўлиб, йиглайвериб кўзи кўр бўлаёзган ота-онаси қаерда нима хабар чиқса, чошиб боргуси эди. Чуянликлардан бозорда эшитиб, ўша кунинёқ бир мошин бўлиб гириллаб келиб қолишди.

– Бузим дегани анави пахтазор этагидаги кўриниб турган тутлардан кейинги бригаднинг ўртасидаги жийдазорда яшайди, – дейишди уларга, – мишмишни кўп эшитамиз, бечора Бузим бола ўғриси бўлмаса керак. Яна ким билади дейсиз, муллалардан ҳам ҳар нарса кутиш мумкин.

«Жигули» вангилаб, чайқалиб, гоҳо ариқларга ботиб амаллаб икки қатор тутга етиб олди. Йўқолган қизчанинг ота-онаси, тоғаси ва амакиси важоҳат билан тушиб, даланинг ўртасидан кесиб ўтишди. Бузим хусусидаги ҳар қандай диний афсона, кароматлар бу одамларни қизиқтирмасди. Онаизор ҳозир Бузим авлиёсининг юзини тимдалаб ташлашга тайёр эди.

Улар бирдан тўхташди. Негаки қаршисида шахсан Бузимнинг ўзи турарди. Ўртада янгоқзор.

– Ассалому алайкум! – деди «Жигули»нинг ҳайдовчиси бор овозида.

Йўқолган қизчанинг онаси Бузимга эмас, ҳайдовчига нафрат билан қаради. Кейин Бузимга нигоҳини бурди.

– Қизим қани? – деди сафни ёриб чиқиб. – Қани деяпман? Шу ерда курганлар айтди! Агар бирон жойи тирналган бўлса...

Улар энди Бузимдан атиги бир қадам нарида туришарди. Куплаб одамларнинг ваҳмини келтирадиган авлиё касалмаңд эканлиги, эрта қаригани, яна беш-олти йил яшайдими, йўқми, даргумонлиги маълум бўлди-қолди.

– Қанақа қиз ҳақида сўраяпсиз? – деди Бузим. – Дабдурустдан нималар деб валдираяпсиз?

– Нима-а? Мен валдираяпманми? Ҳозир кўрамиз-да! – Хотин бирдан эрини судраб қолди. – Юринг, нимага қаққайиб турибсиз!

– Тўхтанглар! – Бузим чақирилмаган меҳмонларнинг йулини тўсишга уринди, эълолмади.

Ҳужра остонасида қоп-қора қари ит ўлиб ётарди, қорни ич-ичига ботган, тўкилган жунлари орасидан қовиргалари билиниб турибди.

Келганларнинг нигоҳлари итнинг бошини силаётган қизчага қадалдиди. Қизча ҳадиксираб турган бўлса-да, қочмади.

– Буямас, – дея аёл ичкарига отилди. Аммо бошқа ҳеч кимни тополмади.

– Нима керак сизга? – Бузим унга қаҳр билан тикилди.

– Болам керак, болам! Мана шундай эди, шу қизчадай эди, – йиглаб юборди у.

Эркаклар ҳужра ичкарисига қарамадилар ҳам. Вазифалари жабридийда хотинни олиб кетишдан иборатдек индамайгина йўлга солишди.

Пахтазор буйлаб бир аёлнинг нидолари қолди. Бузим унинг овозини Зебигулникига ўхшатди. Зебигул қабристондан чиқиб шу кенг далаларга сингиб кетган, ҳозиргина келган ожизанинг овозига ўзиникини қўшиб узоқ-узоқларга узатган эди гўё.

– Гурхол, – деди қизчанинг ёнига тиз чўкиб, – сен одамлар орасига қайтадиганга ўхшайсан, ҳадемай бу ерни милиция деган даргазаб кишилар босишади. Ҳалигилар сени кўрганликларини албатта айтадилар... Майли, нима ҳам дердик. Уларнинг вазифаси шу.

– Мен ҳаммасини ҳайдавораман, – жажжи қўлчасини мушт қилди гўр қизи.

Бузим синиқ жилмайди. У ўзи танлаган йўлнинг интиҳосига етган эди. Қизга келган миршаб наҳотки мулланинг шахсига қизиқмаса? Ун йил бурун бир неча участка нозирларига чап берган эди, энди эса иложи йўқлигини яхшигина тушунарди.

– Қочиб ҳам кетолмайман, – ўз-ўзига сўзлади у. – Итни кўмаман, ҳозир қиладиган ишим шу. Яхшиям, бу шармандаликларни кўрмай кетди.

Тушдан сўнг Бузим ва Гўрхол чой ичишга ўтирдилар, тушлик қилиш эсларидан чиқиб кетган эди.

– Нега ўт ёқдинг? – сўради Бузим.

– Туш кўрдим, – жавоб берди қизча. – Жуда ёқимли туш.

– Нимани кўрдинг ёқимли тушингда, оппоқ қиз?

– Мени бир йигит олиб кетибди, – деди у. – Туманли тун экан, совуқ. Лекин мен совқотмабман. Йигитнинг жўралари шунчалик кўп экан, минг-минг. Ҳаммасининг ярми бўри... «Ҳаммамиз гўрда тугилганмиз, – дебди у, – лекин фақат сен қизлардансан...»

\* \* \*

Хулласи калом, гўр қизи одамларга маълум бўлди. Милиция бўлимига келтирилган Бузимнинг шахси аниқланди ва чорак асрки дом-дараксиз йўқолган одам топилди. Бироқ бу билан энди ниманид ҳам ўзгартириш мумкин бўларди?

Гўр қизининг кейинги тақдирига қизиқиб, сўраб-суриштиришганимда шундай дейишди:

– Чехра қамоқдан чиққанида меҳрибонлик уйида униб-ўсган Гўрхолнинг бўйи чўзилиб қолганди. Ўтган йиллар мобайнида у нималарни ўйлаган, қандай тарбияланган, дунёқарашни қанақа шаклланган, билмаймиз. Орадан яна йиллар ўтиб, Гўрхол мустақил ҳаётга учирма бўлади.

Бир куни ҳовли четидан Чехранинг мурдасини топиб олишади. Одамлар Гўрхол қиёфасидаги бир

қизни кўришгани айтишади. Ҳақиқатан гўр қизининг оёқ ва бармоқ изларини аниқладилар. Уни бир йилча ахтаришади. Унинг туманли кечада бир йигит билан кетиб бораётганини кўрганлар бор эди. Ниҳоят тўққиз ойдан сўнг қайсидир туман туғруқхонасига бир жувонни оғир аҳволда келтиришади. Бояқиш туғолмай ўлади. Шифокорлар чақалоқни кечсарча-кесиш йўли билан сақлаб қоладилар. Қисматнинг аччиқ ҳақиқатини қарангки, Гўрхол қабрда туғилиб, туғруқхонада вафот этди.

– Бузим-чи? – сўрадим ундан.

– У ўзи қаргаган сулоланинг сўнги вакили оламдан утганини эшитганда ўлим тушагида ётган эди. Қариндошларининг айтишича, кўзидан бир томчи ёш думалаб, жимгина жон берган. Ҳозир Гўрхолнинг қизи қаердадир вояга етяпти. Агар ёмонларга дуч келмаса, у бахтли бўлади.

Ҳа, шўрлик қизчага мен ҳам бахт тиладим. Бироқ бу билан қисса ўз ниҳоясига етди, демоқчи эмасман. Туғилганиданоқ фавқулодда кучга эга бўлган афсонавий қиз ҳақида яна бир одамдан эшитиб, иккинчи китобни ёзишга қарор қилдим. Унда Гўрхолнинг болалиги, утай онасининг ўлими ва сирли йигит билан йўқолиб қолганию туғруқхонага тушгунича бошидан нималар кечиргани ҳикоя қилинади. Балки Гўрхол ҳозир ҳам тирикдир? Айрим мишмишлар замирида жон борлигини инобатга олсак, туғруқхонадаги жувон бошқа. Ҳаётда эса, таассуфки, англашилмовчиликлар тез-тез учраб туради.

### **Биринчи китоб тугади**

УДК: 821.512.133  
84(57)6  
Қ59

Қ59 Қоржовов, Азамат.  
Гур қизи: Қисса. К. / А. Қоржовов. —  
Т.: «DAVR PRESS», 2011. — 144 б.

ISBN 978-9943-393-44-8

УДК: 821.512.133  
ББК 84(57)6

*Адабий-бадий нашр*

## **ГҮР ҚИЗИ**

**Бош муҳаррир Муҳайё Рихсибекова**  
**Масъул муҳаррир Дилноза Зуннунова**  
**Дизайнер Муштарий Абдужалилова**  
**Саҳифаловчи Азиза Ойназарова**

Нашриёт лицензия рақами №083  
Матн 2011 йил 6 июнда теришга берилди. 2011 йил 27 августда  
босишга рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32  
«Baltica APP» гарнитураси. Шартли босма табоги 7,56.  
Нашриёт ҳисоб табоги 5,5. Адади 2000 нуска.  
430-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет «DAVR PRESS» нашриётида тайёрланди.  
«MAXIGRAF PLUS» МЧЖ нинг матбаа бўлимида  
офсет усулида чоп этилди.  
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156,  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>а</sup>-даҳа, 42-уй.  
Тел: 8(371) 216-9014, 120-1299;  
Маркетинг бўлими: 8(371) 120-1233, 420-1233  
Web: [www.mgp.uz](http://www.mgp.uz), [www.kitoblar.com](http://www.kitoblar.com);  
E-mail: [davr-press@mail.ru](mailto:davr-press@mail.ru)